

Xalq davlat idoralariga emas, davlat idoralari  
xalqimizga xizmat qilishi kerak.

Shavkat MIRZIYOYEV

# DEMOKRATLASHTIRISH VA INSON HUQUQLARI

2(94) – 2022

■ DEMOCRATIZATION AND HUMAN RIGHTS

■ ДЕМОКРАТИЗАЦИЯ И ПРАВА ЧЕЛОВЕКА

Ilmiy-ma'rifiy jurnal – Scientific and educational journal – Научно-просветительский журнал



Onalar salomatligi – kelajak poydevori

**Ayol qadri ulug'langan yurtida tinchlik va farovonlik barqaror bo'ladi**

**In a Country, Where the Honor and Dignity of Women Are Glorified, There Will Always Be Peace and Prosperity**

**В стране, где возвеличиваются честь и достоинство женщины, всегда будут мир и благополучие**



Doi Journal 10.54952/p1696-2206-6326-y

ISSN: 2181-6409

# DEMOKRATLASHTIRISH

## VA INSON HUQUQLARI

Doi Journal 10.54952/p1696-2206-6326-y

2 (94) – 2022

ILMIY-MA'RIFIY JURNAL

### Tahrir kengashi raisi:

Akmal SAIDOV

### Bosh muharrir:

Erkin ERNAZAROV

### Xalqaro tahrir kengashi a'zolari:

Tanzila NARBAYEVA

(O'zbekiston)

Qudratilla RAFIQOV

(O'zbekiston)

Aslan ABASHIDZE

(Rossiya Federatsiyasi)

Akira FUJIMOTO

(Yaponiya)

Uilyam BATLER

(AQSH)

Tadeush BODIO

(Polsha)

Marg'ub Salim BUTT

(Islom hamkorlik tashkiloti)

Reyn MULLERSON

(Estoniya)

Tatyana MOSKALKOVA

(Rossiya Federatsiyasi)

Sergey UDARSEV

(Qozog'iston)

### Tahrir hay'ati a'zolari:

Mirzatiillo TILLABAYEV – yuridik fanlar doktori, dotsent.

Xalim BOBOYEV – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi fan arbobi.

Omon OQYULOV – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan yurist.

Asqar G'AFUROV – yuridik fanlar nomzodi, dotsent.

Muzaffar MAMASIDDIQOV – yuridik fanlar doktori, professor.

Mixail GASANOV – yuridik fanlar nomzodi, dotsent.

Yelizaveta KUTIBAYEVA – yuridik fanlar doktori, professor.

Xaydarali MUXAMEDOV – yuridik fanlar nomzodi, professor.

### Bosh muharrir o'rinbosari:

Azizbek RAMAZONOV

### Mas'ul kotib:

Azamat JUMANIYAZOV

### TAHRIR HAY'ATIDAN

Xotin-qizlari qadr topgan yurt ..... 2

### YANGI O'ZBEKISTON – XALQCHIL VA INSONPARVAR DAVLAT

Tanzila Narbayerova. Majburiy mehnatga qarshi kurashishning dolzarb tendensiyalari: natijalar va istiqbolli rejalar ..... 4

### AYOLLARIMIZNING QONUNY HUQUQ VA MANFAATLARI

Zulayho Mahkamova. Mustahkam oila va faol xotin-qizlar jamiyat farovonligini belgilaydi ..... 10

Nozim Husanov. Mehnat munosabatlarida gender tengligi: xotin-qizlarga yaratilgan shart-sharoitlar va imkoniyatlar ..... 17

Azixon Po'latov, Umida Pirmuhamedova. O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safida ayol harbiy xizmatchilarning maqomi, o'rni va roli ..... 20

### XALQARO HUQUQ VA O'ZBEKISTON TAJRIBASI

Jasur Islamov, Aziz Yuldashev. Inson huquqlari himoyasining yangi bosqichi ..... 24

Haydarali Yunusov. Hozirgi zamon xalqaro munosabatlarida islom xalqaro tashkilotlarining roli ..... 30

### JAMIYAT VA HUQUQ

Rustam Tursunov: "Insonparvarlik va demokratik tamoyillar faoliyatimizning bosh mezon" (intervyu) ..... 37

Xayriddin Fayziyev. Davlat boshqaruvi organlari tushunchasi ..... 43

Sayyora Saidova. Yoshlar ijtimoiy-siyosiy faolligi – mamlakatda tolerantlikni mustahkamlovchi muhim omil ..... 47

Abdukarim Shodiyev. Jazoni ijro etish muassasalari faoliyatida tartibot va tarbiyaning o'rni ..... 53

Shuxrat Aliyev. Jamoat xavfsizligini ta'minlashda fuqarolik jamiyati institutlarining o'rni ..... 56

### INSON VA QONUN

Shavkatjon Raximov. Suv va suvdan foydalanish sohasida prokuratura faoliyatini takomillashtirish masalalari ..... 60

Miratdiyev Najimov. Voyaga yetmagan shaxsni jinoyatga jalb etishning jinoiy-huquqiy tahlili ..... 66

### LEV TOLSTOY HIKMATNOMASI

Akmal Saidov. "Urush va tinchlik" falsafasi: saralangan hikmat durlari ..... 70

ANJUMANLAR. TADBIRLAR. TAQDIMOTLAR ..... 80

#### MUASSIS:



INSON HUQUQLARI  
BO'YICHA O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
MILLIY MARKAZI

#### HAMMUASSISLAR:



O'ZBEKISTON  
KASABA UYUSHMALARI  
FEDERATSIYASI



OLIY MAJLISNING  
INSON HUQUQLARI  
BO'YICHA VAKILI  
(OMBUDSMAN)

## ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ

Юртимиз аҳолисининг қарийб ярмини хотин-қизлар ташкил этади. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, опа-сингилларимиз учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиб бериш, уларнинг қобилиятлари ва салоҳиятини рўёбга чиқариш энг устувор ва долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, **“Маълумки, ҳар қандай жамият ва давлатнинг қай даражада халқпарвар ҳамда адолатли экани унинг хотин-қизларга бўлган муносабати ва ғамхўрлиги билан белгиланади. Халқимизни рози қилишдек олий мақсадга эришиш учун хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналишларидан бирига айланади”**<sup>1</sup>.

Гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш бўйича ишлар бир неча йўналишларда олиб борилмоқда:

- **биринчидан**, аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;
- **иккинчидан**, аёлларни ҳимоя қилишнинг институционал асосларини ривожлантириш;
- **учинчидан**, аҳолининг гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқлари бўйича хабардорлигини ошириш;
- **тўртинчидан**, ҳуқуқни қўллаш амалиётида уларга риоя этилишини таъминлаш учун масъул мансабдор шахсларни тегишли ҳуқуқий меъёрлар асосида ўқитиш.

Хусусан, гендер тенгликни таъминлашнинг қонунчилик ва институционал негизини мустаҳкамлаш йўлида муҳим чоралар кўрилди. Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул

қилинди. Шу жумладан, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар кучга кирди.

Ҳозирги кунда аёллар мамлакатимиздаги демократик жараёнларнинг, халқчил ислохотларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчисига айланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Сенатда эса бу кўрсаткич қарийб 25 фоизга етди. Маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 31 фоизи ҳам жонкуяр, фаол аёллардир. Ана шундай натижалар туфайли Ўзбекистон парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент орасида 37-поғонага кўтарилди. Ҳолбуки, бундан 5 йил илгари 128-ўринда эдик. Шунингдек, Олий Мажлис Сенати таркибида аёллар ҳуқуқларини таъминлаш ва камситишнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка уйғунлаштириш билан шуғулланувчи Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилган. Давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида эса 1400 га яқин аёллар республика ва вилоятлар, 43 мингдан зиёд хотин-қизлар туман ва шаҳарлар даражасидаги раҳбарлик лавозимларида ишлаб келмоқда.

Бу халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, 2017 – 2021 йилларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили сифатида фаолият олиб борган Хелена Фрейзернинг куйидаги фикрлари диққатга сазовор: **“Таъкидлаш жоиз, қабул қилинган норматив-меъёрий ҳужжатлар ва амалий чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг гендер сиёсати соҳасидаги муҳим қадамидир ва у қонунчилик ҳамда амалиётнинг халқаро меъёр ва стандартларига тўлиқ мос келади, шу билан бирга, уларнинг бир**

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // “Янги Ўзбекистон”, 2022 йил 8 март, №49 (571).

қисми БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича идоралари тавсияларига асосланган”<sup>2</sup>.

Мамлакатимизда аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ёндашувлар тубдан қайта кўриб чиқилмоқда. Хусусан, эҳтиёжманд аёлларга зарур шароитлар яратиш, хотин-қизлар саломатлигини тиклаш ва муҳофаза қилиш, айниқса, қишлоқ жойларда яшайдиган аёлларнинг касб-ҳунар эгаллашига кўмаклашиш, бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Биргина 2021 йилда 900 мингга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдамлар кўрсатилди. Бу мақсадлар учун бюджетдан 2 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Хусусан, 18 минг нафар аёлга уй-жой харид қилиши учун 400 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар берилди. Шунингдек, 2022 йилда ипотека кредитлари бўйича бериладиган субсидияларнинг 40 фоизи хотин-қизлар учун ажратилган. Бу муҳтож аёлларни 12 мингта қулай уй-жой билан таъминлаш имкониятини беради. Тарихимизда илгари бўлмаган бундай кенг қўламли ишлар ижроси учун 15 триллион сўм маблағ йўналтирилмоқда. Боқувчисини йўқотган аёлларнинг фарзандлари учун эса боғча харажатларини бюджетдан қоплаш тартиби жорий этилди.

Шунингдек, 2021 йилда мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 триллион сўмдан зиёд кредит ва субсидиялар ажратилди. Натижада 320 мингдан ортиқ аёллар доимий иш ва даромадга эга бўлди. Жорий йилда эса тадбиркорлик соҳасида ишлаётган хотин-қизлар сонини янада кўпайтириш мақсадида “Бизнесчи аёллар” дастури қабул қилиниб, бунинг учун 8 триллион сўм маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган. Ҳозирда 400 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари аёлларни касбга ўқитиш, тадбиркорликка жалб қилиш, уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан машғул. Қишлоқ жойларида бундай лойиҳаларни амалга ошириш учун нодавлат ташкилотларга 2 миллиард сўмгача грантлар ажратилмоқда.

Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишда аёлларнинг илмий-маданий камолоти, оқила ва ўқимишлилиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Опа-сингиллари-

миз орасида ўнлаб академик ва профессорлар, фан докторлари ва фан номзодлари, юзлаб истеъдодли тадқиқотчилар бор. Улар сафини янада кенгайтириш мақсадида ўтган йили эҳтиёжманд оилаларга мансуб 2 мингдан зиёд қизлар олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида қабул қилинди, яна шунча талаба қизларга контракт пуллари тўлаб берилди.

Олти йил аввал олийгоҳларда 110 минг нафар аёл таҳсил олган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 400 минг нафарга етди. Олий таълим даргоҳларида таҳсил олаётган хотин-қизларнинг улуши 2016 йилда 38 фоизни ташкил этган бўлса, айни пайтга келиб 50 фоизга яқинлашди. Бу йўналишдаги давлат сиёсатини янада такомиллаштириш мақсадида мамлакатимизда 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш миллий дастурини қабул қилиш режалаштирилган. Хусусан, келгуси ўқув йилидан бошлаб магистратурада ўқиётган барча қизларнинг контракт пулларини тўлиқ бюджетдан қоплаб бериш учун ҳар йили 200 миллиард сўм маблағ йўналтирилади, докторантура йўналишида эса улар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота, “Олима аёллар жамияти”га ҳар йили 50 миллиард сўм маблағ ажратилади<sup>3</sup>.

Оила ва хотин-қизларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, уларнинг муаммоларига тизимли ечим топиш, ваколатли органлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида бу йил Бош вазир ўринбосари лавозими қайта тикланди ҳамда янги Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) бўлинмалари ташкил этилди<sup>4</sup>.

Республикадаги 9,5 мингга яқин маҳалла раисининг хотин-қизлар ва оила бўйича ўринбосарлари ушбу қўмита тизимига ўтказилди. Ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими жорий қилинди.

Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган, халқчил ислохотларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчилари – зукко ва билимдон, оқила ва меҳрибон, жонқуяр ва фидойи юртимиз аёллари ҳар доим элимиз эъзозид ва давлатимиз эътиборида. Зеро, Ўзбекистон – инсон шаъни улуғланган, ҳар бир аёл кадр топган диёрдир.

<sup>2</sup> Хелена Фрейзер. Ўзбекистон гендер тенгликни таъминлаш бўйича муҳим қадамларни қўймоқда // “Тараққиёт стратегияси” марказининг расмий веб-сайти / <https://strategy.uz/index.php?news=745&lang=uz2>.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // “Янги Ўзбекистон”, 2022 йил 8 март, №49 (571).

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.03.2022 й., 06/22/81/0174-сон // <https://lex.uz/ru/docs/5884143>.

## МАЖБУРИЙ МЕХНАТГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ДОЛЗАРБ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ: НАТИЖАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР



**Танзила НАРБАЕВА,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Раиси

Сўнги 5 йилда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида Янги Ўзбекистонни бунёд этиш учун халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган “Янги Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар давлат” ғояси асосида тизимли ислохотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев айтганидек: “Янги Ўзбекистон – демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэътироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланадиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатдир”.

Бугунги янги Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тизимли ислохотлар олиб борилмоқда, барча тармоқ, соҳа ва йўналишларда амалга оширилаётган ишларнинг асосида янгича рух, янгича кайфият ва вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган янгича ҳаёт мазмуни кириб бормоқда.

Ислохотларнинг марказида – халққа хизмат қилиш, аҳолини рози қилиш, уларнинг дарди билан яшаш, муаммоларини ҳал этиш устувор масалага айланган.

Бундай жараёнларда очиқлик ва ошқораликка амал қилган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишдаги асосий натижа ва халқаро эътироф сифатида Ўзбекистоннинг илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига уч йил муддатга – 2021–2023 йилларга сайланганини айтиб ўтиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқларини таъминлашда меҳнат муносабатлари тизимини тақомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик масалалари устувор аҳамият касб этиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Мазкур йўналишдаги тизимли ишларнинг сифат жиҳатидан янги босқичга чиқишида, эришилган натижалар ва энг муҳими, аҳолининг барча қатламлари манфаатларига ижобий таъсир кўрсатишида қуйидаги устувор тамойиллар асос бўлмоқда. Хусусан:

- давлат бошқаруви органларининг очиқлиги;
- халқ билан мулоқот;
- фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- мажбурий меҳнат билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатни фавқулодда ҳолат сифатида баҳолаш;

• хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган фуқароларнинг ҳуқуқларини тизимли таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш;

• муносиб меҳнат тизимига халқаро стандартларни жорий этиш.

Ушбу тамойиллар асосида амалга оширилган ишлар барча соҳаларни, шу жумладан, меҳнат бозори ва меҳнат муносабатлари тизимини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

**Бугунги кунда соҳада амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар натижасида мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасида аниқ натижаларга эришилди. Хусусан, 2022 йил 10 март куни “Cotton Campaign” халқаро коалицияси Ўзбекистонга нисбатан қўйилган “пахта бойкоти” бекор қилинганини расман эълон қилди.**

“Cotton Campaign” халқаро коалицияси томонидан Ўзбекистон пахтасига қўйилган глобал бойкотнинг бекор қилиниши мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотлар самарадорлигининг ёрқин мисоли бўлди.

Қайд этиш жоизки, ўзбек пахтасига қўйилган бойкотнинг бекор қилиниши юртимизда, биринчи навбатда, ҳудудларда миллионлаб янги муносиб иш ўринларини яратишга, аҳолининг бандлик даражасини оширишга хизмат қилади, янги бозорларни очади, янги инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишга имкон яратади.

**Шунингдек, 2016 йилда Ўзбекистонда тизимли болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилди.** Бу натижани инobatга олган ҳолда Европарламент Ўзбекистоннинг текстил протоколига қўшилиши ҳақидаги қарорни қабул қилди.

2020 йилда АҚШ Савдо вакили (USTR) Ўзбекистоннинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш мезони бўйича АҚШнинг Преференциялар бош тизими (GSP) мувофиқлигини эълон қилди, шунингдек Еврокомиссия таҳлиллари асосида Ўзбекистон “GSP+”да қатнашиш мезонларига жавоб беради деган ҳулосага келди.

2021 йилда АҚШ давлат департаменти Жаҳонда одам савдоси тўғрисидаги йиллик ҳисоботида Ўзбекистон позициясини иккинчи тоифага мансуб мамлакатлар рўйхатига киритди.

Эришилган муваффақиятлар – бу меҳнат муносабатлари соҳасидаги кенг қўламли тизимли ислохотларнинг самараси бўлиб, улар қуйидаги йўналишларда амалга оширилди:

1) қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш;

2) халқаро стандартларни имплементация қилиш;

3) қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш;

4) институционал асосларни ривожлантириш;

5) тизимли мониторинг ва тадқиқотлар олиб бориш;

6) фуқаролик жамияти ва ихтисослашган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш.

### **Миллий қонунчиликни такомиллаштириш**

Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, соҳага доир қонунчилик асосларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида **2021 йилда 16 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шундан 4 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та фармони, 4 та қарори, Ҳукуматнинг 6 та қарори қабул қилинди.**

Жумладан, вояга етмаган шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бунинг натижасида болалар меҳнатига йўл қўйган шахсларнинг дастлабки қилмишлари учун жиноий жавобгарлик белгиланди ва болалардан фоҳишалик мақсадида фойдаланиш, уларни ғайриқонуний жамоат бирлашмалари фаолиятида қатнашишга ундаш ҳамда мажбурий меҳнатга жалб этиш учун жиноий жавобгарлик кучайтирилди.

Фарзандликка олиш тартибининг ҳуқуқий асосларини соддалаштириш юзасидан қонун қабул қилинди. Қонун билан унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган ва жазо муддатини ўтаганларга ҳам фарзанд асраб олишга рухсат берилди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг “Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига қўмаклашиш асослари тўғрисида”ги 187-сонли ҳамда “Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисида”ги 167-сонли конвенциялари ратификация қилинди.

Ушбу конвенцияларнинг ратификация қилиниши меҳнат хавфсизлиги ва гигиена соҳасидаги халқаро стандартларни самарали жорий этишга хизмат қилади.

Миллий қонунчиликни такомиллаштиришда асосий эътибор халқаро нормаларни ва стандартларни имплементация қилишга қаратилди. Бу борада Халқаро меҳнат ташкилоти билан кўп қиррали ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, охириги 10 йил давомида Ўзбекистон ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасида мажбурий меҳнатга қарши курашиш, меҳнат ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш, меҳнат муносабатлари соҳасида халқаро стандартларни жорий этиш борасида самарали ишлар амалга оширилди.

**Ҳозирга қадар Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилотининг 19 та конвенциясини, шу жумладан 8 та асосий ва 4 та директив конвенциясини ратификация қилган.**

Ўзбекистон ҳар йили Халқаро меҳнат ташкилотининг ўртача 2 та конвенциясини ратификация қилиб, Ташкилотнинг 100 йиллигига бағишланган халқаро меҳнат стандартларини ратификация қилиш кампаниясида фаол иштирок этди.

Шундай қилиб, мажбурий меҳнатга қарши курашишда қонунчилик базасини такомиллаштириш ва халқаро конвенцияларни ратификация қилиш орқали ушбу соҳада ҳуқуқий бўшлиқлар бартараф этилди ва жиноят учун жазо халқаро стандартларга мос равишда кучайтирилди.

### **Ташкилий-институционал базани ривожлантириш**

Муносиб меҳнат тамойилларини амалиётга татбиқ этиш, мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида институционал базани ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий ва ҳудудий комиссияларнинг ташкил этилгани, шунингдек, ушбу масалалар бўйича Миллий маърузачи институтининг таъсис этилгани мазкур йўналишдаги ишларни ҳам миллий, ҳам маҳаллий даражада комплекс мувофиқлаштириш имконини бермоқда.**

Миллий комиссия фаолиятининг устувор йўналишларидан бири – барча фуқаролар учун қулай ва муносиб меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, мажбурий меҳнатга қарши курашишда аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлашдир.

Миллий комиссия тегишли вазирлик ва идоралар фаолиятини такомиллаштириш, фуқаролик

жамияти, шу жумладан хорижий ҳамкорлар билан ўзаро дўстона муносабатларни кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади. Комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда халқаро ҳамкорлар ва фуқаролик жамияти вакилларининг барча тавсиялари инобатга олинади.

Шунингдек, миллий комиссия ўз фаолиятида, биринчи навбатда, миллий қонунчиликни ва ташкилий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, халқаро стандартларни имплементация қилиш, институционал асосларни ривожлантириш, соҳада амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлигини тизимли таҳлил қилиш ва мавжуд муаммоларнинг ечимига тизимли ёндашишга эътибор қаратади. Ушбу йўналишдаги ишларни амалга оширишда фуқаролик жамияти вакиллари ва тегишли халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Шу ўринда Миллий комиссия фаолиятининг мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасидаги ўзига хос хусусиятларини таъкидлаш муҳим ҳисобланади, яъни:

- мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкиллаштириш ҳамда ижросини назорат қилади;
- мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасидаги жиноятларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш амалиётини мониторинг қилади;
- мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида самарали халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Таъкидлаш керакки, мажбурий меҳнатга қарши курашишда Халқаро меҳнат ташкилотининг тамойиллари асосида 2018 йилда иш берувчиларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган **Ўзбекистон иш берувчилари конфедерацияси** ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Конфедерациянинг ташкил этилиши мамлакатимизда меҳнат муносабатлари соҳасида уч томонлама ҳамкорликнинг тўлиқ йўлга қўйилишига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон 2019 йилда Халқаро меҳнат ташкилотининг “Халқаро меҳнат нормалари қўлланилишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисида”ги 144-сонли конвенциясини ратификация қилди ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида Ижтимо-

ий-меҳнат масалалари бўйича республика Уч томонлама комиссияси ҳам тузилди.

Комиссия томонидан қисқа вақт давомида ўз фаолияти доирасида ижтимоий меҳнат соҳасига оид 120 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари кўриб чиқилди. Қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳиятини ходимларга етказиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

### **Қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш – давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири**

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси доирасида қишлоқ хўжалиги соҳасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигида кластер тизимини ривожлантириш мисли кўрилмаган қадам бўлди, унинг мақсади тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини, жумладан хомашё етиштиришдан тортиб то уни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи бирлаштирган ягона занжирни шакллантиришдир.

Умуман, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш ва уни бозор талабларига мослаштириш ишларига қатта эътибор қаратилмоқда. Пахта етиштириш ва териш жараёнларини механизациялаш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. 2021 йилда пахта териш машиналари ёрдамида пахта хомашёсининг қарийб 12 фоизи (2020 йилда 8,5 фоизи) териб олинди.

Бундан ташқари, пахта теримчиларининг меҳнатига ҳақ тўлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2021 йилда 1 кг қўлда терилган пахта хомашёси учун тўлов 2015 йилга нисбатан қарийб 10 баробар оширилди. Бу борадаги ишлар мамлакатимизда мажбурий меҳнатнинг олдини олишда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилди.

### **Мониторинг натижалари**

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида меҳнат муносабатларига риоя қилиниши, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига қарши курашиш юзасидан тизимли мониторинг ишлари йўлга қўйилган.

Бу борада 2015 йилдан бошлаб Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан “Учинчи томон мониторинги” ўтказилмоқда. Унинг мақсади пахтачилик соҳасида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олишдан иборат.

Шуни таъкидлаш жоизки, мониторинг ишлари дастлабки йилларда халқаро экспертлар иштирокида ўтказилган бўлса, 2018 йилдан бошлаб бу ишларга маҳаллий фуқаролик жамияти институтлари фаоллари ҳам жалб этила бошланди. 2021 йилда эса мониторинг тўлиқ фуқаролик жамияти институтлари вакиллари бўлган мустақил кузатувчилар томонидан ўтказилди.

Эътиборлиси, сўнгги 6 йил давомида ўтказилган мониторинглар натижалари тизимли мажбурий меҳнатнинг йўқлигини кўрсатиб келмоқда. Халқаро меҳнат ташкилоти экспертлари томонидан Ўзбекистонда 2021 йилда ҳам пахта йиғим-терими давомида тизимли мажбурий меҳнатдан умуман фойдаланилмагани тўғрисида якуний хулоса билдирилди. Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилоти ушбу йўналишдаги мониторинг ишлари тўлиқ Ўзбекистон томонига топширилганини эълон қилди.

Яна бир муҳим жиҳат, Халқаро меҳнат ташкилотининг “Учинчи томон мониторинги”дан ташқари, ҳар йили **Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Миллий мониторинг** ҳамда **Меҳнат инспекциясининг мониторинги** ўтказилмоқда. Сенатор ва жойлардаги депутатлар томонидан журналист ва блогерларни жалб этган ҳолда **парламент назорати** ўрнатилди. Мазкур мониторинг ишларига фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, ҳуқуқ ҳимоячилари ҳам кенг жалб этилмоқда.

Ушбу жараёнларда ахборот кампаниясини ташкил этиш ва уни амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, аҳолининг мажбурий меҳнатнинг салбий омиллари тўғрисида хабардорлигини ошириш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2021 йил давомида мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида аҳоли хабардорлигини ошириш мақсадида 20 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Барча туман ва шаҳарлардаги аҳоли гавжум жойларда мажбурий меҳнатнинг олдини олиш борасида мингдан ортиқ баннер ўрнатилди, 1 млн дан ортиқ флаер, 10 минг дона плакат тарқатилди.



### Халқаро ҳамкорликни такмиллаштириш

Мамлакатимизда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатининг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоялаш борасида халқаро ташкилотлар ва хорижий ҳамкор давлатлар билан самарали ҳамкорлик олиб борилмоқда.

**Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси** Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Халқаро миграция ташкилоти, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, АҚШ Давлат департаменти ва Меҳнат вазирлиги ҳамда “Cotton Campaign” коалицияси каби хорижий ҳамкорлар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш бўйича мунтазам равишда комплекс чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон меҳнат бозорида демографик юк юқори бўлган мамлакат ҳисобланади. Ҳозирги вақтда меҳнатга лаёқатли аҳолининг сони қарийб 20 млн, иш билан бандлар сони 15 млн, ишга муҳтожлар сони 1 млн 300 минг кишини ташкил этади, ҳар йили 600 мингдан ортиқ ёшлар катта ҳаётга қадам қўймоқда ва уларни ишга жойлаштириш зарурати мавжуд.

Ушбу масаланинг самарали ечими сифатида Ўзбекистон томонидан Халқаро меҳнат ташкилоти кўмагида **Ўзбекистонда бандликка кўмаклашиш миллий стратегияси** ишлаб чиқилмоқда.

Стратегияни амалга оширишнинг **мақсадли йўналишлари** этиб:

- меҳнат бозорининг истиқболли талабларига мувофиқ ишсизларни касб-хунарга ва тадбиркорлик асосларига ўқитишни ривожлантириш;
- меҳнат бозорида рақобатдош бўлмаган шахсларни, айниқса, аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш;
- норасмий меҳнат муносабатларини расмийлаштиришни рағбатлантириш мақсадида меҳнат муносабатларини тартибга солишни такомиллаштириш;
- хавфсиз, уюшган ва қонуний ички ҳамда ташқи меҳнат миграцияси тизимини ривожлантириш;
- халқаро стандартларни жорий этиш орқали меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш белгиланган.

Яна бир муҳим жиҳат, Халқаро меҳнат ташкилотининг бутун асрлик фаолияти давомида му-

**носиб меҳнат** масаласи кун тартибда марказий ўринни эгаллаб келган ва эгаллаб келмоқда. Бироқ фақат шу асрнинг сўнгги ўн йилликларида ушбу масала кенг қамровли, глобал хусусият касб этди. Бу кўпроқ давлатларнинг фуқароларни иш билан таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилишга бўлган эҳтиёжи ортиб бораётганлиги билан боғлиқ.

Бундай шароитларда давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг барча – миллий, минтақавий ва глобал даражаларда муносиб меҳнат тамойиллари бўйича саъй-ҳаракатлари янги стратегик имкониятларни очиб беради ҳамда меҳнат муносабатлари соҳасида сақланиб қолган муаммоларни самарали ҳал қилади.

Мамлакатимизнинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлигининг асоси сифатида 2014 йилда қабул қилинган, кейинчалик ижроси 2020 йилга қадар узайтирилган “2014–2016-йилларга мўлжалланган муносиб меҳнат бўйича Мамлакат дастури”ни келтириб ўтишимиз мумкин. Ўтган давр мобайнида ушбу дастурда кўзда тутилган барча чоралар тўлиқ амалга оширилди.

Мазкур ҳамкорликни тизимли давом эттириш ва янада ривожлантириш мақсадида 2021 йилнинг сентябрида Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда **Ўзбекистон Республикасида муносиб меҳнат бўйича 2021–2025 йилларга мўлжалланган Мамлакат дастури** қабул қилинди. Дастурда асосий эътибор халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда муносиб меҳнат тамойилларини илгари суришга, норасмий бандликни қисқартириш, ижтимоий ҳимоя масалаларига қаратилди.

Бу муносиб меҳнат индикаторлари истиқболда иқтисодий имкониятларни ривожлантиришга, аҳоли бандлигини таъминлашга, янги иш ўринларини яратишга, энг муҳими, жамият ва давлатнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда халқаро ҳамкорлар билан меҳнат муносабатлари соҳасидаги “Better Work” ва “BCI” халқаро стандартларини жорий этиш бўйича ҳам фаол иш олиб борилмоқда. 2021 йил охирида Ўзбекистон **Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банкига “Better Work”** дастурини амалга оширишга кўмаклашиш имкониятини кўриб чиқиш учун мурожаат қилди ва ижобий жавоб олди. Бугунги кунда ушбу халқаро стандартларни жорий қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, айнан кучли сиёсий ирода ва ислохотларга комплекс ёндашув, қишлоқ хўжалиги соҳасида бозор иқтисо-

диёти тамойилларининг кенг татбиқ этилиши, шу билан бирга терилган пахта учун тўлов миқдори оширилгани, меҳнат ва дам олиш шароити сезиларли даражада яхшилангани, давлат ва жамоатчилик томонидан бу йўналиш доимий назоратга олингани сабабли мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича ижобий натижаларга эришилди ҳамда бу борадаги ишлар халқаро ҳамжамият томонидан юксак эътироф этилди.

Мамлакатимизда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ушбу масала бўйича таъсис этилган Миллий маърузачи томонидан таҳлил қилиниб, келгусида эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ҳам ишлаб чиқилиши анъанага айланган.

2021 йил якунлари бўйича ҳам Ўзбекистонда мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, натижалари юзасидан давлатимиз раҳбарига таҳлилий ахборот киритилди.

Шунингдек, ушбу масала Миллий комиссиянинг яқинда бўлиб ўтган мажлисида муҳокама қилиниб, таҳлилий ахборотда қайд этилган таклиф ва тавсияларни амалиётга татбиқ этиш бўйича алоҳида “йўл харитаси” қабул қилинди.

Унга асосан жорий йилда ҳам мажбурий меҳнатга қарши курашиш йўналишидаги ишлар тизимли давом эттирилиб, халқаро ташкилотлар билан алоқалар янада кучайтирилади, инсон

ҳуқуқларини таъминлаш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш борасида янги лойиҳалар ва чора-тадбирлар амалга оширилади.

Хусусан, соҳага оид миллий қонунчилик халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштирилади, меҳнат соҳасидаги қатор конвенцияларни ратификация қилиш масалалари кўриб чиқилади.

Шунингдек, нафақат қишлоқ хўжалиги, балки қурилиш, ипакчилик, умумий овқатланиш тармоқларида ҳам меҳнат қонунчилиги талаблари бузилишининг олдини олишга оид мониторинг ишлари олиб борилади. Албатта, бу ишларга фуқаролик жамияти институтлари вакиллари кенг жалб этилади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар тизимли давом эттирилиб, асосий эътибор соҳада муносиб, хавфсиз меҳнат шароитларини яратишга, муносиб меҳнат учун муносиб ҳақ тўланишига, соҳани механизациялаштиришга қаратилади.

Миллий тўқимачилик корхоналари ҳамда ушбу соҳада фаолият юритаётган халқаро нуфузга эга корхоналар билан манзилли ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича алоҳида комплекс чоралар амалга оширилади.

Халқаро тан олинган меҳнат соҳасидаги стандартларни татбиқ этиш ишлари янада фаоллаштирилади. Бу, ўз ўрнида, мамлакатимиз учун янги бозорларнинг очилишига, янги инвестициявий лойиҳаларнинг амалга оширилишига имкон яратади.

### ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР:

- Миллий қонунчилик халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштирилади, меҳнат соҳасидаги қатор конвенциялар ратификация қилинади;
- Мажбурий меҳнат бўйича ўтказиладиган мониторинг ишлари тизимли давом эттирилади;
- 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси доирасида тизимли ислохотлар олиб борилади;
- Миллий тўқимачилик корхоналари ҳамда ушбу соҳада фаолият юритаётган халқаро нуфузга эга корхоналар билан манзилли ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича алоҳида комплекс чора-тадбирлар қабул қилинади;
- “Better Work” ва “BCI” каби меҳнат соҳасидаги стандартларни татбиқ этиш ишлари янада фаоллаштирилади;
- Мажбурий меҳнатнинг олдини олишга қаратилган кенг қамровли ахборот-тарғибот кампанияси амалга оширилади;
- Нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш, уларга меҳнат соҳаси ва ижтимоий йўналишлардаги фаолияти учун молиявий грантлар ажратиш ишлари ташкил этилади.

## МУСТАҲКАМ ОИЛА ВА ФАОЛ ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИНИ БЕЛГИЛАЙДИ



**Зулайҳо МАҲКАМОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари –  
Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси

Аёл – жамият кўзгуси, миллат тарбиячиси. Унинг меҳр-муҳаббати келажагимиз эгаларининг жонажон Ватанимиз равнақи ва осойишталиги, халқимиз фаровонлиги йўлида садоқат билан хизмат қиладиган баркамол инсонлар сифатида вояга етишида муҳим омил ҳисобланади.

Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби улуғ аجدодларимиз, маърифатпарвар жадид боболаримиз ҳам оиланинг тинч, мустаҳкам ва фаровон бўлишида, фарзандлар тарбиясида аёлнинг ўрни ва таъсири беқиёс эканини эътироф этганлар.

Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, **“Ҳар қандай жамият ва давлатнинг қай даражада халқпарвар ҳамда адолатли экани унинг хотин-қизларга бўлган муносабати ва ғамхўрлиги билан белгиланади”**<sup>1</sup>. Шу маънода, сўнгги пайтларда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаолли-

гини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жорий йил март ойининг бошида ушбу соҳада иккита тарихий фармон қабул қилинган ҳам шундан далолат беради<sup>2</sup>.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади. Аёлларнинг барча соҳалардаги самарали меҳнати, айниқса, фарзандлар тарбияси, жамият ва оила ҳаётидаги улкан хизматлари, албатта, беқиёс.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг таълим ва касбий кўникмалар олиши ҳамда бандлигини таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, **“Аёл қадри, инсон қадри улуғланган юртда тинчлик ва фаровонлик, ахиллик ва барака, албатта, барқарор бўлади”**<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // “Янги Ўзбекистон”, 2022 йил 8 март, №49 (571).

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // 01.03.2022 / <https://lex.uz/docs/5884143>; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // 07.03.2022 / <https://lex.uz/docs/5899498>.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // “Янги Ўзбекистон”, 2022 йил 8 март, №49 (571).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 7 мартда қабул қилинган **“Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги фармони мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш борасида туб бурилиш даври бошланганидан далолат беради.

### **Гендер тенглик: аёллар ҳар жабҳада фаол**

Айни вақтда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда хотин-қизларга яратиб берилаётган улкан имконият ва шароитлар туфайли аёлларимиз давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда, уларнинг мавқеи тобора юксалиб бормоқда. Юртимизда амалга оширилаётган давлат сиёсати хотин-қизларимизнинг чинакам бахтли яшаши, ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши, интеллектуал ва маънавий юксалиши, касбий ҳамда оилавий мажбуриятларни ҳамоҳанг тарзда бажариши учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Давлат ҳокимиятининг олий органларига, шунингдек, шаҳар, туман ҳокими, вазир, элчи каби масъулиятли лавозимларга аёлларнинг тайинланаётгани ҳам уларга бўлган ишончнинг ортиб бораётганидан далолат беради.

Бугун мамлакатимиз ҳаётига дахлдор бўлган қарорларни қабул қилиш жараёнида хотин-қизларнинг иштироки сезиларли даражада ортди. Натижада уларнинг бошқарув соҳаларидаги улуши 33 фоизга, тадбиркорлик соҳасида 35 фоизга, сиёсий партияларда 44 фоизга, олий таълимда 46 фоизга етди.

Барча вазирлик ва идораларда гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгашлари фаолияти йўлга қўйилиши ҳам мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёллар фаоллигини оширишга хизмат қилади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда хотин-қизлар ҳамда эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш мақсадида **2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси** қабул қилинди. Мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини гендер ҳуқуқий экспертизасидан ўтказиш йўлга қўйилди.

Жамият ва давлат ҳаётида фаол бўлган, ташаббус кўрсатган хотин-қизлар билан бир қаторда фарзандларини баркамол инсонлар этиб вояга етказган аёлларга, жумладан, уй бекаларига ҳам бериладиган **“Мўътабар аёл” кўкрак нишони** таъсис этилди. Ўтган давр мобайнида минг нафардан ортиқ фаол аёл ана шу кўкрак нишони билан тақдирланди. Мукофотланганларга ҳавас қилиб, уларнинг изидан бораётган хотин-қизлар сони ортди. Ҳавас ва иштиёқ аёлларга куч-қувват, катта руҳ бермоқда.

Мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор туфайли ҳар бир соҳада ёш аёлларнинг ўрни, улуши ортиб бормоқда. Қўлга киритилаётган ютуқлар, эришилаётган ғалабалар – ана шу эътибор маҳсули. 2019 йилдан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки нафар талабгорга берилиши, мукофот соҳибаларининг тегишли йўналиш ва ихтисослик бўйича кириш имтиҳонларисиз давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиниши ҳам ёшларга бўлган юксак эътибор намунаси.

Юртимизда хотин-қизларни илм-фан соҳасига жалб қилиш борасида сезиларли натижаларга эришилди. Шу боис хотин-қизлар илм-фан тараққиётининг барча соҳалари ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Бугунги кунда республикаимизда 6 нафар академик, 700 нафардан зиёд фан доктори, 4780 нафар фан номзоди, 200 нафарга яқин фалсафа доктори (PhD) даражасига эга бўлган олима аёллар фан тармоқларининг турли соҳаларида илмий фаолият олиб бормоқда. Дунёнинг нуфузли илмий анжуманларида ўзбек олималари иштирок этиб, ўтқир зехни ва юксак салоҳияти билан тилга тушмоқда.

Халқимизда **“Кенгашли тўй тарқамас”**, деган ҳикматли нақл бор. Бугун мамлакатимизда хотин-қизлар муаммоларини ҳал этишда ҳам кенгашиб иш кўриш тамойилига амал қилинмоқда. Гап шундаки, **энди мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча меҳнат жамоаларида хотин-қизлар муаммоларига самарали ечим топиш учун “Аёллар кенгашлари”** тузилади.

Бу тизим ҳам ҳаётини эҳтиёж туфайли ишлаб чиқилган. Боиси, ҳар қандай меҳнат жамоасида турли кўринишдаги муаммолар учраши табиий. Айниқса, аёлларимиз ўз муаммоларини очиқ ай-

тишга истиҳола қилади. “Аёллар кенгашлари” ана шундай муаммоларни ҳал этишга, бир сўз билан айтганда, аёлларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш мақсадида Президентимиз жорий йил 1 март куни **“Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги фармонни имзолади.

Ушбу муҳим ҳужжат билан хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш мақсадида гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, жойларда эса ҳудудий комиссиялар ташкил этилди.

Фармонда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, оила институтини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Шунингдек, оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи – **Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари** ташкил этилди.

Алоҳида давлат идораси ташкил этилиши ва унга Ҳукумат раҳбари ўринбосари ранслик қилиши хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни рози қилиш йўлидаги ишларни янги Ўзбекистан тараққиётида замонавий ёндашувлар асосида самарали ва манзилли амалга ошириш имконини беради.

Фармонга асосан маҳаллаларда хотин-қизлар фаоли лавозими таъсис этилди ҳамда унга очик танловлар асосида ҳар томонлама муносиб номзодларни ишга қабул қилиш тартиби жорий қилинди.

Эндиликда қарийб 9 минг 300 дан ортик билимдон, жонкуяр, фаол аёллар оилавий муносабатларни яхшилаш, низоли вазиятлар, ажралишлар, эрта никоҳларнинг олдини олиш, оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси, ушбу хайрли ва эзгу ишларга кўпни кўрган онахонларимизни кенг жалб этиш бўйича доимий ва манзилли ишларни олиб боради.

Муҳим ташаббуслардан яна бири: хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, уларни турли тазйик

ва зўравонликлардан ҳимоя қилишга оид қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан тизимли назорат ўрнатиш мақсадида Бош прокуратурада алоҳида бошқарма ташкил этилмоқда.

Хотин-қизларни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус жамғарма тузилиб, унга давлат бюджетидан ҳар йили 300 миллиард сўм маблағ ажратиш йўлга қўйилди. Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари март ойида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида донишмандларнинг “Битта қиз болани ўқитсангиз – бутун оилани ўқитган бўласиз”, деган доно гапини тилга олиб, хотин-қизларни замонавий билим ва касб-ҳунарларга ўқитиш, бу орқали аёллар жамиятда ва оила-сида ўзининг муносиб ўрнини топишига эришиш учун бошланган ишлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилишини алоҳида таъкидладилар.

Айниқса, бу борада **2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш миллий дастури** қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунга асосан олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, сиртки ва кечки таълимда ўқиётган хотин-қизларнинг контракт пулларини тўлаш учун 7 йилга фоизсиз кредит бериш, давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловларини тўлиқ давлат бюджетидан қоплаш тартиби жорий қилинмоқда.

Шунингдек, эндиликда хорижий олий таълим муассасаларига бакалавриат учун – 50 нафар, магистратура учун – 10 нафар хотин-қизларга ҳар ўқув йилида “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали қўшимча грантлар ажратилади. Қолаверса, ҳар йили 2 100 нафар ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг таълим контрактлари маҳаллий бюджетдан тўлаб берилиши, докторантурада хотин-қизлар учун 300 тадан мақсадли квота ажратилиши ҳам белгиланди.

Очиғи, хотин-қизларнинг илм олишини рағбатлантириш ва уларга кўмак бериш мақсадида жорий этилаётган бундай имтиёзлар шу пайтгача мамлакатимиз тарихида кузатилмаган. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, дунёнинг қайси давлатида аёлларга бу каби имтиёз ва эътибор қаратилмоқда?

### Мустаҳкам оила – жамият пойдевори

Юртимизда “Фаровон оила – жамият равнақининг асоси” деган концептуал ғояни ижтимоий ҳаётга изчил татбиқ этиш, оила институтини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, бу жараёнда давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг яқин ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида **Ўзбекистан Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси** қабул қилинди. 15 май – Халқаро оила кунини ҳар йили республикамизда кенг нишонлаш бўйича манзилли тадбирларни амалга ошириш анъанага айланди.

Умумтаълим мактабларида “Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш кунлари”ни ўтказиш ва ўқувчиларга оилада зўравонликнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунча беришга мўлжалланган тадбирларни ташкил этиш йўлга қўйилгани самарали натижа бериши шубҳасиз. Шу билан бир қаторда оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган 50 дан ортиқ фундаментал, илмий ва инновацион лойиҳалар амалга оширилди.

Оила – муқаддас даргоҳ. Бу даргоҳнинг мустаҳкам бунёд этилиши эса оила кураётган ёшларга боғлиқ. Шу маънода, барча туман ва шаҳарларда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари ташкил этилиб, ҳозирга қадар 100 мингга яқин никоҳланувчилар оилавий-ҳуқуқий муносабатлар, оилавий ҳаёт психологияси, оила иқтисоди ва бюджети, репродуктив саломатлик асослари, маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш масалалари бўйича бепул ўқитилди.

Яна бир янгиллик “Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформаси ишга туширилиши бўлди. Платформа хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини, ижтимоий фаоллигини оширишга, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга йўналтирилган. Унда хотин-қизларга боғлиқ статистик маълумотлар жамланади.

### Хотин-қизларнинг оғирини енгил қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш – олий мақсад

Сўнгги пайтларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан маҳаллаларда аҳоли, шу жумладан, хотин-қизлар билан мулоқот олиб боришнинг мутлақо янгича тизими йўлга қўйилди. Шу асосда шаҳар ва кишлоқларда уйма-уй юриб, оилаларда-

ги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш тажрибаси шаклланди. Ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар ва хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, уларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш мақсадида жаҳон тажрибасида ўхшаши бўлмаган “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” билан ишлаш тизими жорий этилди. Мазкур тизим шарофати билан минглаб оилаларнинг аҳволи ижобий томонга ўзгарди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга кўмак берилди. Имтиёзли кредит ва субсидиялар орқали юртдошларимиз ўз тадбиркорлигини йўлга қўйди, аҳолининг иш билан бандлиги таъминланди.

Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси ташкил этилди ва бугунги кунда ушбу тузилма самарали фаолият юритиб келмоқда. “Инсон кадри учун” тамойилининг ёрқин ифодаси бўлган ушбу ноёб тизим орқали 2021 йилда 900 мингга яқин хотин-қизга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик кўмак берилди. Ушбу тадбирларни молиялаштириш учун 2 триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди. Ёлғиз оналарнинг фарзандларини давлат боғчаларига имтиёзли навбат асосида қабул қилиш тартиби белгиланди.

Шу жумладан, 18 минг аёлга уй-жой харид қилиши учун 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилгани уларга муносиб шароитлар яратиб бериш борасидаги ислохотларнинг юксак намунаси бўлди.

Энг муҳими, жорий йил 7 мартда қабул қилинган Президент фармонида бу борада муҳим чора-тадбирларни тизимли давом эттириш белгиланган. Жумладан, 2022 йилда ипотека кредитлари бўйича ажратиладиган субсидияларнинг камида 40 фоизи хотин-қизларга йўналтирилади. Биргина мана шу тадбирнинг ўзи муҳтож аёлларни 12 мингга уй-жой билан таъминлаш имконини беради.

Хотин-қизларнинг таълим олиш имкониятлари кенгайтирилиб, олий ўқув юртига қабул қилишда эҳтиёжманд оилаларнинг қизлари учун алоҳида грантлар жорий этилди. Хусусан, 2020 йилда бундай оилалардаги 950 нафар, 2021 йилда эса 2030 нафар хотин-қиз олий таълим муассасаларига грант асосида ўқишга қабул қилинди.

Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида айни пайтда олий ўқув юртида таҳсил олаётган қизлари-

мизнинг сони 400 минг нафардан ошди. Шу ўринда қиёслаш учун бир мисол: бундан олти йил муқаддам ушбу рақам 110 минг нафарни ташкил қилар эди.

Ўтган йилдан бошлаб базавий тўлов-контракт асосида давлат олий таълим муассасасига қабул қилинган, ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда давлат олий таълим муассасалари ҳисобидан ўқитиш тартиби жорий этилди.

Хотин-қизларнинг мурожаатлари бўйича Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳузурда куну тун фаолият юритадиган қисқа рақамли “1211 – Ишонч телефони” хизмати йўлга қўйилгани хотин-қизларнинг мурожаатлари қонуний ҳал этилишига имкон яратди. Бунинг натижасида шу кунгача 100 мингга яқин мурожаатлар ўз ечимини топди. Жумладан, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, 5,6 мингдан ортиқ хотин-қизнинг уй-жой тўлови бошланғич бадали тўлаб берилди, ногиронлиги бўлган 20 мингга яқин аёлга ногиронлик аравачаси, эшитиш мосламалари ва бошқа реабилитация воситалари беғараз тақдим этилди, 18 мингга яқин хотин-қизга оилавий ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш учун имтиёзли кредитлар ажратилди, 500 нафар аёлнинг жарроҳлик амалиёти харажатлари тўлаб берилди.

### **Ҳар бир аёл – жамият ва давлат ҳимоясида**

Аёл – нафис хилқат. У чексиз меҳр-муҳаббатга муносиб. Меҳр аёлни яшнагади, яшартиради. Аёл бахтли бўлса, табиийки, оилада ҳам, жамиятда ҳам соғлом руҳият устувор бўлади. Шу боис юртимизда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш масалалари бўйича мустақкам ҳуқуқий асослар яратилмоқда.

Сўнгги пайтларда Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида хотин-қизлар масалалари бўйича алоҳида бўлим, шунингдек, жойлардаги ички ишлар органларида хотин-қизлар масалалари бўйича инспектор ҳамда психолог лавозимлари жорий этилгани уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганининг далилидир. Шунингдек,

Адлия вазирлиги томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга йўналтирилган онлайн ўқув курслари тизими ишлаб чиқилиб, алоҳида электрон платформа яратилди.

Аёлларга нисбатан тазйиқ ёки зўравонлик содир этган шахсларга қаратилган тегишли жавобгарлик чоралари белгиланди. Тазйиқ ва зўравонликдан жабр чеккан хотин-қизларга давлат ҳимоясини қафолатловчи “ҳимоя ордери”ни бериш тартиби йўлга қўйилди. Биргина ана шу усул ёрдамида 2020-2021 йилларда зўравонликдан жабр кўрган 60 мингга яқин хотин-қиз давлат ҳимояси билан таъминланди. Оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ва психологик қўллаб-қувватлаш тизими йўлга қўйилгани ҳам амалда яхши самара бермоқда.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича олиб борилаётган одилона сиёсатнинг эркин тимсоли сифатида “Меҳр” операциялари амалга оширилди. Мазкур тадбирлар доирасида дунёдаги уруш ўчоқлари ва ногинч ўлкалардан 500 нафардан зиёд хотин-қиз ва болалар юртимизга олиб келиниб, улар учун зарурий шароитлар яратиб берилди.

### **Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш йўлида**

Мамлакатимизда бундан буён тадбиркорлик соҳасида хотин-қизлар сонини кўпайтиришга жиддий эътибор қаратилади. Шу мақсадда Президент фармонида Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурини кенг миқёсда қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланиб, унинг молиявий манбаси ҳам аниқ кўрсатиб берилди. Жумладан, хотин-қизларнинг бизнес-лойиҳаларини молиялаштириш учун биргина 2022 йилда қўшимча 1 триллион сўм ажратилиши кўзда тутилган<sup>4</sup>.

Мазкур дастур доирасида ажратилаётган маблағларнинг 4 триллион сўми эса тадбиркорлик ҳамда даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва ишини кенгайтириш истагини билдирган хотин-қизларга йўналтирилади. Қолаверса, эндигина тадбиркорликка қўл ураётган хотин-қизларга ажратилаётган субсидия миқдори 7 миллион сўмдан 10 миллион сўмга оширилади.

<sup>4</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // 07.03.2022 / <https://lex.uz/docs/5899498>.

Яна бир муҳим ислоҳот шуки, 2022–2024 йилларга мўлжалланган “Бизнесчи аёллар” дастури қабул қилиниб, унинг доирасидаги лойиҳалар учун 8 триллион сўм маблағ ажратилади. Бу дастур хотин-қизларни тадбиркорликка янада кенгроқ жалб қилиш, уларнинг бизнес фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун инвестициялар киритиш ва экспортни рағбатлантириш сингари мақсадларга хизмат қилади.

Хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этиши, тадбиркорлик ғояларини руёбга чиқаришида ёрдам бериш, оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолган аёлларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга тайёрлаш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш мақсадида Республика ва ҳудудий хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ҳам ташкил этилди.

Қишлоқ жойларида вақтинча ишсиз аёллар ва умумтаълим мактаблари битирувчиларини тадбиркорликка йўналтириш, уларнинг молиявий саводхонлигини ошириш учун онлайн “бизнес-клиникалар” фаолияти йўлга қўйилди.

2021 йилдан бошлаб хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида Халқ банкнинг республика, вилоят ва туман (шаҳар) тузилмаларида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ўринбосар лавозимлари жорий этилди. Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш ҳамда улар учун иш ўринларини яратишга қаратилган бизнес лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида 6 ойлик имтиёзли давр билан кредитлар ажратиш амалиёти йўлга қўйилди.

Айни пайтда, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жамиятда тадбиркор аёллар улушини 25 фоиздан 40 фоизга етказиш бўйича 2022–2024 йилларга мўлжалланган алоҳида дастур ишлаб чиқилмоқда. Ушбу ишларнинг қамровини янада кенгайтириш мақсадида ҳар бир банкда раиснинг бир нафар аёл ўринбосари фаолият кўрсатиши, шунингдек, Халқ банки, Агробанк ва Микрокредитбанкда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида тузилмаларни ташкил этиш белгиланди.

### **Олима аёллар сафи янада кенгайди**

Фаол хотин-қизлар билан тизимли ишлаш, уларни раҳбарликка тайёрлаш мақсадида таълим муассасаларида иқтидорли қизлар захираси яра-

тилди. Охирги уч йилда иқтидорли талабаларга бериладиган Президент давлат стипендияси ва бошқа махсус стипендияларнинг 48 фоизи хотин-қизлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ҳозирги кунда республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган хотин-қизлар сони қарийб 365 мингга етиб, жами талабалар сонига нисбатан 47 фоизни ташкил этмоқда. Магистратура босқичида ўқишини давом эттирган талаба-қизлар сони йилдан-йилга ошиб, 2019 йилдаги 4 минг 488 нафардан 2021 йилга келиб 13 минг 600 нафарга етди. Жорий йилда олий таълим тизимида илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланаётган хотин-қизлар сони 2,4 мингдан ошди. Жумладан, уларнинг 1 минг 300 нафардан ортиғи фан доктори (DSc), 1 минг 100 нафардан зиёди эса фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш бўйича илмий фаолият олиб бормоқда.

Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари натижасида жамиятимизда олима аёллар улушини сезиларли ошириш учун янги имкониятларни яратиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада жорий йилдан бошлаб докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратиш режалаштирилди.

Бу ишларни тизимли равишда ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш учун Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳузурида “**Олима аёллар жамияти**” тузилиб, унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили 50 миллиард сўм маблағ ажратилади. Ушбу жамият мамлакатимизда ва хорижда илм-фан соҳасида катта ютуқларга эришаётган олима аёлларимизни жипслаштириб, уларнинг ўз билим ва заковатини кенгроқ намоён қилиши учун ўзига хос парвоз майдонига айланишига шубҳа йўқ.

Ўзбекистонда яна бир эзгу ташаббус – “**Окила аёллар**” ҳаракатига асос солинмоқда. Давлатимиз раҳбари барча ҳудудларда жамоатчиликка, аввало, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган, обрў-эътиборли аёлларни ўз сафида бирлаштирган ушбу ҳаракат том маънода жамиятимизнинг овозига, маҳалланинг виждонига айланишига ишонч билдирди.

Дарҳақиқат, бу янги ҳаракат, ҳеч шубҳасиз, жамиятимизда миллий руҳ юксалиши, бунёдкорлик, аҳиллик, бағрикенглик тамойиллари мустаҳкам шаклланиши, ўзаро меҳр-муҳаббат хисси кадрланишига кенгроқ йўл очади. Бундай



тамойиллар ва кадриятлар бор жойда эса, албатта, барака бўлади, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик мустаҳкам қарор топади.

### Истиқболдаги устувор вазифалар

Давлатимиз раҳбари томонидан жамиятимизда оила институтини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича белгилаб берилган давлат сиёсати ижросини таъминлаш жуда катта масъулият ва сафарбарлик талаб қилиши сир эмас. Ана шу вазифаларнинг тизимли ва самарали ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси таркибида Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил қилинган муҳим воқеа бўлди. Қўмита раиси Бош вазир ўринбосари ҳам ҳисобланади.

Бу борада дастлаб янги ташкил этилган қўмитанинг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларини, шунингдек, 9,5 мингга яқин маҳаллаларда хотин-қизлар фаоллари лавозимларини очиқ танлов асосида юқори билим ва тажрибага эга фидойи ва садоқатли, ташаббускор кадрлар билан тўлдириш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, қўмита ҳамда унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва идоравий-меъёрий ҳужжатлар мажмуи ҳам ишлаб чиқилиб, изчил рўёбга чиқарилади.

Фармонда белгиланган 5 та устувор вазифа ижросини таъминлаш мақсадида қўмитанинг бар-

ча бўғинларида манзилли чора-тадбирларни изчил амалга оширишга йўналтирилган “йўл хариталари” ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилади.

Ушбу дастуриламал ҳужжатларда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда бир неча йўналишларда тадбирларнинг манзиллилиги ва натижадорлигини ошириш чоралари кўрилади.

Бугунги кунда миллий ва оилавий кадриятларимизнинг асосини ташкил этадиган вафо ва садоқат, меҳрибонлик, ҳалоллик, ростгўйлик, ибодат, поклик, сабр, шукроналик, илмга интилиш каби фазилатларни тарғиб қилиш, уларни ёшларимиз онгига сингдириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этади.

“Аёл бахтли бўлса, жамият бахтли бўлади”, деган эзгу ғояни ҳаётимизнинг кундалик қондасига айлантириш, опа-сингилларимиз, қизларимиз, мўътабар оналаримизга муносиб шароит яратиб бериш “Инсон кадри учун” тамойилининг амалдаги ифодаси ҳисобланади.

Бу борада янги ташкил этилган қўмита мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар билан биргаликда муҳтарам Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, азиз опа-сингилларимиз, оналаримизнинг ҳаётдан рози бўлиб, шукроналик билан яшаши учун барча имкониятларни ишга солади.

Зеро, бугунги фаровон ҳаётимиз ҳам, ёруғ келажакимиз ҳам, аввало, оила ва жамият устунлиги, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган аёлларга боғлиқдир.

## МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ: ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЯРАТИЛГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ВА ИМКОНИАТЛАР



**Нозим ҲУСАНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Бандлик  
ва меҳнат муносабатлари вазири

Мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча соҳаларида аёлларнинг ўрни ва нуфузи йилдан йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Аёлларнинг оилада фаровон турмушини таъминлаш, улар учун муносиб иш ўринларини яратиш, истеъдодли хотин-қизларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, **“Бугунги фаровон ҳаётимиз ҳам, ёруғ келажакимиз ҳам аёлларга боғлиқ. Агар халқимиз биздан рози бўлишини хоҳласак, аввало, мўътабар оналаримиз, опа-сингилларимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратишимиз керак. Она рози бўлса, оила рози бўлади, оила рози бўлса, жамият рози бўлади”**<sup>1</sup>.

Ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ҳамда ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касб-хунарга ўргатиш, иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида 2020 йилдан бошлаб юртимизда “Аёллар дафтари” ташкил этилди. Ҳозирга қадар унга киритилган 900 мингга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик кўмак кўрсатилган.

Хотин-қизларни уларнинг қизиқиш ва қобилиятларидан келиб чиқиб, муносиб иш билан таъминлаш бугунги кунда олдимизда турган энг

муҳим ва долзарб вазифалардан бири саналади. Мамлакатимизда меҳнат муносабатларида гендер тенглиги таъминланиши миллий қонунчилигимизда мустаҳкамланган. Аммо бир хил меҳнат учун эркаклар ва аёлларга тенг миқдорда ҳақ тўланиши, меҳнат бозорида хотин-қизларнинг меҳнати муносиб кадрланишига эришиш учун хали олдимизда турган вазифалар ва ишга солинмаган имкониятлар етарлича.

Аёллар, умуман олганда, аҳолининг барча қатламлари вакиллари меҳнат фаолияти билан бандлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида тизимли ва изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вазирлик ва унинг жойлардаги Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга бандлик хизматлари кўрсатиш “Ягона ойна” тамойили асосида амалга оширилиши йўлга қўйилди. Натижада иш билан банд бўлмаган аҳолига кўрсатилган хизматлар 4 баробарга ошди ҳамда самарадорлик кўрсаткичлари кўтарилди.

Шунингдек, 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида Жамоат ишлари жамғармаси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонуни эса бугунги кунда соҳадаги

<sup>1</sup> Хотин-қизлар учун улкан имкониятлар белгиланди // 01.03.2022 / <https://president.uz/uz/lists/view/5014>.

муносабатларни тартибга солишда дастуриламал бўлмоқда.

Ягона миллий меҳнат тизими – [my.mehnat.uz](http://my.mehnat.uz) сайти ишга туширилди ҳамда Янгиланган хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори (ХАЛИКК – 2020) рўйхатдан ўтказилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 13 турдаги субсидиялар ажратилиши йўлга қўйилди.

Эришилаётган ижобий натижалар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан Ўзбекистонда пахта йиғим теримида болалар меҳнатига барҳам берилгани тан олинди.

Хорижда ишлаш истагидаги фуқароларимиз манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларни ташкиллаштирилган тартибда ишга жойлаштириш мақсадида 22 та хорижий давлат билан ҳукуматлараро битим имзоланди.

Шу билан бирга ишчи касблар бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ўқув жараёнларини амалиёт билан боғлаган ҳолда ташкил этиш, ишсиз аҳоли, жумладан ёшлар ва хотин-қизларда замонавий касб ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ҳамда касбларга ўқитиш тизимида туб ўзгаришлар амалга оширилди.

Бу каби чора-тадбирлар натижасида меҳнат бозорида аёлларнинг ракобатбардошлиги мустаҳкамланди ва хотин-қизларни юқори ҳақ тўланадиган ишларга жалб этиш даражаси ошди. Жумладан, 2021 йилда меҳнат органлари томонидан 505,3 минг нафар хотин-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича хизмат кўрсатилди. 203,6 минг нафар ишсиз хотин-қизлар мавжуд бўш иш ўринларига ишга жойлаштирилди. 140,8 минг нафар хотин-қизлар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди ва уларнинг иш ҳақи учун 146,9 млрд сўм маблағ тўлаб берилди.

115,4 минг нафар ишсиз аҳоли меҳнат бозорида талаб юқори бўлган 47 турдаги касб-хунарга ўқишга жалб этилган бўлса, шундан 78,9 минг нафари ёки 68,4 фоизи айнан хотин-қизлар улушига тўғри келди. Касб-хунарга ўқитилган аёлларнинг 31,8 минг нафари (48 %) саноат, 27 минг нафари (41 %) хизмат кўрсатиш, 3 минг нафари (4 %) агро-технологиялар, 4,7 минг нафари (7 %) ахборот технологиялари соҳаси бўйича таълим олди.

Бундан ташқари, 2021 йилда 14 та нодавлат таълим муассасаларига 3 млрд сўм маблағ йўнал-

тириш эвазига 1,9 минг нафар ишсиз фуқаролар меҳнат бозорида талаб юқори бўлган 24 турдаги касбларга ўқитилди.

Олий Мажлис қошидаги жамоат фонди томонидан 2019–2021 йиллар учун 2,3 млрд сўм миқдорда ажратилган ижтимоий буюртма асосида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги “SABR” Республика маркази билан ҳамкорликда Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида 3,8 минг нафар оғир турмуш шароитидаги хотин-қизларга тикувчилик, пазандалик, сартарошлик, зардўзлик, компьютер саводхонлиги, меҳмонхона хизматлари, бухгалтерия ҳисоби каби 18 турдаги касб-хунар бўйича таълим берилди.

Шунингдек, 37 минг нафар ишсиз хотин қизларга, шу жумладан “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”даги аёлларга 83 млрд сўм субсидия ажратилди. Жумладан:

- тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш, тадбиркорликка ўқитиш ва суғурта полиси учун 5131 нафар;
- тадбиркорлик фаолияти учун асбоб-ускуна ҳамда меҳнат қуролларини харид қилиш учун 533 нафар;
- “Хунарманд” уюшмасига аъзолик бадали харажатларини қоплаш учун 639 нафар;
- томорқада иссиқхона қуриш ҳамда суғориш воситаларини харид қилиш учун 17,7 минг нафар;
- кооперативларнинг устав фондига аъзолик улуши учун 9,7 минг нафар хотин-қизларга субсидия маблағлари ўтказиб берилди.

2021 йилда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, унинг ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан 30,8 минг нафар хотин-қизларга ҳуқуқий ва моддий ёрдамлар, ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатилди. Мамлакатимиз хотин-қизлари ишлайдиган 30 дан ортиқ хорижий корхоналар фаолияти ўрганилиб, меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш бўйича иш берувчиларга тавсиялар киритилди, шунингдек 75 минг АҚШ доллари миқдоридagi тўланмаган ойлик иш ҳақи хорижий иш берувчилардан ундириб берилди. Чет давлатларда меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг 14 нафари уларнинг хоҳишига кўра бошқа ишга жойлаштирилди. 704 нафар аёлларга бир марталик моддий ёрдам, 10 нафарига эса вақтинчалик яшаш жойи, дори-дармон ажратилди.

Хорижда оғир молиявий аҳволга тушиб қолган 92 нафар хотин-қизлар мамлакатимизга қайтариб олиб келинди. Умуман олганда, 2021 йилда 221,7 минг нафар меҳнат мигрантлари юртимизга қайтган бўлса, уларнинг 64,7 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этди. Хориждан қайтган хотин-қизларнинг 76 фоизи бандликнинг самарали шакллари билан таъминланди.

Аёллар учун муносиб иш ўринлари ва меҳнат шароитларини яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадидаги тизимли чора-тадбирлар 2022 йилда ҳам самарали давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг дастлабки уч ойи давомида 96,2 минг нафар аёлларга бандлик хизматлари кўрсатилиб, шундан 36 минг нафар аёллар доимий иш ўринларига, 5,2 минг эҳтиёжманд аёллар захираланган иш ўринларига жойлашишига кўмаклашилди. 25 минг нафар аёллар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган бўлса, 23,6 минг нафар ёш хотин-қизлар касб-ҳунарга ўқитилди. Стипендия ва ўқув харажатлари учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 9,4 млрд сўм тўлаб берилди. Шунингдек, 7,3 минг нафар аёлларга тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш, томорқа хўжалигини ривожлантириш учун 16 млрд сўм субсидия маблағлари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги 2022 йил якунига қадар аёллар орасидаги ишсизлик даражасини 2 баробар камайтириш, 80 мингдан зиёд ишсиз хотин-қизларни давлат ҳисобидан касб-ҳунарга ўқитиш ва

380 мингдан ортиқ ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Шундан “Аёллар дафтари” орқали 200 минг нафар хотин-қизларнинг бандлигига кўмаклашиш режалаштирилган. Бунда:

- аёлларни доимий ишга жойлаштириш, бу борада ягона миллий меҳнат тизими орқали аниқланган хусусий тадбиркорлик субъектларидаги бўш иш ўринларига эътибор қаратиш;
- хотин-қизларни вақтинчалик ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш;
- аёлларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан субсидия маблағлари ажратиш;
- хотин-қизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, юртимиздаги ҳар бир аёл ўз иқтидорини юзага чиқариши, муносиб меҳнат шароитларида ишлаши ва меҳнатига мувофиқ рағбатлантирилиши учун мамлакатимизда барча зарур имкониятлар яратилган. Бандлик кўламини кенгайтириш ва муносиб меҳнат шароитларини яратиш орқали меҳнат бозорлари фаолиятининг барқарорлигини оширишга кўмаклашиш мақсадида фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хотин-қизлар билан тизимли ва манзилли тарзда изчил ишлашда давом этади. Зеро, аёл меҳнатидан рози бўлса, турмуши фаровонлашади, оила ҳам мустаҳкамланади. Бахтли ва ҳамжиҳат оилалар эса мамлакатимиз барқарор тараққиётини таъминловчи энг муҳим омил ҳисобланади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДА АЁЛ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ МАҚОМИ, ЎРНИ ВА РОЛИ

Doi: 10.54952/DHR.2022.79.58.009



**Азизхон ПЎЛАТОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактаби таянч докторанти



**Умида ПИРМУҲАМЕДОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитаси ходими,  
божхона хизмати майори

**Аннотация.** Мақолада аёлларни ҳарбий хизматга жалб этиш тарихи, бугунги кунда ҳарбий соҳада аёллар фаолиятига хос хусусиятлар баён этилган. Аёлларнинг ҳарбий фаолият билан шуғулланишини таъминлайдиган мавжуд халқаро ҳуқуқий меъёрлар ва мамлакатимизнинг миллий қонунчилиги ўрганилган. Таҳлиллар асосида аёл ҳарбий хизматчиларнинг мақомини миллий қонунчилигимизда аниқ белгилаш, шунингдек ҳарбий соҳада гендер тенгликни таъминлашга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ҳарбий хизмат, аёл ҳарбийлар, гендер тенглик, ҳуқуқий мақом, қуролли кучлар, халқаро ҳуқуқ, миллий қонунчилик.

**Abstract.** The article describes the history of women's enrollment in the military, the specifics of women's activities in the military today. Existing international legal norms and national legislation of our country, which ensure the participation of women in military activities, have been studied. Based on the analysis, proposals and recommendations have been developed to clearly define the status of female servicemen in our national legislation, as well as to ensure gender equality in the military sphere.

**Key words:** military service, female military, gender equality, legal status, armed forces, international law, national legislation.

**Аннотация.** В статье исследуется история призыва женщин на военную службу, специфика деятельности женщин в армии сегодня. Изучены действующие международно-правовые нормы и национальное законодательство нашей страны, обеспечивающие участие женщин в воинской деятельности. На основе анализа разработаны предложения и рекомендации по четкому определению статуса женщин-военнослужащих в нашем национальном законодательстве, а также по обеспечению гендерного равенства в военной сфере.

**Ключевые слова:** военная служба, женщины-военнослужащие, гендерное равенство, правовой статус, вооруженные силы, международное право, национальное законодательство.

Мамлакатимизда азал-азалдан аёлларга нисбатан хурмат билан муносабатда бўлишган, ота-боболаримиз хотин-қизларни кадрлаш ва асраб-авайлашни оила шаънини ардоқлаш деб билишган. Аёлларга эҳтиром кўрсатишдек ушбу эзгу шарқона анъана бугунги кунда ҳам халқимиз

орасида яшаб келмоқда ва ўзбекона тарбиянинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Юртимизда хотин-қизларнинг барча ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Жамиятимизнинг турли соҳаларида аёл-

ларнинг фаол иштирок этиши учун барча шароитлар яратилган.

Республикамиз БМТнинг “Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги конвенцияси, Халқаро меҳнат ташкилотининг “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисида”ги конвенцияларига МДХ давлатлари орасида биринчилар қаторида қўшилди. Ушбу конвенциялар хотин-қизлар манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Айниқса, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қўллаб-қувватлаш фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони<sup>1</sup> шулар жумласидандир. Мазкур фармонда хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама қўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш, гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, турар жойга муҳтож аёлларни уй-жой билан таъминлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларни “Аёллар дафтари” орқали манзилли қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, шунингдек, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш ва уларнинг фаровонлик даражасини ошириш кабилар оила институтини мустаҳкамлаш ва хотин-

қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб белгиланган.

Бугунги кунда Ўзбекистон аёллари давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда, уларнинг оиладаги мавқеи мустаҳкамланмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсат натижасида хотин-қизларимиз чинакам бахтли яшашлари, интеллектуал ва маънавий юксалишлари, касбий ҳамда оилавий мажбуриятларини ҳамоҳанг тарзда бажаришлари, уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари тўла таъминланиши учун зарур имкониятлар яратилмоқда.

Бош Қомусимиз – Конституцияда ҳам хотин-қизларнинг барча соҳаларда эркалар билан тенг ҳуқуқли экани белгиланган (46-модда)<sup>2</sup>.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”<sup>3</sup>, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги<sup>4</sup> қонунларида, Меҳнат кодекси<sup>5</sup> ва Оила кодексиди<sup>6</sup> хотин-қизларнинг барча соҳаларда тенг ҳуқуқли экани қайд этилган.

Бугунги кунда аёллар жамиятнинг барча соҳаларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳам фидокорона хизмат қилиб, халқимиз тинчлиги ва фаровонлигини асрашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Қадимда юртимизда Тўмарис, Қурбонжон Додхоҳ каби мард ва жасур саркарда аёллар, моҳир ҳарбийлар кўп бўлгани манбаларда қайд этилган.

Баъзи аёллар юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида жанг майдонига чиқиш учун ўзларини эркалар исми билан таништиришган, кийимларини ҳарбий эркалар либосига алмаштириб, сочларини кесишган. Улар Она Ватанларини жанггоҳларда ҳимоя қилиш учун шу тарика ҳаёт тарзларини ўзгартиришга ҳам рози бўлишган.

Шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ўзбек халқининг, шу жумладан ўзбек аёлларининг фронтда ва фронт ортида кўрсатган жасорати ҳам беқиёс.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // 01.03.2022 / <https://lex.uz/ru/docs/5884143>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 17-бет.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й., 03/19/562/3681-сон / <https://lex.uz/docs/4494849>.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.03.2020 й., 03/20/610/0299-сон / <https://lex.uz/docs/4761984>.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. 6-модда // 01.04.1996 / <https://www.lex.uz/docs/142859>.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. 2-модда // 01.09.1998 / <https://lex.uz/docs/104720>.

Бугунги кунда юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек машаққатли ва шарафли касбга ўзини бахшида қилган аёл ҳарбийларни уларнинг муносиб давомчилари дея оламиз.

Ҳозирда мамлакатимиз замонавий ва қудратли армияга эга. Ҳарбий хизмат эса ўз моҳиятига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва бошқа куч тузилмаларида амалга ошириладиган давлат хизматининг махсус туридир. Демак, ҳарбий хизматга давлат хизматининг махсус тури сифатида қаралади ва унинг субъекти алоҳида мақомга эга.

“Ҳуқуқий мақом” тушунчаси кўпинча қонун ҳужжатларида ва юридик адабиётларда қўлланилади. Одатда, у ёки бу субъектнинг, жамоанинг (муассаса, ташкилот, давлат органлари, ҳарбий кўмондонлик) ёки шахснинг мақоми хусусиятлари тўғрисида гап кетганда қўлланилади.

Шахснинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш бўйича бир қанча тушунчалар мавжуд. Рус олими Н.В. Витрукнинг таъкидлашича, шахснинг ҳуқуқий мақоми деганда давлат томонидан тан олинган ва қафолатланган ҳуқуқлар, эркинликлар, бурчлар ва қонуний манфаатлар мажмуи тушунилади<sup>7</sup>. В.А. Кучинский эса ҳақли равишда ҳуқуқий мақомга юридик жавобгарликни ҳам қўшган<sup>8</sup>. Яна бир тадқиқотчи олим Н.И. Матузов бўлса ҳуқуқий мақом деганда “у ёки бу тарзда, ҳуқуқий нуктаи назардан, фуқаронинг давлатдаги позициясини белгилайдиган, қафолатлайдиган, тавсифлайдиган, расмийлаштирадиган барча нарсаларни” тушуниш кераклигини тақлиф қилган<sup>9</sup>.

Махсус мақомлардан бири – бу ҳарбий хизматчининг мақомидир. У давлат хизматчиси мақомининг бир тури ҳисобланади. Илм-фан соҳасида ҳарбий хизматчилар учун махсус ҳуқуқий мақомнинг мавжудлиги масаласида турли фикрлар билдирилган. Масалан, профессор А.М. Добровольскийнинг фикрига кўра, “Давлатдаги ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий ҳолати баъзи жиҳатлар бўйича бошқа фуқаролардан фарқ қилади. Бунда ҳарбий хизматни ўташнинг ўзига хос хусусияти таъсир кўрсатади”<sup>10</sup>.

Ўзбекистонда эркаклардан фарқли ўлароқ аёлларнинг ҳарбий хизматга муносабати ихтиёрийдир. Аёллар Ватанни ҳимоя қилишдек ўз конституциявий бурчини ихтиёрий равишда ҳарбий хизматга кириш орқали бажариш ҳуқуқига эга<sup>11</sup>.

Аёлларнинг қуролли кучлар сафида хизмат қилиш имкониятларининг ортиши, авваламбор, қўшинлардаги техник жиҳозларнинг тараққиёти, турли замонавий қуроллардан фойдаланиш, мураккаб техник тизимларнинг пайдо бўлиши, яъни ҳарбий соҳани интеллектуализациялашга катта аҳамият берилиши билан боғлиқ.

Қуролли кучлар сафига аёлларнинг сезиларли даражада кириб келиши объектив жараён бўлиб, дунёнинг кўплаб давлатларида кузатилмоқда. Масалан, Германия Мудофаа вазирлигининг маълумотларига кўра, мамлакатда сўнгги йилларда ҳарбий хизматга бориш хоҳишини билдирганларнинг 75 фоизга яқинини аёллар ташкил этган. Франция Қуролли Кучларида эса аёллар сони тахминан 25 минг кишидан иборат<sup>12</sup>.

Бироқ Миср, Қувайт ва Тунис каби баъзи мамлакатларда аёлларни ҳарбий хизматга чақириш масаласи ҳали ҳам тортишувларга сабаб бўлмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикасида мавжуд қонунчилик умуминсоний ва демократик тамойилларга тўла мос келади. Ҳарбий соҳада гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ҳарбий соҳада фаолият юритиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида қафолатланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунининг 24-моддасида аёллар шартнома асосида ҳарбий хизматга қабул қилиниши мумкинлиги белгиланган<sup>13</sup>. Шунингдек, сафарбарлик эълон қилинганда ва уруш даврида ҳарбий рўйхатда турмаган ўн саккиз ёшдан қирқ беш ёшгача бўлган аёллар (ўн олти ёшгача бўлган болалари бор аёллар бундан мустасно) ҳам ҳарбий хизматга чақирилиши мумкинлиги ушбу қонунда кўрсатилган.

<sup>7</sup> Витрук Н.В. Основы теории правового положения личности в социалистическом обществе. – М., 1979. – С. 229.

<sup>8</sup> Кучинский В.А. Личность, свобода, право. – М., 1978. – С. 207.

<sup>9</sup> Матузов Н.И. Правовая система и личность. – Саратов: Изд-во Саратов. ун-та, 1987. – С. 294.

<sup>10</sup> Добровольский А.М. Особенности положения военнослужащих в области публичного права. – СПб., 1913. – С. 107.

<sup>11</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори // 12.09.2019 / <https://lex.uz/docs/4513434>.

<sup>12</sup> Қаранг: Стренина Е.А. Юридический справочник военнослужащих женского пола. – М.: Изд-во Общественного движения «За права военнослужащих», 2007. – 240 с.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонуни // 12.12.2002 / <https://lex.uz/docs/78717>.

“Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги низомида ҳам уруш даврида Қуролли Кучлар сафи ўз ихтиёрига кўра ҳарбий хизматга олинган, ҳарбий хизматга мажбур бўлмаган аёллар билан тўлдирилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган<sup>14</sup>.

Демак, аёлларнинг қуролли кучлар сафига қўшилишлари учун етарлича имкониятлар яратилган ва бу борада гендер тенглиги таъминланган.

Халқаро тажрибага қарайдиган бўлсак, жаҳон миқёсида армияда гендер интеграцияси муаммоси демократия нуқтаи назаридан кенг резонанс уйғотиб, қарама-қарши икки позиция: консерваторлар ва либераллар томонидан фаол муҳокама қилинмоқда<sup>15</sup>.

Консерваторлар қуролли кучлар ўзларининг ўзига хос хусусиятларини ва махсус функционал мақсадларини сақлаб қолишлари керак, деб ҳисоблашади. Либералларнинг таъкидлашича, армия ўзгарувчан фуқаролик жамияти кадриятларини ва ундаги кўплаб “институционал субкультуралар”нинг тарқалишини, шу жумладан жинсга асосланган даражада акс эттириши керак<sup>16</sup>.

Олимлар Л.Дефлер ва Р.Уорнер ҳарбий хизматнинг аёлларга ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-психологик таъсирини таҳлил қилиб, “Аёл ҳарбий хизматчилар ҳарбий бўлмаган аёлларга қараганда юқори мавқега эга бўлишади, чунки улар эркаклар билан бир қаторда тенг иш ҳақи олиш имкониятидан ва фаолиятлари мамлакат хавфсизлиги соҳасида эканидан мамнунликни ҳис қилишади. Шунингдек, жамиятда турли хил имтиёзларга эга бўлиш улар учун муҳим аҳамиятга эга”, деган хулосага келишади<sup>17</sup>.

Минглаб ҳарбий аёллар шахсий ҳаётида ва меҳнат фаолиятида мувозанатни сақлашга интилади. Аёл ҳарбий хизматчилар меҳнатсеварлиги, зиммасидаги вазифага виждонан ёндашуви ва интизоми билан ажралиб туради.

Аммо оилавий сабаблар ҳарбий аёлларнинг маҳаллий ҳудуддан ташқарида хизмат қилишига ҳалақит бериши, бу эса уларнинг лавозими кўтарилишига салбий таъсир кўрсатиши ёки аёл ҳарбийларни ишдан бўшатиш учун сабаб бўлиши мумкин.

Бугунги кунда тиббий ёки молиявий хизматларда офицерлик лавозимида хизмат қилаётган аёллар ҳеч кимда таажжуб уйғотмайди, лекин ҳарбий тузилмалар раҳбари бўлган аёлларни учратиш камёб ҳодисадир.

Фикримизча, аёл ҳарбий хизматчилар тайинланадиган ҳарбий лавозимларни белгилаш муаммоси ҳозирда долзарб аҳамиятга эга. Қуролли кучларда аёл ҳарбий хизматчиларнинг мақомини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий асосни ҳамда бош тамойилларни шакллантириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда ҳарбий қонунчилик аёллар томонидан ҳарбий хизматни ўташга оид нормалар билан такомиллаштирилди. Бунинг сабаблари:

- илмий-техник тараққиётнинг ривожланиши жисмоний кучларнинг аҳамиятини пасайтирди;
- жамиятнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларида аёллар иштироки кенгайди;
- қуролли кучларни бошқариш тамойилларига доир янгича ёндашувлар ишлаб чиқилди;
- иқтисодий ва демографик омиллар таъсир кўрсатди.

Мамлакатимиз қуролли кучлари сафида аёллар ихтиёрий равишда хизмат қилиш ҳуқуқига эга. Бу борада мавжуд миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, аёллар мақоми билан боғлиқ масалаларни қайта кўриб чиқиш тавсия этилади. Аёл ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий мақоми деганда давлат томонидан қафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлар тизими, ҳарбий хизматчиларнинг мажбуриятлари тушунилиши керак. Улар қонун ҳужжатларида аниқ белгиланиши зарур. Бунда аёл ҳарбий хизматчиларнинг мақоми бўйича чет эл қонунчилиги, халқаро ҳуқуқ нормалари, миллий кадриятлар кенг ва атрофлича ўрганилиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, аёлларни қўмондонлик лавозимларини эгаллашга ва кенг кўламли вазифаларни, шу жумладан тезкор функцияларни бажаришга ундаш; ҳарбий хизматдаги аёллар камситилишига йўл қўймаслик; ҳарбий аёллар жанговар тайёргарлигини ошириш; мунтазам равишда гендер тенглик бўйича илмий семинарлар ўтказиш; аёл ҳарбийлар ҳаёти ва фаолиятини оммавий ахборот воситаларида доимий тарзда ёритиб бориш таклиф қилинади.

<sup>14</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори // 12.09.2019 / <https://lex.uz/docs/4513434>.

<sup>15</sup> Макарычев А. Гендерные аспекты безопасности в контексте процессов глобализации // Гендерные исследования. 2002. № 7/8. – С. 267.

<sup>16</sup> Moller B. Conscription and its alternatives // COPRI Working Paper. 1999. № 25.

<sup>17</sup> Defleur L. B., Warner R. L. Socioeconomic and social-psychological effects of military service on women // J. of Political and Military Sociology. 1985. Vol. 13. – P. 195 – 208.



## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Doi: 10.54952/DHR.2022.15.86.010



**Жасур ИСЛАМОВ,**  
Омбудсман Котибияти  
сектор мудир



**Азиз ЮЛДАШЕВ,**  
Омбудсман Котибияти  
бош маслаҳатчиси

**Аннотация.** Мақолада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) институти мақомини янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти ёритилган.

Шунингдек, Омбудсманга берилаётган янги ваколатлар юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари келтирилган. Омбудсман фаолияти бўйича илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Омбудсман, доимий асосда фаолият юритадиган минтақавий вакиллар, қонунчилик ташаббуси, тақдимнома, ижтимоий сўровнома.

**Abstract.** The article emphasizes the importance of normative legal acts aimed at further strengthening the status of the institution of the Authorized Person of the Oliy Majlis for Human Rights (Ombudsman) in ensuring the rights, freedoms and legitimate interests of citizens.

Also, a social survey of public opinion was conducted to establish their awareness of the new powers granted to the Ombudsman, where the experience of advanced foreign countries was studied.

**Key words:** Ombudsman, activities of a regional representative on a permanent basis, legislative initiative, performance, social survey

**Аннотация.** В статье подчеркивается значение нормативно-правовых актов, направленных на дальнейшее укрепление статуса института Уполномоченного Олий Мажлиса по правам человека (омбудсмана) в обеспечении прав, свобод и законных интересов граждан.

На основе проведенного социального опроса общественного мнения о новых полномочиях, предоставленных Омбудсману.

**Ключевые слова:** Омбудсман, региональный представитель, законодательная инициатива, представление, социальный опрос.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан халқимиз фаровонлиги йўлида кенг кўламли ислохотлар олиб борилиши натижасида миллий давлатчилигимиз пойдевори мустаҳкамланиб, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари кафолатланмоқда, ҳар бир фуқаро ва оила фаровон-

лиги ошиб, қонун устуворлиги таъминланмоқда.

Энг аввало, фуқаролар учун давлат идораларига мурожаат қилиш борасида катта қулайликлар яратилди. Президентнинг Халқ қабулхоналари ишга тушди, фуқароларни қабул қилиш ва уларнинг муаммоларига ечим топиш ҳар бир ташкилот фаолиятининг устувор йўналишига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони<sup>1</sup> биноан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси тасдиқлангани ҳам мамлакат ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Мазкур ҳужжат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”, шунингдек, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ҳамда шартномавий кўмиталари хабарномалари ва қарорларини кўриб чиқиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Шу асосда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг нормалари талабларини бажариш юзасидан масъул давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон тарихида биринчи марта 2021 – 2023 йилларда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаши аъзолигига кўпчилик овоз билан сайланди. 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ушбу Кенгашнинг 46-сессиясида илк бор иштирок этиб, нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбарининг нутқи халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлди ва юқори баҳоланди.

Сўнгги йилларда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда белгиланган мақсад ва устувор вазифалар ижросини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва тўлдириш зарурати вужудга келди. Амалга оширилаётган демократик ислохотлар Омбудсман олдига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни янада юксак даражага кўтариш талабини қўйди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

лиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги<sup>2</sup> фармони ҳамда “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги<sup>3</sup> қарорининг қабул қилингани янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Мазкур меъёрий ҳужжатларда Омбудсманнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишдаги энг устувор вазифалари белгиланган. Хусусан, йигирма йилдан ортиқ вақт давомида жамоатчилик асосида фаолият юритиб келган Омбудсманнинг минтақавий вакиллари фаолиятини доимий асосда йўлга қўйиш учун 2022 йил 1 январдан давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган қўшимча 14 та штат бирлиги ажратилди. Бу Омбудсман институти фаолиятини такомиллаштиришда катта аҳамият касб этади.

Омбудсман минтақавий вакилларининг асосий вазифалари этиб, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари мониторингини ташкил этиш ва ўтказиш, фуқароларнинг шикоятларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда кўмаклашиш, ҳудудларда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиниши аҳволи бўйича тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳар йили маъруза тақдим этиш кабилар белгиланди.

Шу ўринда хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Арманистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия, Украина, Грузия, Португалия, Польша, Исроил, Индонезия, Покистон давлатларида Омбудсманнинг минтақавий вакиллари фаолияти йўлга қўйилган ва уларнинг иш юритиш асослари ушбу мамлакатлар қонунчилигида мустаҳкамланган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони // 22.06.2020 / <https://lex.uz/docs/4872355>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // 10.09.2021 / <https://lex.uz/docs/5625269>.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори // 26.06.2021 / <https://lex.uz/docs/5475607>.

<sup>4</sup> Арманистон Республикасининг “Инсон ҳуқуқлари ҳимоясини тўғрисида”ги конституциявий қонуни. 38-модда // Арманистон Омбудсмани расмий веб-сайти / <https://www.ombuds.am/>; Озарбайжон Республикасининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил тўғрисида”ги қонуни. 17.3, 17.4-моддалар // Озарбайжон Омбудсмани расмий веб-сайти / <http://www.ombudsman.gov.az/>; “Россия Федерацияси субъектларидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил тўғрисида”ги федерал қонун // [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_347911/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_347911/); “Украина Олий Радасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тўғрисида”ги қонун. 11-модда // <https://>

Масалан, Россия Федерациясининг ҳар бир субъектида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил фаолият юритади ва “Россия Федерацияси субъектларидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил тўғрисида”ги федерал қонун улар фаолиятининг ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилади. Функционал жиҳатдан эса субъект омбудсманлари кенг ваколатлар билан таъминлангани эътиборлидир<sup>5</sup>.

Қирғизистон Республикасининг 7 та вилоятида Омбудсманнинг минтақавий вакиллари фаолият юритади ҳамда уларнинг ҳар бири доимий штат бирлигида иш олиб борувчи 2-3 нафар ёрдамчи билан таъминланган<sup>6</sup>.

Польшада Омбудсман институтининг ташкилий тузилмасига эътибор қаратилса, Гданск, Вроцлав ва Катовице шаҳарларида давлатнинг бир нечта “воеводстава”лари вакили сифатида тайинланадиган Омбудсманнинг туманлараро минтақавий вакиллари фаолияти йўлга қўйилган<sup>7</sup>.

Бельгия қироллигида федерация даражасида 2 та мустақил (француз тили ва нидерланд тилида сўзлашувчилар учун алоҳида-алоҳидадан) Федерал Омбудсман институти фаолият юритиб келмоқда<sup>8</sup>. Шу билан бирга, Фламандия минтақасининг ҳам, Валлония минтақасининг ҳам ўз мустақил Омбудсмани мавжуд<sup>9</sup>. Бельгиянинг немис тилида сўзлашувчи аҳолиси ҳам ўз Омбудсманига эга<sup>10</sup>. Бундан ташқари, Антверпен, Гент шаҳарларининг Омбудсманлари ҳам фаолият олиб боради<sup>11</sup>.

Кўриниб турибдики, ҳозирги даврда Омбудсман институти мавжуд ривожланган давлатларнинг кўпларида минтақавий вакиллик институти самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва парламентида Омбудсман томонидан тизимли равишда ахборот тақдим этилиши тартиби белгиланди.

Шунингдек, Омбудсманнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасига инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг айрим йўналишлари бўйича ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар кўришга қаратилган махсус маърузалар тақдим қилиш ҳуқуқи ҳам қафолатланди.

Бундай тажриба кўплаб хорижий давлат Омбудсманларида мавжуд. Масалан, Россия Федерацияси, Қирғизистон, Тожикистон, Финляндия, Польша, Украина, Грузия давлатларининг Омбудсманлари мамлакат раҳбари, парламент ёки ҳуқуқат бошлиғига инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг айрим йўналишлари бўйича махсус ахборот тақдим қилиш ҳуқуқига эга<sup>12</sup>.

Шу билан бирга, Инсон ҳуқуқлари қафолатланишида Омбудсман институти учун жуда аҳамиятли ҳамда унинг мақомини янги босқичга олиб чиқувчи функционал ваколатлардан бири – Омбудсманнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлишидир.

Хорижий давлатлар ва мамлакатимиз ҳуқуқшунослари томонидан берилган таърифга кўра,

kodeksy.com.ua/ka/ob\_upolnomochennom\_verhovnoj\_rady\_ukrainy\_po\_pravam\_cheloveka/statja-15.htm; Грузия Республикасининг “Халқ ҳимоячиси тўғрисида”ги қонуни. 26-модда // Грузия Омбудсмани расмий веб-сайти / <https://www.ombudsman.ge>; Португалия Омбудсманнинг №9/91-сонли Низоми. 17-банд // Португалия Омбудсманнинг расмий веб-сайти / <https://www.provedor-jus.pt>; Польша Республикасининг “Омбудсман тўғрисида”ги қонуни. 22-модда // Польша Омбудсманнинг расмий веб-сайти / <https://bip.brpo.gov.pl>; Индонезия Республикасининг “Индонезия Омбудсмани тўғрисида”ги қонуни. 43-модда // Индонезия Омбудсманнинг расмий веб-сайти / <https://www.ombudsman.go.id/>; Покистон Ислоҳ Республикаси Президентининг “Омбудсман тўғрисида”ги қарори. 9-банд // Покистон Омбудсманнинг расмий веб-сайти / <https://mohtasib.gov.pk>.

<sup>5</sup> “Россия Федерацияси субъектларидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил тўғрисида”ги федерал қонун // [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_347911](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_347911).

<sup>6</sup> Қаранг: Қирғизистон Республикаси Омбудсманнинг расмий веб-сайти // <https://ombudsman.kg/index.php?Itemid=315&lang=ru>.

<sup>7</sup> Польша Республикасининг “Омбудсман тўғрисида”ги қонуни // Польша Омбудсманнинг расмий веб-сайти / <https://bip.brpo.gov.pl>.

<sup>8</sup> Қаранг: Бельгия Қироллигининг Федерал Омбудсмани расмий веб-сайти // <https://www.federalombudsman.be/en>.

<sup>9</sup> Қаранг: Фламандия минтақаси Омбудсманнинг расмий веб-сайти // <https://www.vlaanderen.be/vlaamse-ombudsdienst>; Валлония минтақаси Омбудсманнинг расмий веб-сайти // <https://www.le-mediateur.be/>.

<sup>10</sup> Қаранг: Немис тилида сўзлашувчи белгияликларнинг Омбудсмани расмий веб-сайти // <https://www.dg-ombudsfrau.be>.

<sup>11</sup> Қаранг: Антверпен шаҳри Омбудсманнинг расмий веб-сайти // <https://www.antwerpen.be/nl/overzicht/ombudsvrouw/nieuws>; Гент шаҳри Омбудсманнинг расмий веб-сайти // <https://stad.gent/nl/contact-meldpunten/ombudsvrouw>.

<sup>12</sup> Қаранг: “Россия Федерацияси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тўғрисида”ги федерал конституциявий қонун. 33-модда; “Қирғизистон Республикаси Ақийкатчиси (Омбудсмани) тўғрисида”ги конституциявий қонун. 12-модда; “Тожикистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тўғрисида”ги қонун. 25-модда; Финляндиянинг “Парламентар Омбудсман тўғрисида”ги қонун. 12-модда; Польшанинг “Омбудсман тўғрисида”ги қонуни. 19-модда; Украинанинг “Олий Раданинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тўғрисида”ги қонуни. 18-модда; Грузия демократик Республикасининг “Халқ ҳимоячиси тўғрисида”ги қонуни. 21-модда.

қонунчилик ташаббуси – муайян органлар, нодавлат ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан қонунлар чиқариш масаласини қўйиш ва уларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиш учун қонун чиқарувчи органга тақдим этиш ҳуқуқидир. Қонун чиқариш ташаббуси – қонун чиқариш жараёнининг илк босқичи. Ушбу жараён қизғин саъй-ҳаракатларга асосланади, улар натижасида қонун чиқарувчи органга қонунчилик юзасидан тегишли таклифлар киритилади, парламент эса мазкур таклифлар асосида янги қонун чиқариши, амалдагисини ўзгартириши ёки бекор қилиши тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш учун қабул қилади<sup>13</sup>.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи эса Конституцияда белгиланган ваколатли органлар, ташкилотлар ва шахслар томонидан Олий Мажлисга муайян қонун лойиҳаси ёки янги қонун қабул қилиш тўғрисидаги, шунингдек амалдаги қонунни ўзгартириш ёхуд уни бекор қилиш тўғрисидаги таклифларнинг тақдим этилиши ва парламентнинг бу масалани белгиланган тартибда кўриб чиқиш ҳақида тегишли қарор қабул қилишидир<sup>14</sup>.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг асосий мезонларидан бири – бу қонун лойиҳалари ҳужжатларининг кўриб чиқилиши. Яъни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида уларнинг ушбу ҳуқуқга эга эканининг мустаҳкамланишидир<sup>15</sup>.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддаси ҳамда “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасига асосан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Бош прокурори эга.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-

сининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига Омбудсманга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини беришни назарда тутувчи тузатиш киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Шу ўринда хориж тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Сербия Республикасининг Инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи эга<sup>16</sup>. Ҳозирги кунга қадар Сербия Омбудсмани томонидан мамлакат парламентида 87 та қонунга ўзгартириш, қўшимча киритиш ҳамда қонунчилик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини мувофиқлаштириш бўйича лойиҳалар киритилган<sup>17</sup>.

Аммо, тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ҳатто ривожланган демократик давлатлар Омбудсманларининг аксарияти ушбу ҳуқуқга эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг ушбу ҳуқуқга эга бўлиши унга жисмоний ва юридик шахсларнинг муаммоларини нафақат эшитиш ҳамда ечимини топишга ҳаракат қилиш, балки ушбу муаммоларни қонунчилик ҳужжатлари даражасида кўриб чиқиш ваколатини беради. Бу ваколат қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ёки ўзгартириш киритиш таклифлари орқали қўллаб-қувватлаш келиши мумкин бўлган низоли ҳолатлар бартараф этилишининг кафолатланиши демакдир.

Шунингдек, Омбудсман томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларини ёзма равишда огоҳлантириш, давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарларига аниқланган қонун бузилишлари бўйича уларни содир этишга имкон яратган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган тақдирда киритиш имконияти яратилмоқда.

Амалдаги “Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 14-моддасига биноан Омбудсманнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги қонунчиликнинг

<sup>13</sup> Сабуров Н., Сайдуллаев Ш. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮУ, 2011. – 104-б.

<sup>14</sup> Уша жойда.

<sup>15</sup> Абрамова А. Право законодательной инициативы: проблемы обеспечения и защиты. // “Журнал российского права”, №3, 2006. – С.12.

<sup>16</sup> Сербия Республикасининг “Инсон ҳимоячиси тўғрисида”ги қонуни. 20-модда // Сербия Республикасининг Инсон ҳимоячиси расмий веб-сайти / <https://ombudsman.rs/index.php/o-nama/normativni-okvir-za-rad/643-2009-10-27-16-01-21>.

<sup>17</sup> Қаранг: Сербия Республикасининг Инсон ҳимоячиси расмий веб-сайти // <https://ombudsman.rs/index.php/zakonske-i-drugie-inicijative>.

аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш ваколати мавжуд.

Омбудсман томонидан 2020-2021 йилларда давлат органлари ва бошқа ташкилотларга қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича 27 та тақдимнома киритилиб, уларнинг 60 фоизи ижобий ҳал этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан ушбу ваколат янада кенгайтирилмоқда, Омбудсманнинг тақдимномалари ижро этилиши мажбурий қилинмоқда. Ушбу тақдимномалар ташкилотларда яққол қонунбузилиш ҳолатлари аниқланганда йўлланади. Улар юқори юридик техникада тайёрланиши, ўз навбатида, Омбудсман Котибияти ходимлари ҳам юксак савия ва малакага эга бўлиши талаб этилади. Ижро этилиши мажбурий бўлган Омбудсман тақдимномалари рўй бериши мумкин бўлган қонунбузарлик ҳолатларининг камайиши ҳамда инсон ҳуқуқлари кафолатланишига янада кучлироқ замин яратади.

Украина Олий Радасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолиятига назар соладиган бўлсак, Вакил тақдимномаси – Вакил томонидан давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, уларнинг мансабдор шахслари ва ваколатли вакилларига инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бўйича аниқланган қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш, шунингдек бир ой муддатда тегишли чоралар кўриш тўғрисида тақдим этиладиган ҳужжат<sup>18</sup>.

Худди шундай ваколат Қирғизистон Республикаси Омбудсманнида ҳам мавжуд<sup>19</sup>.

Бу борада Таиланд Қироллиги Омбудсмани тажрибаси ҳам эътиборга молик. Омбудсман мутасадди давлат ташкилотига инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишига сабаб бўлаётган қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш юзаси-

дан кўрсатма шаклидаги тавсия бериши мумкин. Ушбу кўрсатма 120 кун ичида кўриб чиқилиши керак, зарур ҳолларда Омбудсманнинг хабардорлиги билан кўриб чиқиш муддати яна 60 кунга узайтирилиши мумкин. Агарда белгиланган муддатларда мутасадди давлат ташкилоти томонидан қонунбузилиш ҳолатлари бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмаса, ушбу давлат ташкилоти раҳбарининг хатти-ҳаракатлари давлат бошқарув тизимига путур етказаётган деб ҳисобланади. Омбудсман томонидан унинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилиши ва тегишли чора кўрилиши юзасидан коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий комиссияга хабар берилади. Ушбу маълумот комиссия иш юритуви учун асос ҳисобланади.

Бироқ Омбудсманнинг кўрсатмаси ижро этилиши имкони мавжуд бўлмаганда, мутасадди давлат ташкилоти Омбудсман билан биргаликда зудлик билан қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этишнинг бошқа йўллари кўриб чиқиши ҳамда қабул қилинган умумий хулосага риоя этиши лозим. Агарда томонлар ҳолат ечими бўйича умумий хулосага келмаган бўлсалар, Омбудсман ҳолат бўйича Вазирлар Кенгашига маълумот киритади. Вазирлар Кенгаши эса ҳолат бўйича якуний қарорни қабул қилади<sup>20</sup>.

Шу ўринда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилишда илғор хорижий давлатлар Швеция ва Финляндия тажрибасига ҳам қисқача тўхталиб ўтсак.

Швецияда Омбудсман алоҳида ҳолларда прокурор сифатида ҳаракат қилиши мумкин. У ўз мажбуриятлари ёки ваколатларини суистеъмол қилган мансабдор шахсларга нисбатан (матбуот эркинлиги тўғрисидаги қонун ёки сўз эркинлиги ҳуқуқига қарши жиноятлар бундан мустасно) жиноят иши кўзғатиши мумкин. Омбудсман Жиноят содир этган, қўпол равишда ёки тизимли қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахсни лавозимидан маҳрум қилиш ёки вақтинча ўз лавозимидан четлатиш тўғрисида хулоса бериш ҳамда ушбу чора тўғрисида ваколатли мутасадди ташкилотларни хабардор қилиш ваколатига эга. Шунингдек, у мансабдор шахсни лавозимидан маҳрум қилиш юзасидан ўтказиладиган суриштирув ишларига ўз хулосасини тақдим этиши ҳамда

<sup>18</sup> Қаранг: “Украина Олий Радасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тўғрисида”ги қонун. 15-модда // [https://kodeksy.com.ua/ka/ob\\_upolnomochennom\\_verhovnoj\\_rady\\_ukrainy\\_po\\_pravam\\_cheloveka/statja-15.htm](https://kodeksy.com.ua/ka/ob_upolnomochennom_verhovnoj_rady_ukrainy_po_pravam_cheloveka/statja-15.htm).

<sup>19</sup> Қаранг: “Қирғизистон Республикаси Ақыйкатчиси (Омбудсмани) тўғрисида”ги конституциявий қонун.

<sup>20</sup> Қаранг: Таиланд Қироллигининг “Омбудсман тўғрисида”ги конституциявий қонуни // <https://www.theioi.org/ioi-members/asia/thailand/ombudsman-of-thailand>.

мансабдор шахсни сўроқ қилиш жараёнини кузатиши мумкин<sup>21</sup>.

Финляндияда эса Омбудсманга полиция суриштируви ёки судгача бўлган тергов ўтказилишини сўраш ваколоти 2011 йилда берилган<sup>22</sup>.

Хорижий тажрибани ўрганган ҳолда мамлакатимизда ҳам Омбудсман фаолияти тобора такомиллашиб бормоқда. Бу борада жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида минг нафардан иборат фуқаролар орасида ижтимоий сўровнома ўтказилди.

Унда иштирок этган респондентларнинг 59 фоизини эркаклар ва 41 фоизини аёллар, 78 фоизини ёшлар ва 22 фоизини кексалар ташкил этди.

Сўровнома натижасида мамлакатимиз фуқаролари Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолияти билан қай даражада таниш экани, шунингдек, Омбудсман ваколатларининг кенгайиши, унинг жойлардаги ҳудудий вакилларининг доимий асосда фаолият юритиши, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суддан ташқари органи тамойилдан воз кечиш ҳамда Омбудсманга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг берилиши бўйича юртдошларимизнинг муносабатлари ва таклифлари ўрганилди.

Сўровномада қатнашган 67,8 % иштирокчилар Омбудсман фаолиятдан тўла хабардор бўлса, баъзи фуқаролар қисман таниш экани, баъзилар эса бундай ташкилот ҳақида умуман маълумотга эга эмаслиги аниқланди. Бу орқали фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш лозимлиги тасдиқланди.

Ижтимоий сўровнома натижалари шуни кўрсатдики, респондентларнинг кўпчилиги (78,5 %) Омбудсман ҳаракатига мажбурий тус берилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда самарали восита бўлиб, мамлакатимизда демократик жамият қуришда Омбудсманнинг мақомини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини ёқлайди. Шунингдек, айрим фуқароларнинг фикрича, Омбудсман томонидан мажбурий бўлган тақдимномаларнинг ишлаб чиқилиши инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари камайишига кучли таъсир кўрсатмайди.

Омбудсманнинг жойлардаги минтақавий вакиллари фаолияти доимий асосда йўлга қўйилиши сўровномада иштирок этган респондентларнинг

кўпчилиги (89,6 %) томонидан ижобий баҳоланди. Бунда Омбудсманнинг минтақавий вакиллари мустақил фаолият юритиши, маҳаллий ҳокимиятга ҳисобдор бўлмаслиги фуқароларнинг муаммоларига ижобий ечим топишда қўл келади ҳамда ортиқча овозгарчиликларнинг олдини олади.

Омбудсманга фуқароларнинг манфаатлари юзасидан судларга даъво аризаси билан мурожаат этиш ҳуқуқининг берилиши масаласида сўровномада иштирок этган респондентларнинг 89,3 фоизи ижобий муносабат билдирди. Қолган иштирокчилар эса Омбудсман суд ҳокимиятидан ташқари фаолият кўрсатувчи, фуқаролар мурожаат қила оладиган мустақил орган бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Шунингдек, Омбудсманга Ўзбекистон Республикаси Президенти, парламент ҳамда ҳукуматга махсус маърузаларни киритиш ваколатининг берилиши ҳам сўровнома иштирокчиларининг 79,8 фоизи томонидан қўллаб-қувватланди. Чунки Омбудсманга келиб тушаётган мурожаатлар ҳамда жойларда олиб борилган мониторинг ишлари натижалари таҳлили асосида ишлаб чиқилган махсус маърузалар Омбудсманнинг қонунчилик ташаббусини илгари суришига туртки беради.

Бу билан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг ҳуқуқий мақоми олий юридик кучга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида янада мустаҳкамланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан Омбудсман инсон ҳуқуқларининг ҳимоячиси сифатида кенг ваколатларга ва янги ҳуқуқий механизмларга эга бўлди. Бугунги кунда мамлакатимиз Омбудсмани хорижий мамлакатлардаги инсон ҳуқуқлари бўйича институтлар тажрибасининг ижобий жиҳатларини инобатга олган ҳолда, халқаро стандартларга мос равишда ривожланмоқда. Бу эса юртимизда амалга оширилаётган инсонпарвар сиёсатнинг самарадорлигини оширади ҳамда Омбудсман институтининг жаҳон ҳамжамиятидаги мақомини янада мустаҳкамлайди.

<sup>21</sup> Қаранг: Швеция Парламент Омбудсмани Низоми. 6-банд // <https://www.jo.se/en/About-JO/Legal-basis/Instructions/>.

<sup>22</sup> Қаранг: Финляндия Республикасининг “Парламентар Омбудсман тўғрисида”ги қонуни // <https://www.oikeusasiamies.fi/en/parliamentary-ombudsman-act#>.

## ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРИДА ИСЛОМ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РОЛИ

Doi: 10.54952/DHR.2022.29.61.011



**Ҳайдарали ЮНУСОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Давлат ва ҳуқуқ институти илмий ходими, Жаҳон  
иқтисодиёти ва дипломатия университетида  
ташқил этилган ЮНЕСКОнинг “Халқаро ҳуқуқ ва  
инсон ҳуқуқлари” кафедраси доценти, юридик  
фанлар номзоди

**Аннотация.** Ушбу мақолада ҳозирги замон халқаро муносабатларида ислом халқаро ташкилотларининг роли таҳлил қилинган. Муаллиф ислом халқаро ташкилотлари оиласига кирувчи халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва ноҳукумат уюшмаларга умумий тавсиф берган ҳамда уларнинг мақсад ва вазифаларига тўхталиб ўтган. Шунингдек, мақолада Ўзбекистон Республикасининг ислом халқаро ташкилотлари доирасидаги халқаро ҳамкорлик масалалари ҳам ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** халқаро ташкилот, халқаро муносабатлар, тизим, кўп томонлама дипломатия, халқаро ҳамкорлик, ташкилотга аъзолик, нодавлат ноҳукумат ташкилотлар.

**Annotation.** This article analyzes the role of Islamic international organizations in contemporary international relations. The author gives a general description of international intergovernmental organizations and non-governmental associations belonging to the family of Islamic international organizations and focuses on their goals and objectives. The article also covers issues of international cooperation of the Republic of Uzbekistan within the Islamic international organizations.

**Key words:** international organization, international relations, system, multilateral diplomacy, international cooperation, membership, non-governmental organizations.

**Аннотация.** В статье анализируется роль исламских международных организаций в современных международных отношениях. Автор дает общую характеристику международных межправительственных и неправительственных организаций, принадлежащих к семейству исламских международных организаций, и акцентирует внимание на их целях и задачах. В статье также освещаются вопросы международного сотрудничества Республики Узбекистан в рамках исламских международных организаций.

**Ключевые слова:** международная организация, международные отношения, система, многосторонняя дипломатия, международное сотрудничество, членство в организации, неправительственные организации.

XXI аср бошида халқаро ташкилотлар халқаро алоқалар тизимида етакчи роль ўйнай бошлади. Глобаллашув жараёнининг таркибий қисми ўлароқ глобал ва трансчегаравий муаммоларнинг кенг томир отиши ва уларга қарши курашда кўп томонлама ёндашув зарурати халқаро ташкилотларнинг мавқеини янада ошириб юборди.

Охирги пайтларда халқаро алоқалар тизимида кўп томонлама дипломатия доирасида ислом халқаро ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти

ошиб бормоқда. Жаҳон сиёсатида исломнинг нуфузи асосан муслмон мамлакатларининг, айниқса, ислом эътиқоди давлат дини деб эълон қилинган давлатларнинг ва уюшмаларнинг халқаро фаолияти орқали намоён бўлмоқда.

Ҳозирги кунда “ислом халқаро ташкилотлари оиласи”га Араб давлатлари лигаси (League of Arab States – LAS) ва унинг ҳузуридаги Таълим, фан ва маданият бўйича ташкилот (ALESCO), Тараққиётга кўмаклашувчи Ислам бирдамлик жамғармаси

(ISFD), Атроф-муҳит вазирликлари конференцияси (ICEM), Гуманитар ишлар соҳасида ислом конференцияси (ICHAD), 1968 йилда ташкил этилган Нефть экспорт қилувчи араб давлатлари ташкилоти (ОАРЕС), Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ОИС) ва у билан биргаликда фаолият кўрсатувчи 17 та бириктирилган ташкилотлар ҳамда 7 та ихтисослашган муассасалар, Ислом шариат ҳайъати, Ислом банклари халқаро уюшмаси, Жаҳон ислом таълими маркази, Ислом адолат суди, Ислом ҳуқуқшунослари ташкилоти, Форс кўрфази араб давлатларининг ҳамкорлик кенгаши ва бошқалар кириди<sup>1</sup>.

Айни пайтда халқаро ташкилотлардаги мусулмон мамлакатларининг сони муттасил ошиб бормоқда. БМТ ташкил этилган пайтда унинг дастлабки 51 та аъзо давлатининг 7 таси (Миср, Эрон, Ироқ, Ливан, Саудия Арабистони, Сурия, Туркия), яъни 14 фоизи – аҳолисининг кўпчилиги мусулмон бўлган давлатлар (“Muslim-majority countries”) эди. Орадан уч йил ўтиб, 1948 йилда БМТдаги мусулмон давлатлар сони 17 фоизга етди. Ҳозирги пайтда БМТ аъзолари умумий сонининг 30 фоизини аҳолисининг кўпчилиги мусулмон бўлган давлатлар ташкил этади.

Аъзолари сони ва жўғрофий камрови нуқтаи назаридан БМТдан кейинги энг йирик халқаро ташкилот – Ислом ҳамкорлик ташкилоти (“Organization of Islamic Cooperation”)дир. У даставвал Ислом конференцияси ташкилоти (“Organization of Islamic Conference”) мақомида 1969 йил 25 сентябрда Марокаш пойтахти Рабатда таъсис этилган, бироқ унинг низоми сал кейинроқ, 1972 йилнинг февраль ойида имзоланиб, 1973 йил 28 февралда кучга кирган. ИХТнинг ҳозирда амал қилиб келаётган янги Низоми 2008 йил 13-14 март кунлари Дакарда бўлиб ўтган Ислом саммитида қабул қилинган. Мазкур халқаро тузилма 2011 йил 28 июнда Ислом ҳамкорлик ташкилотига айлантирилди. Ҳозирда Жидда шаҳри (Саудия Арабистони) унинг пойтахтидир, аъзо давлатлар сони – 57 та<sup>2</sup>.

ИХТ аъзо давлатларининг давлат ва ҳукумат раҳбарлари даражасида ҳар уч йилда бўлиб ўтадиган Ислом саммити ҳамда Ташқи ишлар вазирларининг йиллик Ислом конференцияси – ташкилот-

нинг олий бошқарув органларидир. Ташқи ишлар вазирлари томонидан 4 йил муддатга сайланадиган Бош котиб ва котибият ижро этувчи орган ҳисобланади.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) ташкилотга бириктирилган институтлар (“affiliated institutions”), ихтисослашган институтлар (“specialized institutions”) ва ташкилотнинг ёрдамчи органлари (“subsidiary organs”) тузилмасидан иборат<sup>3</sup>.

Ислом ҳамкорлик ташкилотига бириктирилган институтлар ИХТ Ташқи ишлар вазирларининг йиллик Ислом конференцияси ташаббуси ва резолюциялари асосида ташкил этилади. Мазкур институтлар юридик шахс сифатида молиявий мустақил тузилмалар ҳисобланади. Уларга аъзолик ИХТга аъзо давлатлар учун очик ва ихтиёрийдир.

Ислом ҳамкорлик ташкилотига бириктирилган институтларнинг сони бугунги кунда 17 та бўлиб, куйидагиларни ўз ичига олади: Ислом тижорат, саноат ва қишлоқ хўжалиги палатаси (Islamic Chamber of Commerce, Industry and Agriculture (ICCIA)), Ислом пойтахтлари ва шаҳарлари ташкилоти (Organization of Islamic Capitals and Cities (OICC)), Ислом спорт ўйинлари федерацияси бирдамлиги (Islamic Solidarity Sports Federation (ISSF)), Араб-ислом халқаро мактаблари жаҳон федерацияси (World Federation of Arabo-Islamic International Schools (WFAIIS)), Ислом кема бошқарувчилари уюшмаси ташкилоти (Organization of the Islamic Shipowners Association (OISA)), Мулоқот ва ҳамкорлик учун ёшлар форуми ислом конференцияси (Islamic Conference Youth Forum for Dialogue and Cooperation (ICYF-DC)), Мусулмон скаутлари халқаро уюшмаси (Islamic Union of Muslim Scouts (IUMS)), Ислом мамлакатлари маслаҳатчилари федерацияси (Federation of Consultants from Islamic Countries (FCIC)), Ислом дунёси фанлар академияси (Islamic World Academy of Sciences (IWAS)), Ислом банклари ва молия институтлари Бош кенгаши (General Council for Islamic Banks and Financial Institutions (CIBAFI)), Ислом мамлакатлари контракторлар федерацияси (Federation of Contractors for Islamic Countries (FOCIC)), ИХТ Ахборот технологияла-

<sup>1</sup> Leslie A. Pal & M.Evren Tok. Global Governance and Muslim Organizations. – Palgrave Macmillan, 2019. – 722 pp. – P. 3-4.

<sup>2</sup> 2012 йил 15 августда Суриянинг ИХТдаги аъзолиги вақтинчалик тўхтатилди.

<sup>3</sup> Ушбу мақолада келтирилган маълумотлар ИХТнинг расмий сайтдан олинди: <https://www.oic-oci.org/home/?lan=en>.



рига оид фавқулодда ҳолатларга жавоб қайтариш гуруҳи (OIC Computer Emergency Response Team (OIC-CERT)), Ислом мамлакатлари Стандартлар ва метрология институти (Standards and Metrology Institute for Islamic Countries (SMIC)), Малайзия Халқаро ислом университети (International Islamic University of Malaysia (IIUM)), Ислом мамлакатлари солиқ бошқармалари уюшмаси (Association of Tax Authorities of Islamic Countries (ATAIC)), Ислом давлатларидаги кўчмас мулк уюшмаси (Real Estate Union in Islamic States (REUOS)), ИХТга аъзо давлатлар телевизион кўрсатувлар ва радио эшиттиришлар хизматлари форуми (Organization of Islamic Cooperation Broadcasting Regulatory Authorities Forum (IBRAF)).

ИХТ билан бир қаторда унинг 7 та ихтисослашган институтлари ҳам халқаро ҳамкорликнинг муайян соҳасида фаолият юритади. Ихтисослашган институтлар аъзо давлатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари даражасида ҳар уч йилда бўлиб ўтадиган Ислом саммити ёки ИХТ Ташқи ишлар вазирларининг йиллик Ислом конференцияси қарорлари асосида ИХТ доирасида ташкил этилган муассасалардир. Мазкур институтлар юридик шахс сифатида ва молиявий нуқтаи назардан мустақил ҳамда аъзолиги ИХТ аъзо давлатлари учун очик ва ихтиёрийдир.

Ихтисослашган институтларга қуйидагилар кирди: Ислом тараққиёт банки (Islamic Development Bank (IDB)), Ахборот агентликлари иттифоқи (Union of News Agencies of the OIC Member States (UNA)), Таълим, фан ва маданият бўйича ислом ташкилоти (Islamic Educational, Scientific and Cultural Organization (ISESCO)), Халқаро ярим ой жамиятининг Ислом қўмитаси (Islamic Committee of the International Cressent (ICIC)), Фан, технологиялар ва инновациялар ташкилоти (The Science, Technology and Innovation Organization (STIO)), Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича Ислом ташкилоти (Islamic Organisation for Food Security (IOFS)), Аёлларни қўллаб-қувватлаш ташкилоти (Women Development Organization (WDO)).

Улар орасида Ислом тараққиёт банкининг халқаро молия-иктисодий муносабатлардаги иштироки салмоқлидир. Ислом тараққиёт банкига 1973 йилда Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар молия вазирларининг конференциясида

асос солинган ва банк ўз фаолиятини 1975 йил 3 апрелда бошлаган. Банк қуйидаги тузилмаларни ўз ичига олади: Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси (Islamic Corporation for the Development of the Private Sector (ICD)), Савдо-моялар ва экспорт кредитларини суғурталаш бўйича Ислом корпорацияси (Islamic Corporation for the Insurance of Investment and Export Credit (ICIEC)), Ислом тадқиқотлари ва таълими институти (Islamic Research and Training Institute (IRTI)), Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси (International Islamic Trade Finance Corporation (ITFC)).

Шу билан бирга ИХТнинг ёрдамчи органлари (“subsidiary organs”) ҳам мавжуд бўлиб, улар ташкилот фаолиятини ташкил этишда муҳим роль ўйнайди. Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ёрдамчи органлари Ислом саммити ёки ИХТ Ташқи ишлар вазирларининг Ислом конференцияси қарорлари асосида ИХТ доирасида ташкил этилган. ИХТга аъзо бўлган давлат ўз-ўзидан мазкур органларнинг аъзосига айланади.

Ҳозирги кунда ИХТ таркибида 6 та ёрдамчи орган фаолият кўрсатмоқда: Ислом давлатлари учун статистик, иктисодий, ижтимоий тадқиқотлар ва тренинглар маркази (Statistical, Economic, Social and Training Center for Islamic Countries (SESRIC)), Ислом тарихи, санъати ва маданияти маркази (Research Center for Islamic History, Art and Culture (IRCICA)), Ислом технология университети (Islamic University of Technology (IUT)), Савдо-ни ривожлантириш ислом маркази (Islamic Center for the Development of Trade (ICDT)), Халқаро ислом фикҳ академияси (International Islamic Fiqh Academy (IIFA)), Ислом бирдамлик жамғармаси ва вақфи (Islamic Solidarity Fund and its Waqf (ISF)).

Араб давлатлари лигаси (“League of Arab States”) 1945 йил 22 мартда Қохирада ташкил этилган ва ҳозирги кунда аҳолисининг кўпчилиги мусулмон бўлган 22 та давлатни қамраб олади<sup>4</sup>. Эритрея (мусулмон аҳолисининг улуши – 80 фоиз), Ҳиндистон (14 фоиз), Бразилия (0.6 фоиз) ва Венесуэла (0.5 фоиз) ташкилот ҳузурида кузатувчи мақомига эга.

Ҳозирги замон халқаро муносабатлари тизимида ислом халқаро нодавлат ноҳукумат ташкилотлари ҳам сезиларли роль ўйнамоқда. 1926 йилда ташкил этилган Бутунжаҳон ислом конгресс-

<sup>4</sup> 2011 йил 12 ноябрдан Суриянинг ташкилотдаги аъзолиги вақтинчалик тўхтатилди.

си (WIC), 1926 йилда асос солинган Бутунжаҳон ислом лигаси – “Робита”, Европа ислом кенгаши, таълим соҳасида фаолият кўрсатувчи Бутунжаҳон ислом университетлари федерацияси (FUIW), Ислмо университетлари лигаси (IUL), Муслмонлар бутунжаҳон лигаси (MWL) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ислмо ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) хузуридаги халқаро ноҳукумат ташкилотларнинг сони 18 та бўлиб, улар иқтисод ва молия, фан ва таълим, маданият ва спорт, ёшлар масаласи ва бошқа соҳаларда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Муслмон мамлакатлари бошқа халқаро ташкилотлар доирасида ҳам халқаро муносабатларда, айниқса, иқтисодий ҳамкорликда фаол иштирок этади. ИХТнинг аксарият аъзолари Жаҳон савдо ташкилотининг тўлақонли аъзолари ҳисобланади. Энг кўп муслмон аҳолисига эга Индонезия, Туркия ва Саудия Арабистони “Катта йигирматалик”нинг (G20), Туркия эса, айни вақтда, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг аъзосидир.

Форс кўрфази минтақасида жойлашган йирик араб давлатлари – Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қувайт, Қатар, Ўмон Султонлиги ва Баҳрайни ўз ичига олган Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши (“The Cooperation Council for the Arab States of the Gulf”)<sup>5</sup> “Ислмо ақидаси негизида ташкил топган ўхшаш тизимлар, умумий хусусиятлар ва ўзига хос алоқалар” билан ўзаро боғланган мамлакатлар уюшмасидир<sup>6</sup>. 1981 йил 11 ноябрда ташкил этилган мазкур ташкилотга аъзо давлатлардаги улкан нефть ва газ захиралари, юқори сармоёвий салоҳият ва узок муддатли инвестицион оқимнинг манбаси ҳамда ички континентал давлатларга тақдим этилиши мумкин бўлган денгизга чиқиш учун халқаро транспорт йўлагининг мавжудлиги ташкилотнинг стратегик аҳамиятини янада ошириб юборди.

Ислмо халқаро ташкилотларининг ҳозирги замон халқаро алоқалар тизимида тутган мавқеини белгилашда қуйидаги бир қатор ҳолатларга эътибор қаратиш лозим.

**Биринчидан**, ислом халқаро ташкилотлари ўзаро алоқадорликда ва бирдамликда ҳақиқатдан

ҳам “ислом оиласи”ни ташкил қилади. Муайян ислом халқаро ташкилотига аъзолик бошқа ислом ташкилоти аъзолиги учун йўл очади. Масалан, ИХТ Низомига мувофиқ, ИХТга аъзо бўлган ҳар қандай давлат автоматик тарзда унинг 6 та ихтисослашган тузилмасининг аъзоси саналади: Ислмо Бирдамлик жамғармаси (ISF), Халқаро Ислмо фонди академияси (PIFA), Муслмон мамлакатлари учун статистик, иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар ўқув маркази (SESRIC), Ислмо технология университети (IUT), Ислмо тарихи, санъати ва маданияти тадқиқот маркази (IRCICA), Савдо-ни ривожлантириш бўйича ислом маркази (ICDT).

2013 йил 11-13 ноябрда қабул қилинган Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича ислом ташкилоти (IOFS) статутига мувофиқ, ИХТга аъзо ҳар қайси давлат ташкилот статутини имзолагандан сўнг мазкур ташкилотга аъзо бўлиши мумкин. ИХТга аъзо бўлмаган ёки кузатувчи мақомида бўлган давлатнинг мазкур ташкилотга аъзо бўлиши мумкин эмас<sup>7</sup>. Ҳозирда ИХТнинг 36 та аъзо давлати Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича ислом ташкилотига қабул қилинган ва уларнинг 16 таси ташкилот статутини ратификация қилган.

Айни пайтда, ҳар бир ислом халқаро ташкилоти бошқа турдош халқаро ташкилотлар учун муассис платформа бўлиб хизмат қилади. Масалан, Араб давлатлари лигаси ўз мақсадлари йўлида Араб телекоммуникация иттифоқи (Arab Telecommunications Union, 1953), Араб почта иттифоқи (Arab Postal Union, 1954), Араб тараққиёт банки (Arab Development Bank, 1959)<sup>8</sup>, Араб умумий бозори (The Arab Common Market, 1965) каби ташкилотларнинг таъсис этилиши учун замин яратган ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

**Иккинчидан**, ислом халқаро ташкилотлари халқаро универсал ва минтақавий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик ришталарини боғлаган ва улар билан биргаликда халқаро институционал тизимни ташкил этади. Масалан, ИХТ 1975 йилда БМТда кузатувчилик мақомига эга бўлган. БМТ Бош Ассамблеясининг ҳар йилги кун тартибида “БМТ ва ИХТ ўртасидаги ҳамкорлик” масаласи кўриб чиқилади. БМТ ва Европа Иттифоқи хузу-

<sup>5</sup> Ташкилотнинг расмий сайти: <https://www.gcc-sg.org/en-us/AboutGCC/MemberStates/Pages/Home.aspx>.

<sup>6</sup> Қаранг: Ташкилотнинг таъсис ҳужжати муқаддимаси: [https://www.files.ethz.ch/isn/125347/1426\\_GCC.pdf](https://www.files.ethz.ch/isn/125347/1426_GCC.pdf).

<sup>7</sup> Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича ислом ташкилоти уставининг 5-моддаси /Statute of Islamic Organization for Food Security: <https://www.iofs.org.kz/documents/statute-of-iofs>.

<sup>8</sup> Кейинчалик Араб молия ташкилоти (Arab Financial Organization)га айлантирилган.

рида ИХТнинг доимий ваколатхонаси фаолият кўрсатади.

**Учинчидан**, ислом халқаро ташкилотлари доирасида қабул қилинадиган қарорлар аъзо давлатлар учун қатъий мажбурий эмас. Масалан, “ИХТ қарорлари ушбу ташкилот фаолиятининг самарадорлигига таъсир ўтказувчи ўзига хос таъсиявий характерга эга”<sup>9</sup>. Яъни ислом халқаро ташкилотларида БМТ ёки Европа Иттифоқи каби ўз қарорларининг ижросини таъминловчи мажбуриятчи механизмлар мавжуд эмас. Мазкур ҳолат ташкилотларнинг фаолият самарадорлигига муайян даражада таъсир қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ислом ташкилотлари фаолиятида янги устувор йўналишлар кўзга ташланмоқда. Айниқса, охириги пайтларда ҳуқуқий давлат ва инсон ҳуқуқлари масаласига катта эътибор қаратилмоқда. 1969 йилда Ислום конференцияси ташкилоти мақомида пайдо бўлган, 2011 йил 28 июнда Остонада Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 38-сессиясида ислום қилинган Ислום ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) мусулмон дунёсининг яқдил овози, ташкилот аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган бўлса-да, ИХТ Хартиясининг муқаддимаси ва 2(7)-моддаси умуминсоний қадриятлар, инсон ҳуқуқлари, демократия тамойилларининг ҳурмат қилинишини таъкидлайди. 2011 йилда ИХТ Бош Котибининг Ҳуқуқий давлат бўйича ҳисоботи эълон қилинган.

Шу билан чекланиб қолмай, 2011 йилда ИХТнинг доимий асосда фаолият кўрсатадиган Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил комиссияси таъсис этилган<sup>10</sup>. 18 кишидан иборат мазкур комиссия 2012 йилда Жакартада ўзининг биринчи йиғилишини ўтказган ва унда инсон ҳуқуқлари бўйича махсус резолюция ишлаб чиқилган. Ушбу резолюцияда ИХТнинг олий саммити ва Ташқи ишлар вазирлари конференцияси томонидан 1990 йилда 49/19-рақамли резолюцияси билан қабул қилинган Ислумда инсон ҳуқуқлари бўйича Қоҳира декларацияси<sup>11</sup>га ҳавола бор.

Кейинчалик 2010 – 2018 йиллар давомида Ислумда инсон ҳуқуқлари бўйича Қоҳира декларацияси негизида янги таҳрирдаги ИХТнинг Инсон ҳуқуқлари декларацияси лойиҳаси ишлаб чиқилди. 2018 йилнинг 17-21 декабрь кунлари Саудия Арабистони Қироллигининг Жидда шаҳрида Декларация лойиҳасининг охириги матни қабул қилинди<sup>12</sup>.

Ноҳуқумат нотижорат характердаги Халқаро ҳуқуқ уюшмасининг Ислום ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқ қўмитаси (“International Law Association’s Islamic Law and International Law Committee”) 2010 ва 2012 йилларда ҳуқуқий давлат ва инсон ҳуқуқларига оид иккита ҳисобот эълон қилган.

Буларнинг барчаси ислом ташкилотларининг хозирга дунё эврилишларига ҳамнафаслиги, ўзгаришлар даври қақирқларига хозиржавоблиги, ўзга маданият ва тамаддунларга очиклиги, энг асосийси, тараккиёт ва истикбол учун хайрихоҳлигидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикасининг ислом халқаро ташкилотлари билан алоқалари давлатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон ИХТга кузатувчи сифатида 1995 йилнинг октябрь ойида қабул қилинган бўлиб, 1996 йил 2 октябрда ташкилотнинг тўла ҳуқуқли аъзосига айланди. Республикамиз ИХТнинг янги уставини 2015 йилнинг 14 декабрида имзолади ва 2016 йилнинг апрелида ратификация қилди. ИХТ уставининг 10-моддасига мувофиқ, йилда бир марта аъзо давлатларда ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгаши ўтказилади. Шу асосда Ўзбекистон 2016 йилнинг 18-19 октябрь кунлари ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг “Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл” шиори остида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган 43-сессиясига мезбонлик қилди. Сессия якунига кўра 118 та хужжат ва Тошкент декларацияси имзоланди.

Мазкур сессияда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ИХТда Ўзбекистон раислигининг устувор йўналишларини белгилаб берди. Шунингдек, Самарқанд шаҳридаги Имом Бухорий

<sup>9</sup> Алимова Н. Международные исламские межправительственные и неправительственные организации // Международные отношения, 2014/3 – С.17-23.

<sup>10</sup> Statute of the OIC Independent Permanent Commission on Human Rights (OIC/IPCHR): [https://oic-iphrc.org/docs/en/legal\\_instruments/OIC\\_HRRIT/802078.pdf](https://oic-iphrc.org/docs/en/legal_instruments/OIC_HRRIT/802078.pdf).

<sup>11</sup> The Cairo Declaration of the Organization of Islamic Cooperation on Human Rights: [https://www.oic-oci.org/upload/pages/conventions/en/CDHRI\\_2021\\_ENG.pdf](https://www.oic-oci.org/upload/pages/conventions/en/CDHRI_2021_ENG.pdf).

<sup>12</sup> <https://www.brookings.edu/wp-content/uploads/2020/09/The-Organization-of-Islamic-Cooperations-declaration-on-human-rights-promises-and-pitfalls.pdf>.

халқаро тадқиқотлар маркази ҳамда Тошкент Ислом университетида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилотининг (ISESCO) махсус кафедрасини ташкил этиш бўйича ташаббусларни илгартириш сурди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43- ва 44-сессияларида барча аъзо давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди. Имом Бухорий халқаро тадқиқотлар марказини ташкил этиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилотининг расмий вакиллари ўртасида Марокашнинг Работ шаҳрида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми имзоланди ва мазкур кафедра ўзининг фаолиятини 2018 йилдан эътиборан бошлади. Имзоланган ҳужжатга кўра, Ўзбекистон халқаро ислом академияси Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти қошидаги Ислом дунёси университетлари федерациясига аъзо бўлди.

ИХТ ТИВК раислиги давомида Ўзбекистон ИХТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил ва доимий комиссиясининг (ИХМДК) 2016 йил 27 ноябрь – 1 декабрь ва 2017 йил 7-11 май кунлари Жиддада бўлиб ўтган навбатдаги 10- ва 11-сессияларида иштирок этиб келди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Х.Саидов 2018-2021 йиллар давомида ИХТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Доимий қўмитаси аъзоси ва кейинчалик раиси сифатида фаолият кўрсатди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази делегацияси ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича декларацияси лойиҳасининг муҳокамасида фаол иштирок этди<sup>13</sup>.

2019 йил 7-8 октябрь кунлари ИХТ ИХМДКнинг “Тинчликсевар, демократик жамиятлар барпо этиш ва барқарор ривожланиш йўлида ёшлар ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг аҳамияти” мавзусидаги 6-йиллик семинари

ташкил этилди. Унинг якуний ҳужжати сифатида “Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларда ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Тошкент декларацияси қабул қилинди<sup>14</sup>. Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Маданият вазирлари томонидан 2020 йил Бухоро шаҳри “ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Ислом тараққиёт банки (ИТБ) доирасидаги ҳамкорлиги ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ташкилотга 2003 йилда тўлақонли аъзо бўлиб кирган.

ИТБнинг Ўзбекистондаги фаолиятининг асосий йўналишлари йирик инфратузилма ва иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштиришдир. Ислом тараққиёт банки томонидан 2017 йилда эълон қилинган ҳисоботга кўра, банк томонидан Ўзбекистонга турли соҳаларда 1858,6 млн АҚШ доллари ҳажмида маблағ киритилган. 2018 йилнинг 18 сентябрь куни Ислом тараққиёт банки ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида 2018-2021 йиллар давомида 1,3 млрд АҚШ доллари ажратилиши кўзда тутилган ҳамкорлик стратегияси имзоланган<sup>15</sup>.

Ўзбекистоннинг ИТБ билан ҳамкорлиги Араб мувофиқлаштирувчи гуруҳи доирасида ҳам фаол амалга оширилмоқда. Араб мувофиқлаштирувчи гуруҳи таркибига Ислом тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси, Қувейт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси, Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилотининг (ОПЕС) Халқаро тараққиёт жамғармаси, Абу Даби тараққиёт жамғармаси қиради.

Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Ҳаракатлар режаси (“йўл харитаси”) тасдиқланган<sup>16</sup>. Мазкур “йўл харитаси”га мувофиқ Ўзбекистон билан ИТБ ўртасида жами 2 млрд АҚШ долларида ортиқ инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

<sup>13</sup> 2019 йилнинг 6-7 ноябрь кунлари Жидда шаҳрида (Саудия Арабистони) ИХТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича декларацияси лойиҳасини муҳокама қилиш учун ҳукуматлараро ишчи гуруҳининг учинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

<sup>14</sup> Ахмадов О. Ўзбекистон ва ИХТ: серқирра муносабатларнинг ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорликнинг ривожланиш тенденциялари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. Илмий-маърифий журнал. – Тошкент: 2021. – №.4 (92). – 35-б.

<sup>15</sup> Мирҳамидова М. Ўзбекистон Республикасининг Форс кўрфазини мамлакатлари билан халқаро-ҳуқуқий муносабатларининг ривожланиши //Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: ЖИДУ, 2021. – 16-б.

<sup>16</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 428-сон қарори // 23.05.2019 й. / <https://lex.uz/docs/4351726>.

Хулоса қилиб айтганда, ислом халқаро ташкилотлари – мусулмон давлатлари ва мамлакатларининг исломий-диний кадрятлар асосида таъсис этилган уюшмаларидир. Улар ҳозирги замон халқаро алоқалар тизимида инкор этилмас роль ўйнамоқда. Ислмо халқаро ташкилотлари халқаро ҳуқуқнинг нисбатан ёш ва динамик субъектлари ҳисобланади.

**Биринчидан**, улар ўзаро бир-бири билан боғланиб кетган халқаро институционал тизимни ташкил этади. Ислмо халқаро ташкилотлари аъзолик ва ҳудудий камров нуктаи назаридан ўзаро ча-тишиб, ягона интеграциялашган тизимга айланиб бормоқда. Мазкур ташкилотларнинг мақсад ва вазибаларидаги кесиммалар уларнинг фаолиятларини янада яқинлаштиради ҳамда ягона мақсад томон йўналтириб, функционал тизимлаштириш имконини беради.

Охирги пайтларда ислом халқаро ташкилотлари доирасида халқаро ҳамкорликнинг кучайиб бораётганлиги ислом халқаро ҳуқуқи объектнинг кўламини янада кенгайтирмоқда. Ушбу ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш ва бошқаришга қаратилган нормалар йиғиндиси ислом халқаро ташкилотларининг институционал ҳуқуқини вужудга келтириши мумкин. Бугунги кунда амал қилиб келаётган “БМТ ҳуқуқи”, “Европа Иттифоқи ҳуқуқи” каби “Ислмо ташкилотлари ҳуқуқи” ҳам глобал институционал бошқарув тизимидан жой олишга ҳақлидир.

**Иккинчидан**, ислом халқаро ташкилотларининг фаолиятида гуманитар йўналиш устуворлик касб этади. Шу мақсадда 2017 йилнинг 9-10 октябрь кунлари Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ИХТнинг “Илм, фан ва технологиялар” номли биринчи саммити ташкил этилган. Унда нутқ сўзлаган Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев илм-фан ва технологиялар соҳасида мусулмон мамлакатлари орқада қолаётганини ҳақли равишда қайд этган эди: “Масалан, аъзо давлатларнинг фақатгина 11 та олий таълим муассасаси жаҳоннинг 500 та энг яхши университети рейтингидан ўрин олган, холос. Ёки 2015 йилда дунё бўйича патент олиш

борасидаги мурожаатларда бу мамлакатларнинг ҳиссаси атиги биру ўндан тўққиз фоизни ташкил этган. Ташкилотга аъзо давлатларда 2016 йилда эълон қилинган илмий мақолаларнинг қарийб 80 фоизи 7 та давлат ҳиссасига тўғри келган”<sup>17</sup>.

Шунингдек, саммитда бой табиий ресурслар ва молиявий имкониятларга қарамасдан, мусулмон мамлакатларининг аксарияти иқтисодиётга инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишда фаол эмаслиги, бу бўйича фундаментал илм-фанни ривожлантириш ва замонамизнинг энг муҳим муаммоларига илмий ечим излашга қаратилган ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши Ислмо дунёсининг илмий-технологик салоҳиятини оширишга мустаҳкам замин яратиши таъкидлаб ўтилган эди.

**Учинчидан**, ислом халқаро ташкилотлари халқаро норма ижодкорлиги жараёнининг фаол иштирокчилари ҳисобланади. Айниқса, Ислмо ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) дин ва диний эътиқодни камситиш ва ҳақоратлашга қаратилган хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ва бунинг учун жиний жавобгарликка тортиш бўйича бир қатор халқаро-ҳуқуқий ташаббусларни илгари сурмоқда. Хусусан, ИХТнинг ташаббуси билан БМТ Инсон ҳуқуқлари Кенгаши томонидан дин ва диний эътиқодни ҳақоратлашга қарши 3 та резолюция қабул қилинган<sup>18</sup>. Кўриниб турибдики, ислом ташкилотларининг кенг камровли фаолияти ва улар доирасидаги халқаро ҳамкорликнинг кенгайиб бораётганлиги ҳам халқаро-ҳуқуқий муносабатларда ислом халқаро ташкилотларининг аҳамиятини оширмоқда.

**Тўртинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг ислом халқаро ташкилотлари доирасида мусулмон мамлакатлари, айниқса, араб давлатлари билан алоқаларида исломий кадрятлар муҳим аҳамият касб этади. Умумий кадрятлар негизида улар билан сармоялар, савдо-иқтисодий алоқалар, транспорт ва инновацион технологиялар, фан ва маданият ҳамда туризм соҳаларида икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш миллий манфаатларимизга тўлиқ мос келади.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислмо ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқи: <http://uz.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-islo-10-09-2017>.

<sup>18</sup> Қаранг: Resolution 7/19, Combating Defamation of Religions, Doc. A/HRC/7/L.11, 28 March 2008; Resolution amending the mandate of the Special Rapporteur on the Promotion and Protection of the Right to Freedom of Opinion and Expression to report also on instances in which abuse of the right to freedom of expression constitutes an act of racial or religious discrimination (Resolution 7/36, Mandate of the Special Rapporteur on the Promotion and Protection of the Right to Freedom of Opinion and Expression, Doc. A/HRC/7/L.11/Add.1, 28 March 2008); Human Rights Council Resolution on Combating Intolerance, Discrimination, and Violence Based on Religion or Belief (A/HRC/Res 16/18, 12 April 2011).

## РУСТАМ ТУРСУНОВ: “ИНСОНПАРВАРЛИК ВА ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ”

ИИВ Жазони ижро этиш департаменти бошлиғи полковник Рустам Турсунов билан сўнги беш йилда жазони ижро этиш тизимида амалга оширилган ислохотлар, жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлаш мақсадида бажарилган амалий ишлар, маҳкумлар ўз ҳуқуқларидан фойдаланишлари учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида суҳбатлашдик.

**– Сўнги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларда демократик ислохотлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Мазкур жараёнлар жазони ижро этиш тизимида қай даражада ўз аксини топмоқда?**

– Давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати аҳолининг барча тоифаларини камраб оляпти. Жумладан, жазо муддатини ўтаётган шахсларга нисбатан муносабатда ҳам ижобий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Аввало, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни жазолаш эмас, балки тарбиялаш устувор мақсадга айланди.

Қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган, хатосини англаб етган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган маҳкумларни афв этиш, уларга ҳаётларини янгидан бошлаш имкониятини тақдим этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонлари билан 5 352 нафар шахснинг афв этилгани фикримизнинг далилидир. Афв этилганларнинг 1816 нафари тақиқланган ташкилотлар фаолиятида иштирок этганлар, 398 нафари аёллар,

220 нафари чет эл фуқаролари, 163 нафари 60 ёшдан ошган кексалардан иборат.

Эътиборга молик яна бир жиҳат шундаки, сўнги йилларда мамлакатимизда озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига қамоқ билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо чораларини қўллаш амалиёти кўпайди.

Бунинг натижасида 4 та ёпиқ турдаги колониялар, Қорақалпоғистон Республикасидаги 19-сон, Навоий вилоятидаги 36-сон, Қашқадарё вилоятидаги 33-сон ва Тошкент вилоятидаги 65-сон умумий тартибли колониялар тугатилди.

Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларининг инфраструктурасини халқаро стандартларга мослаштириш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Масалан, Тошкент шаҳридаги 1-сонли тергов хибсхонаси – халқона тилда айтганда “Тоштурма”нинг 1891 йилда қурилган эски биноси ўрнига Тошкент вилояти Зангиота туманида халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган замонавий бино қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Жазони ижро этиш тизими фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида сўнги беш йилда

3 та қонун, Президентимизнинг 6 та қарори, 1 та фармони, Ҳукуматнинг 10 та қарор ва фармойишлари, 15 та идоравий ва идоралараро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Натижада жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари доираси кенгайди.

Айниқса, БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциясига асосан қабул қилинган “Жазо муддатини ўтаётган шахслар билан муомала қилишнинг минимал стандартлари қоидалари” (Нельсон Мандела қоидалари) миллий қонунчилигимизга татбиқ қилиниши муҳим воқеа бўлди. Бу орқали маҳкумларнинг шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлаш, уларга нисбатан қийноқлар ва шафқатсиз жазо турлари қўлланилишининг олдини олишда салмоқли қадам ташланди.

Ишонч билан айта оламани, инсонпарварлик ва демократик тамойиллар бугунги кунда фаолиятимизнинг бош мезони саналади.

**– Охириги беш йилда қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар орқали жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган шахсларга айна қандай ҳуқуқ ва имтиёзлар берилди?**

– Аввало, ижтимоий хавфи қатта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этиб, жазо муддатини ўтаётган шахсларга 2019 йилдан бошлаб илк маротаба сайлаш ҳуқуқи берилганини эътироф этмоқчиман. Шунингдек, шошилиш тиббий ёрдамга муҳтож жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий муассасаларига жойлаштирилиши, манзил-колонияларда жазо муддатини ўтаётганларнинг эса пенсия олиш ҳуқуқлари қонун билан белгиланди.

Жиноят-ижроия кодексига жазо муддатини ўтаётган шахсларни рағбатлантириш чораларини қўллаш тартибини белгиловчи янги норма киритилди. Маҳкумларнинг жазо муддатини ўташ давомида шахсий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чоралар кенгайтирилди.

Умумий, қаттиқ, махсус, турма тартибли ва тарбия муассасаларида сақланаётган шахсларнинг яқин қариндошлари билан телефон сўзлашувлари, учрашувлари ва жўнатма қабул қилишлари сони қарийб икки баробарга кўпайтирилди. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг розилиги билан уларга психологик ёрдам кўрсатилиши ҳамда руҳий ҳолати бузилган вақтда содир

этан тартиббузарлиги учун интизомий жазо чоралари қўлланилмаслиги кафолатланди.

Маҳкумларнинг илтимосига кўра узоқ муддатли учрашув қисқа муддатли учрашувга ёки масофали видео-учрашувга ёхуд телефон орқали сўзлашувга, қисқа муддатли учрашув эса масофали видео-учрашувга ёки телефон орқали сўзлашувга алмаштирилиши йўлга қўйилди.

Жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг олис масофадан келувчи яқин қариндошларига қулайлик яратиш мақсадида масофали учрашув хоналари тайёрланди.

Вояга етмаган тарбияланувчиларнинг ота-оналари билан учрашувларига бўлган чекловлар қонун билан бекор қилинди. Маҳкумларнинг вояга етмаган фарзандлари билан учрашувларининг алоҳида тартиби белгиланди.

Айниқса, жазо муддатини ўтаётган кам таъминланган оила вакили юқори ҳақ тўланадиган ишларга жалб этилиши йўлга қўйилгани диққатга сазовор.

Тан олиш керак, илгари маҳкумларга билим бериш, уларга касб-ҳунар ўргатишга унчалик эътибор қаратилмас эди. Эндиликда, жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг таълим олиши учун керакли имкониятлар яратилиб, уларни ўқитиш йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида Халқ таълими вазирлигининг 6 та умумтаълим мактаблари филиалида 270 нафар, шунингдек, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфидаги 4 та касб-ҳунар таълими марказларида 814 нафар жазо муддатини ўтаётган шахслар таҳсил олмақда.

Бу хайрли ташаббуслар натижасида, биргина ўтган йилнинг ўзида 24-сонли тарбия колониясидан озодликка чиққанларнинг 8 нафари нуфузли олий таълим муассасаларига ўқишга кирди. Улар орасида халқаро миқёсдаги олий таълим муассасаларига кирганлари ҳам бор.

**– Жазо муддатини ўтаётган шахсларни сақлаш шароитларининг шаффоқлигини таъминлаш ҳамда қийноқ ва жисмоний тазйиқ ўтказиш билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тизимда қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

– Мухтарам Президентимиз томонидан 2021 йил 26 июнда “Қийноққа солиш ҳолатларини

аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Ушбу қарор жазони ижро этиш тизимида инсонпарварлик таъминлиги риоя этилишида, қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизими самарадорлигини оширишда катта аҳамият касб этади. Унга мувофиқ, Омбудсман хузурида қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди. Жамоатчилик гуруҳларига ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда қийноққа солишнинг олдини олиш бўйича мониторинг ташрифларини мунтазам равишда амалга ошириш, маҳкумлар сақланадиган жойлардаги шарт-шароитларни ўрганиш, қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда уларни тезкор бартараф этиш бўйича талабномаларни тегишли давлат органига тақдим қилиш каби вазифалар юклатилди.

Шунингдек, барча жазони ижро этиш колонияларида Омбудсманга, прокурорга мурожаат йўллаш, ариза ва шикоятлар қолдириш учун мўлжалланган алоҳида почта қутилари ўрнатилган.

Қонунларга риоя этилиши прокуратура идоралари ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан мунтазам равишда мониторинг қилиб борилмоқда. Жумладан, 2021 йилда жазони ижро этиш муассасаларида 127 маротаба Омбудсман вакилларининг ташрифи учун шароитлар яратилди.

Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан қийноққа солишга қарши курашиш бўйича жазони ижро этиш тизимида хизмат қилаётган ходимлар ўқитилмоқда.

Маҳкумларни сақлаш шароитлари шаффофлигини таъминлаш ҳамда уларга нисбатан турли тартиббузарликлар, қийноқ ва носамимий муносабатда бўлиш каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида жазони ижро этиш муассасалари 4 мингга яқин замонавий видеокузатув мосламалари билан жиҳозланди.

Тергов ҳаракатларини ўтказиш вақтида тазйиқ ва мажбурлашларнинг олдини олиш учун тергов ҳибсхоналарининг тегишли хоналарига 123 та овоз ёзиш имкониятига эга бўлган видеокузатув мосламалари ўрнатилди.

Адвокатлар ўз ҳимоясидаги шахслар билан аудио ва видео кузатув қурилмалари бўлмаган

махсус хоналарда ҳамда бегона шахсларнинг иштирокисиз ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз учрашишини таъминлаш, бунда адвокат ва ҳимоя остидаги шахсларнинг суҳбатини учинчи шахслар эшитишини истисно этган ҳолда уларни визуал кўриб туриш имкониятига эга 69 та адвокатлар хоналари жазони ижро этиш муассасаларида ташкил этилди.

Шунингдек, ҳимоя остидаги шахслар билан учрашиш жараёнида адвокатлар томонидан электрон воситалардан (мобил телефон, фотоаппарат ва диктофон) фойдаланишга рухсат берилди.

Адвокатлар томонидан ўз ҳимоясидаги шахслар билан учрашиш учун адвокатлик гувоҳномаси ва муайян ишни юритиш учун ордердан ташқари, қонунда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни тақдим қилиш талаби бекор қилинди.

Жазони ижро этиш департаменти тизимидаги барча тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахслар тергов ҳаракатларини ўтказиш учун олиб чиқишдан олдин ҳамда олиб келинганидан кейин тиббий кўрикдан ўтказилиши, ҳар қандай жароҳатлар аниқланганда махсус дафтарларга қайд этилиши ва тегишли органларга хабарномалар юборилиши ташкиллаштирилди.

Умуман олганда, миллий қонунчилигимизда қийноқларнинг олдини олишнинг ҳуқуқий кафолатлари кучайтирилмоқда.

**– Баъзан ижтимоий тармоқларда диний ёки сиёсий жиноят содир этган маҳкумларнинг ҳуқуқлари чеклангани, жумладан улар диний расм-русумларни бажаришлари учун тўсиқлар мавжудлиги ҳақида турли хил хабарлар тарқалади. Бу борада нима дея оласиз?**

– Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 12-моддасига асосан, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи тўлиқ таъминланади. Улар ҳар қандай динга эътиқод қилишга ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликка ҳақли.

Маҳкумларга диний расм-русумларни адо этишга, ибодат учун керакли нарсалардан ва диний адабиётлардан фойдаланишга рухсат этилади.

Бугунги кунда жазони ижро этиш муассасалари кутубхоналарида 18 361 дона диний адабиётлар, шундан 717 та Қуръон, 16 937 та исломга оид китоблар, 201 та Инжил ва 506 та бошқа динга оид китоблар мавжуд.



Диний расм-русумларни адо этиш ихтиёрий бўлиб, бу жараён жазони ижро этувчи муассасанинг ички тартиб қоидаларини бузмаслиги ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини камситмаслиги лозим.

Шунингдек, маҳкумлар ҳузурига, уларнинг илтимосига кўра, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган диний бирлашмаларнинг руҳонийлари таклиф этилади ва диний уламолар билан учрашувлар ташкил этиб борилади.

Жазо муддатини ўтаётган диний ва сиёсий маҳкумларни ахлоқан қайта тарбиялаш мақсадида маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва жамоатчилик ташкилотлари, жумладан Диний идора, Ёшлар ишлари агентлиги, “Нуроний” жамғармаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда 344 мартаба профилактик тадбирлар ўтказилди.

Миллий қонунчилигимизда маҳкумларни диний ва сиёсий ёки бошқа тоифага ажратиш деган тушунча йўқ. Барча жазо муддатини ўтаётган шахслар Жиноят-ижроия кодексига мувофиқ бир хил шарт-шароитларда сақланиб, суднинг ҳукмида белгиланган тартибли муассасаларда жазо муддатини ўтайди.

Умуман олганда, маҳкумларнинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар ҳуқуқлари камситилишига йўл қўйилмайди, бунинг учун жиноий жавобгарлик мавжуд.

**– Навбатдаги саволимиз жазони ижро этиш тизимини рақамлаштириш тўғрисида. Ушбу йўналишда қандай ишлар бажарилмоқда?**

– Соҳада инсон омилини истисно этиш ва жазони ўташ тартиботини таъминлаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2021 йил 2 апрелдаги, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги қарорларига асосан жазони ижро этиш тизимига рақамли технологиялар жорий этилмоқда.

Ҳозирда жазони ижро этиш муассасаларига 1 833 дона интерактив видеокузатув мосламаларини ўрнатиш, ходимларни 642 та видеорегистратор (“body camera”) ёрдамида хизмат ўташини жорий этиш, маҳкумларни кузатув ва назорат амалиётига 9 043 та интеллектуал (“Smart”) камералар тизи-

мини татбиқ қилиш борасида тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунга қадар Тошкент вилоятидаги 13-сон жазони ижро этиш колониясига 523 дона интеллектуал камералар ўрнатилиши таъминланди.

Шунингдек, 42-сон манзил-колониясида 4 та “Назорат текширув” интеллектуал видеокузатув терминаллари ўрнатилиб, синовдан ўтказилмоқда.

Маҳкумларнинг яқин қариндошлари ҳамда адвокатлари билан онлайн учрашувларни йўлга қўйиш борасида ҳам жазони ижро этиш муассасалари керакли жиҳозлар билан таъминланмоқда.

**– Суҳбатимиз аввалида жазони ижро этиш муассасаларининг мақсади жазолаш эмас, балки тарбиялаш эканини таъкидладингиз. Бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

– Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг айримлари қасддан, такроран жиноят содир этган бўлса, баъзилар билиб-билмай, эҳтиётсизлик оқибатида ёки бошқа сабабларда жиноят содир этган. Бизнинг асосий мақсадимиз, улар содир этган қилмишининг оқибатларини англаб етиши ва қилмишидан пушаймон бўлиши, маънан юксалишига кўмаклашиш. Тарбиявий ишларни олиб бориш жараёнида улар озодликка чиққанидан сўнг, жамиятда ўз ўрнини топишларига эътибор қаратилади. Шу боис тадбиркорлар, банк тизими ходимлари, иқтисодчилар ва бошқа соҳа вакиллари билан учрашувлар ўтказиб бориладик, маҳкумлар озодликка чиққанида ўз йўлларини топиб олишга қийналишмасин. Масалан, ишга жойлашиш учун қаерга мурожаат қилиниши, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлса, қандай имтиёзлар берилиши, қайси ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинса, самарали натижага эришиш мумкинлиги каби масалалар бўйича чуқур тушунчалар бериб борилади.

Энг муҳими улар озодликка чиққандан сўнг ўз фаолияти билан жамиятга наф келтириши керак. Бугунги кунда колониядан озодликка чиқиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган, кўплаб иш ўринлари яратиб, одамларга фойдаси тегаётганлар ҳам талайгина.

Қолаверса, жиноятларнинг аксарияти бекорчиликдан келиб чиқишини инобатга олсак, қўлида тайинли ҳунари бўлмаган, шу чоққача бирор касбни эгалламаган шахслар бор. Уларга фойдали ҳу-

нарлар ўргатиш билан бир қаторда, бу хунари билан келажакда қайси ташкилотларда ишлаши, қандай даромад топиши мумкинлиги ҳақида ҳам тушунча берилади. Колонияда маҳбуслар меҳнатига ҳақ тўланади ва бу орқали улар ҳалол меҳнатнинг мева-си тотли бўлишини ҳис этишади. Шунингдек, Му-сулмонлар идораси вакиллари билан ўтказилаётган давра суҳбатларида, ҳалоллик, меҳнатсеварликнинг аҳамияти, пешона тери билан рўзғор тебратишнинг савоби ҳақида тушунчалар бериб борилмоқда.

Бугунги кунда жазо муддатини ўтаётган шахсларга меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларни ўргатиш, уларнинг касбий маҳоратла-рини ошириш, бўш вақтларини самарали ўтказиш ва ўз меҳнатлари билан оиласига ёрдам беришлар-ини таъминлаш мақсадида муассасаларда ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 29 январ-да қабул қилинган “Озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг меҳнат билан бандлигини таъмин-лаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-да”ги қарори билан ишлаб чиқариш қувватларини кенг миқёсда янгилаш ва модернизация қилиш, инновацион технологияларни жорий этиш орқали фаолиятни ривожлантириш, қўшимча иш ўринла-ри яратишга янада кенг йўл очилди.

Шунингдек, 2019 йил 25 февраль куни жа-зони ижро этиш муассасаларида “Уста-шогирд” мактаблари фаолиятини жорий этиш юзасидан “Хунарманд” уюшмаси, Ички ишлар ҳамда Банд-лик ва меҳнат муносабатлари вазирликларининг қўшма қарори тасдиқланди.

2022 йилга қадар жазо муддатини ўтаётган ўт-тиз ёшгача бўлган маҳкумлар орасидан “Уста-шо-гирд” мактабини тамомлаган 1 008 нафар ёш маҳкумларга “Хунарманд” уюшмаси томонидан сертификатлар берилди.

Айниқса, бирор хунарни пухта эгаллаб, тегишли сертификатни қўлга киритган шахслар-га шогирдлар бириктирилаётгани, маҳкумларга устозлик шарафини ҳис эттиради. Бу туйғу ҳам инсоннинг эзгулик сари қадам ташлашига, бошқа-ларга яхшилик қилиш лаззатини қалбан ҳис эти-шига замин яратади.

Бундан ташқари, жазо муддатини ўтаётган шахсларни интизомли ва қонунга итоаткор руҳда ахлоқан қайта тарбиялаш, уларнинг бўш вақтлари-ни унумли тарзда банд этиш, шунингдек маҳкум-лар эътиборини доимий равишда маълум мақсад-

ларга йўналтириш, маънавий-маърифий ишлар самараси ва таъсирчанлигини ошириш, кўлами ва миқёсини янада кенгайтириш, жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар, аввало, ёшлар қалбида амал-га оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳисси-ни кучайтириш мақсадида муассасалар ички кун тартиби талабларидан келиб чиққан ҳолда омма-вий тарбиявий-профилактик тадбирлар ҳафта да-вомида амалга оширилиши йўлга қўйилган.

Масалан, душанба – янги Ўзбекистон куни доирасида, демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинлик-лари борасида жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари ҳақида маълумотлар бе-рилмоқда. Шу билан бирга ривожланиб бораётган мамлакатимизда эришилаётган ютуқлар, халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиш беришда амалга оширилаётган ислохотлар бўйича маҳкум-ларга тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Сешанба – ижтимоий ислохотлар кунини эса халқ фаровонлиги, одамларнинг ҳаёт даражаси ҳар томонлама юксалиб бораётгани, янги иш ўрин-лари, даромад манбалари яратилаётгани ҳақида тушунтирилади. Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш, қишлоқ ва шаҳарларимизни обод қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар эътироф этилиб, бу жараёнларга ҳар бир фуқаро муносиб ҳисса қўшиши уқтирилади. Ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг мутлақо янги ва ўзига хос тизими яратилгани, ёрдам ва қўмакка муҳтож ҳар бир оила ва фуқаронинг, хотин-қизлар ва ёшларнинг муаммолари самарали ҳал этилаётгани маҳкумларга содда ва қизиқарли тарзда тушунти-рилади. Бу орқали уларда ватанпарварлик туйғула-рини юксалтиришга ҳаракат қиламиз.

Ҳафтанинг ҳар чоршанба куни эса иқтисо-дий тараққиёт куни этиб белгиланган. Унда янги Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошли-гини ошириш, мамлакатимиз хомашё ва қазилма бойликларидан самарали фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида кенг тушун-тириш ишлари олиб борилади.

Жазо муддатини ўтаётган шахсларни қизиқти-радиган мавзулардан яна бири – бу тадбиркорлик-дир. Шунинг учун пайшанба кунида тадбиркор-ликка бағишланган суҳбатлар ташкил этилади.

Яъни ушбу соҳани ривожлантириш орқали қанчадан-қанча инсонлар иш ўрни билан таъ-минланиши, оилалар даромадини оширишга эри-шилиши, Ўзбекистонда кичик ва хусусий бизнес субъектларига яратилаётган имконият ва имтиёз-

лар тилга олинади. Бу эса келажакда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган маҳкумлар учун муҳим ҳисобланади. Малакали соҳа мутахассислари жалб этилиб, бизнес лойиҳалар тузиш ҳақида тушунтириш берилаётгани, айниқса, фойдали ва самарали бўляпти.

Шунингдек, жума – аграр ислоҳатлар, шанба – аҳоли саломатлиги, якшанба – маънавият, маърифат ва маданият куни этиб белгиланган. Айни мавзуларда ташкил этилаётган тадбирлар ҳам маҳкумларнинг билимларини бойитишга, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қиляпти.

Мазкур маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишда Ўзбекистон Мусулмонлари идораси вакиллари, тиббиёт ходимлари, профессор-ўқитувчилар, банк мутахассислари, тадбиркорлар, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Давлатимиз раҳбари барча давлат идоралари олдига, энг аввало, фуқароларни рози қилиш, халқнинг ичига кириб бориш орқали муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш вазифасини қўймоқда. Биз ҳам бу вазифаларга сидқидилдан ёндашиб, жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг мавжуд муаммоларини ўрганиш ва ижобий ҳал қилиш чораларини кўряпмиз. Хусусан, Жазони ижро этиш департаменти масъул раҳбар ходимлари томонидан сайёр қабуллар ўтказилиши йўлга қўйилган бўлиб, маҳкумларнинг муаммолари ҳал этилишида амалий ёрдам кўрсатилляпти.

Бир жиҳатни тўғри тушунишимиз керак, озодликда юрган шахснинг дабдурустдан озодликдан маҳрум этилиши, оиласи ва яқинларидан узокда бўлиши айримларнинг руҳиятига салбий таъсир этиши мумкин. Шуни инобатга олган ҳолда, ҳар бир муассасада психологлар фаолияти йўлга қўйилган. Улар маҳкумларни руҳий тушқунликдан чиқариш, руҳий ҳолатини ўрганиб, стресс ва бошқа омилларни бартараф қилиш каби вазифалар билан шуғулланишади. Келажакка умид, ўзига ишонч уйғотувчи маслаҳатлар бериб, тренинглар ўтказишади.

Замон шиддат билан ривожланиб борапти. Бу эса ҳар биримиздан мунтазам изланишни, янги ташаббусларни илгари суришни талаб этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг олдимизга қўяётган вазифалари ҳам янгилик яратиш, янгиликка интилиш бўлмоқда. Биз ҳам, ўз навбатида, бу каби ислоҳатлар жараёнида, доимо олға интилишимиз, замон билан ҳамнафас бўлмоғимиз лозим.

### **– Рустам Раҳмонович, тизимда келгусида қандай вазифалар амалга оширилиши режалаштирилган?**

– Жазони ижро этиш тизимида келгусида бир қатор вазифаларни амалга оширишни режалаштирганмиз. Жумладан, маҳкумларнинг “электрон назорати”ни таъминловчи ахборот технологияларини тизимда тўлиқ жорий этган ҳолда, жазони ижро этиш муассасалари фаолияти босқичма-босқич рақамлаштириб борилади. Масалан, ходимларни видеорегистраторлар билан таъминлаш, жазони ижро этиш муассасаларида интеллектуал камералар тизимини жорий этиш, назорат ўтиш жойларида бодисканерлар ўрнатиш ишлари давом эттирилади.

Жазони ижро этиш тизимидаги ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида, ички имкониятдан фойдаланиш билан бир қаторда, давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида тадбиркорларни ҳам кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилади.

Жазо муддатини ўтаётган шахсларни қайта тарбиялаш ва озодликка тайёрлаш мақсадида буғунги замон талаблари асосида ўтказилаётган профилактик тадбирлар изчил давом эттирилади.

Шунингдек, жазонинг ўталмаган муддатини енгилроқ жазо билан алмаштириш ва жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги тақдимномаларни киритиш ваколати жазони ижро этиш органидан Инсонпарварлик комиссиясига ўтказилади.

Бунинг натижасида жазони ижро этиш тизими инсонпарварлик тамойилига янада мувофиқлаштирилади. Қолаверса, ҳозир манзил-колонияларда жазо ўтаётган шахсларга ўз маҳалласи назорати остида, оиласи бағрида бўлиш имконияти яратилади. Уларни иш билан таъминлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида зарур чоралар кўрилади. Бу ҳам жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчиликнинг аҳамиятини кучайтириши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, жазони ижро этиш тизими келгусида ҳам қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш йўлида фаолият юритади.

### **– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!**

**Азизбек РАМАЗОНОВ**  
суҳбатлашди

# ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ТУШУНЧАСИ

Doi: 10.54952/DHR.2022.66.78.012



**Хайриддин ФАЙЗИЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
қошидаги Юристлар малакасини ошириш  
маркази кафедра мудирини в.б., юридик фанлар  
бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистонда олиб борилаётган маъмурий ислохотлар мақсадлари доирасида давлат бошқаруви институти ва хусусан, “давлат бошқаруви органлари” тушунчасининг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган. Миллий ва хорижий давлатлар юридик адабиётларидаги асосий ёндашувларни таҳлил қилиш асосида, муаллиф “давлат бошқаруви органлари” ва “ижро ҳокимияти органлари” тушунчалари ўртасидаги муштараклик ҳамда принципиал фарқланувчи жиҳатларни белгилаб бериш зарурати мавжудлигини асослантиришга ҳаракат қилган.

**Калит сўзлар:** маъмурий ислохотларнинг мақсадлари, давлат бошқаруви, оммавий бошқарув, давлат бошқаруви органлари, ижро ҳокимияти органлари.

**Annotation.** In the article in the context of ongoing administrative reforms in Uzbekistan the peculiarities of the institute of public administration and, in particular, the concept of "public administration bodies" are considered. On the basis of analysis of the main approaches in the national and foreign legal literature, the author tries to substantiate the need to determine the commonalities and fundamental distinctive aspects between the concepts of "public administration authorities" and "executive authorities".

**Keywords:** goals of administrative reforms, public administration, public management, public administration bodies, executive authorities.

**Аннотация.** В статье в контексте осуществляемых в Узбекистане административных реформ рассматриваются особенности института государственного управления и в частности, понятие «органы государственного управления». На основе анализа основных подходов в национальной и зарубежной юридической литературы, автор пытается обосновать необходимость определения общности и принципиальных отличительных аспектов между понятиями «органы государственного управления» и «органы исполнительной власти».

**Ключевые слова:** цели административных реформ, государственное управление, публичное управление, органы государственного управления, органы исполнительной власти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 ноябрдаги фармойиши<sup>1</sup> билан 2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқишни мувофиқлаштирувчи республика комиссияси ташкил қилиниб, унинг олдида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича бир қатор муҳим вазифалар қўйилди. Республика комиссияси-

нинг асосий вазифалари қаторида давлат бошқаруви асослари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг замон талабларига мос равишда пухта ишлаб чиқи-лишни таъминлаш зарурлиги белгиланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2022 йил 28 январдаги фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида<sup>2</sup> белгиланган тегишли ислохотлар мақсадлари доирасида давлат

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши // 22.11.2021 / <https://lex.uz/docs/5738084>.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони // 28.01.2022 / <https://lex.uz/docs/5841063>.

бошқаруви органлари фаолиятини “фуқароларга хизмат қилишга йўналтириш” тамойили асосида трансформация қилиш (4-мақсад), ихчам, профессионал, адолатли, юқори натижадорликка хизмат қиладиган давлат бошқаруви тизимини жорий этиш (5-мақсад) ва давлат бошқаруви тизимида маъмурий аппаратни ихчамлаштириш ҳамда иш жараёнларини мақбуллаштириш (6-мақсад) каби вазибалар кўрсатилган.

Юқоридаги жараёнларнинг самарали амалга оширилиши кўп жиҳатдан олимлар ва амалиётчиларнинг, шу жумладан хорижий ва халқаро мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари, шунингдек халқаро стандартлар талаблари ҳам инobatга олиниши билан узвий боғлиқ. Авваламбор, ҳуқуқ назариясида давлат бошқаруви институти тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари, “давлат бошқаруви органлари” деб ном олган тузилмалар мақоми ҳамда мазмун-моҳиятини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### Давлат бошқаруви органлари – давлат бошқаруви тизимида

Давлат бошқаруви мураккаб, ҳаракатчан тизимга эга бўлиб, унинг ҳар бир элементи ижтимоий ҳаётни тартибга солишга таъсир кўрсатади. Юридик адабиётларда давлат бошқарувининг тизимлилик хусусиятига алоҳида эътибор берилган<sup>3</sup>. Миллий ва чет эл юридик адабиётида давлат бошқаруви органининг умумэтироф этилган таърифи мавжуд эмас. Жумладан, бир қатор олимлар томонидан ушбу тушунчанинг хусусиятларидан келиб чиқиб, унга муаллифлик таърифи берилган.

Масалан, миллий маъмурий ҳуқуқ соҳасида таниқли ҳуқуқшунос олим И.А. Хамедовнинг фикрича, “Давлат бошқарувига берилган барча таърифларда,

унинг асосий мазмуни – давлатнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган мақсадга мувофиқ амалий таъсир этиши экани кўрсатиб ўтилган”<sup>4</sup>.

Россиялик ҳуқуқшунос олим А.А. Гришковецнинг фикрича, “Давлат бошқаруви органи – бу норматив равишда аниқ белгиланган компетенция доирасига эга<sup>5</sup>, юридик (қонун ёки қонун ижроси юзасидан чиқарилган қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида) ва ташкилий жиҳатдан давлат аппарати тузилмасининг алоҳида қисми ҳисобланиб, қоида тариқасида, унинг компетенциясига давлат ҳокимияти ваколатлари, жумладан, бошқарувга оид ҳуқуқий ҳужжатларни чиқариш ҳамда қонунда назарда тутилган ҳолларда давлат мажбурлов чораларини қўллаш қабиларни амалга ошириш киради”<sup>6</sup>.

Шунингдек, А.А. Гришковец давлат бошқаруви органларида (ва уларнинг ваколатли мансабдор шахсларида) ваколати доирасида қонунда кўзда тутилган давлат мажбурлов чораларини қўллаш имконияти мавжудлиги – давлат бошқаруви органлари ваколатларининг муҳим ва амалий аҳамиятга молик жиҳати эканини алоҳида таъкидлаб ўтган<sup>7</sup>. Аввало, сўз маъмурий ва қисман интизомий мажбурлов ҳақида болади. Давлат бошқарувининг кенг маъносида ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қонун билан давлат мажбурловининг барча чораларини қўллаш бўйича кенг ваколатларга эга<sup>8</sup>.

Беларуслик ҳуқуқшунос олим А.Н. Крамникнинг фикрига кўра, давлат бошқаруви органи – “бу конституция, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини қондалик ва амалий ташкил этиш орқали ижроия ва маъмурий фаолиятни (ижро этувчи ҳокимият) амалга ошириш учун мўлжалланган”<sup>9</sup> давлат органи ёки ташкилотидир<sup>10</sup>.

<sup>3</sup> Қаранг: Исмоилов Н.Т., Мухамедов Ў.Х., Турсунов А.С. ва бошқ. Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Ш.Т. Икрамов ва И.А. Хамедов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 7-б.

<sup>4</sup> Ўша манба. – 8-б.

<sup>5</sup> Қайд этиш лозимки, компетенция масаласи юридик фанда муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Компетенция тушунчасига қарашлар турли-туман. Шу билан бирга, миллий маъмурий ҳуқуқ фанида давлат бошқаруви органлари компетенцияси тушунчаси етарлича ривожланмаган. Замонавий хорижий ҳуқуқшунос олимлар томонидан компетенция, асосан “...ваколатли субъектга қонун билан юкланган оммавий ишлар ҳажми” ёки “...ижроия ҳокимияти органи зиммасига ижро этувчи ҳокимият соҳасида юкланган вазифа ва функцияларни бажариш учун берилган, ўз таркибига аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятларни киритган ваколатлар тизими” сифатида таърифланади. Қаранг: Тихомиров Ю.А. Теория компетенции. – М., 2001. – С.55-56.; Алехин А.П., Кармолицкий А.А. Административное право России: Учебник. – М., 2005. – С.103.; Административное право Российской Федерации: Учебник / Под ред. Л.Л. Попова. – М., 2007. – С.74.

<sup>6</sup> Қаранг: Гришковец А.А. Органы государственного управления: сущность и компетенция // В сб. статей: Исполнительная власть: вызовы XXI века // Труды Института государства и права Российской академии наук. № 4/2015. – С. 62-63.

<sup>7</sup> Ўша манба. – С. 63.

<sup>8</sup> Ўша манба. – С. 65.

<sup>9</sup> Крамник, А.Н. Административное право Республики Беларусь. Часть 1. – Минск: Тесей, 2008. – С. 207.

<sup>10</sup> “Давлат органи” тушунчасини кўриб чиқар эканмиз, шуни ҳам таъкидлаш керакки, давлат органини тавсифлаш ва белгилашда умумий этироф қилинган асослар, белгилар, афсуски, аксарият МДХ мамлакатлари юридик фанида ҳанузгача ишлаб чиқилмаган, шу боис “давлат органи” тушунчаси адабиётларда турлича талқин қилинади. Ваҳоланки, ушбу муаммо миллий юридик фан учун ҳам долзарбдир. Юридик адабиётларда давлат органлари тушунчаси ва турлари масаласини Г.И. Петров, Н.А. Волков, П.Т. Василенков, Б.М. Габричидзе, Ю.М. Козлов, Б.М. Лазарев, Ц.А. Ямпольская, Ю.Н. Старилов ва бошқалар ўрганган.

Ўзбекистон юридик энциклопедиясида мазкур тушунчага: “Давлат бошқаруви органи – бу ҳокимият органлари тизимининг бир қисми бўлган, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш ва уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида давлат томонидан ташкил этиладиган, бошқарув ҳаракатларининг махсус шакл ва услубларидан фойдаланиб, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида бошқарув функцияларини амалга оширадиган, тегишли тузилишга, давлат ҳокимияти ваколатларига ва давлат хизматчилари штатларига эга бўлган ташкилотдир”, дея таъриф берилган<sup>11</sup>.

Бироқ ўзининг аҳамиятига қарамадан, миллий ҳуқуқшуносликда давлат бошқаруви органининг таърифи аниқланмаганлиги баробарида, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ёки давлатнинг бошқа қонун ҳужжатларида ҳам мустақамлаб қўйилмаган. Тадқиқотчи А.А. Баратов Ўзбекистонда охириги йилларда амалга оширилаётган маъмурий ислохотларнинг дастлабки натижаларини ўрганиш натижасида ижро ҳокимияти органлари тизимида кирувчи назорат органлари ҳуқуқий мақомига ҳамда уларнинг амалиётида мавжуд муаммоларга ўз муносабатини билдирган ҳолда, давлат бошқаруви органини ташкил этиш бўйича аниқ мезон ва талаблар мавжуд эмаслиги тўғрисида ўринли хулосага келган<sup>12</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрда қабул қилинган “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, шунингдек улар ҳузурида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этиладиган давлат бошқаруви тузилмалари республика давлат бошқаруви органлари жумласига кириши қайд этилган бўлсада, давлат бошқаруви органларининг таърифи берилмасдан, уларнинг рўйхати қатъий белгилаб қўйилган<sup>13</sup>.

**Фармонда республика давлат бошқаруви органларининг қуйидаги асосий вазифа ва функциялари кўрсатилган:**

• Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари

ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалда рўёбга чиқарилишини, уларнинг ижроси устидан таъсирчан назорат амалга оширилишини таъминлаш;

- ташқи ва ички сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг ташқи ва ички хавфсизлигини таъминлаш;
- мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишни ташкил қилиш, иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқариш борасидаги чоратадбирларни амалга ошириш;
- инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини, аҳолининг таълим, тиббий хизмат, ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, меҳнат бозорини тартибга солиш, ижтимоий соҳада умумдавлат бошқарув тизими фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш;
- тегишли ҳуқуқий муҳитни яратиш, лицензиялаш, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш орқали хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш;
- солиқлар, божхона тўловларини йиғиш, давлат даромадларини тақсимлаш йўли билан хазинага оид вазифаларни амалга ошириш.

Республика давлат бошқаруви органлари ушбу аниқ вазифа ва функцияларни амалга оширишда Конституция ва қонунларга мувофиқ фаолият юртиши керак<sup>14</sup>, бу эса умумий бошқарув тизими самардорлигини таъминлайди.

Маъмурий ислохотларнинг самарадорлиги қонун устуворлиги конституциявий принципини амалда таъминлаш билан бевосита боғлиқ. Шу муносабат билан, ушбу жараёнда давлат бошқаруви органлари фаолиятида қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришда жамоатчилик назоратининг яхши натижа берадиган шакллари жорий этиш ҳамда бу жараёнда оммавий ахборот воситалари иштирокини кенгайтириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

<sup>11</sup> Қаранг: Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А. Муҳитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. – Т.: Адолат, 2009. – 101-б.

<sup>12</sup> Қаранг: Баратов А.А. Ўзбекистонда назорат органлари мустақиллигини таъминлашнинг айрим муаммолари // Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг айрим масалалари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари / масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. И.Р. Астанов. – Т.: “Lesson press”, 2022. – 83-93-б.

<sup>13</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонининг 1- ва 2-бандлари ҳамда ушбу фармон иловаси // <https://lex.uz/docs/173163>.

<sup>14</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 15-модда. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 7-б.

тўғрисида”ги қарорининг айрим қоидалари этиборга олинishi муҳимдир<sup>15</sup>.

### Давлат бошқаруви органлари ва ижро ҳокимияти

Махсус адабиётларда кўп ҳолларда давлат бошқаруви органлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари<sup>16</sup> тушунчалари бир хилда таърифланади<sup>17</sup>.

Жумладан, таниқли россиялик ҳуқуқшунос олим Ю.Н. Старилов ижро этувчи ҳокимият ва давлат бошқарувини ҳамда шунга мос равишда ижро этувчи ҳокимият органи ва давлат бошқаруви органини бир хил деб кўради. Олимнинг таъкидлашича, “Ижро этувчи ҳокимият унинг органлари томонидан амалга оширилиб, улар бир вақтнинг ўзида бошқарув органлари (давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш) ҳисобланади”. Ижро этувчи ҳокимият амалда ижтимоий муносабатларга, ижро этувчи ҳокимият органлари, яъни моҳиятига кўра давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиши давлат аппаратининг махсус бўғинлари фаолияти орқали таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, Ю.Н.Старилов “ижро этувчи ҳокимият” тушунчаси “давлат бошқаруви” тушунчасига нисбатан торроқ эканини, чунки ижро этувчи ҳокимиятни давлат бошқарувидан ҳосил бўладиган фаолият сифатида кўриб чиқиш мумкинлиги ва унинг иш самарадорлиги бевосита давлат бошқаруви тизимини ташкил этиш даражасига боғлиқлигини таъкидлайди. Шунингдек, ижро этувчи ҳокимият давлат бошқаруви фаолияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш жараёнида амалга ошириладиган ваколат доираси ва хусусиятини белгилашини қайд этади<sup>18</sup>.

Россиялик ҳуқуқшунос олим А.Н. Крамник эса ижро этувчи ҳокимиятни давлат бошқарувига қараганда кенг тушунча деб ҳисоблайди, аммо айни чоғда “ижро этувчи ҳокимият ваколат доирасида эгаллик, яъни бевосита ҳокимият тариқасида хатти-ҳаракатлар, вазифаларни бажариш – муайян фаолият орқали амалга оширилади”, дея изоҳлаган ҳолда, “бу фаолият ижро этувчи хусусиятга эга бўлиб, демак давлат бошқарувидан бошқа нарса эмас”, деган хулосага келади<sup>19</sup>.

Бизнинг назаримизда, давлат бошқаруви органи қонунда белгиланган вазифаларни амалга ошириши

учун зарур компетенциялар билан “қурулланган” алоҳида субъект тури сифатида намоён бўлмоғи, шунингдек, тизимлилик нуктаи назаридан, куйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

- алоҳида ташкилий бирлик сифатида вужудга келиши;
- давлат вазифалари ва функцияларини тўлақонли амалга ошириш учун зарур компетенцияларга эга бўлиши;
- уни ташкил этган оммавий-ҳуқуқий субъект номидан ҳаракат қилиши;
- ваколатларни бериш ҳуқуқининг мавжудлиги;
- бошқарув ва назорат фаолиятини олиб бориши.

Ташкилий бирлик деганда қонун билан белгиланган тартибда ва шаклда ташкил этилиб, бошқа органлар ёки маъмурий субъектлардан ажратиб кўрсатиш имкони мавжуд бўлган давлат бошқаруви органи тушунилади. Шу билан бирга, компетенция тақсимоти ҳуқуқий нормалар фаолияти доирасини, бажарилиши лозим бўлган вазифалар, ҳуқуқ ва мажбуриятларни англатади.

### Хулоса

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида давлат бошқаруви соҳасида белгиланган вазифаларни самарали бажариш мақсадида, мамлакат ҳуқуқшунослик илмий ҳамжамияти томонидан “давлат бошқаруви органи” тушунчасига умумэтироф этилган аниқ таъриф ишлаб чиқилиши муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, адабиётларда кўп ҳолларда давлат бошқаруви органлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари тушунчаси бир хилда талқин этилишини ҳисобга олиб, фикримизча, ушбу жараёнда мазкур категориялар диалектикасидан келиб чиққан ҳолда, “давлат бошқаруви органи” ва “ижро этувчи ҳокимият органи” тушунчалари ўртасидаги муштараклик ҳамда принципиал фарқланувчи жиҳатларни белгилаш зарурати мавжуд. Аминмизки, пухта ҳуқуқий асослар билан таъминланган ислохотлар пировард натижада оммавий бошқарув соҳасида давлат функцияларини бажариш сифатига, албатта, ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

<sup>15</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори // 13.12.2019 / <https://lex.uz/ru/docs/4647329>.

<sup>16</sup> Қаранг: Административное право России: Учебник / Под ред. Н.М. Кони́на и Ю.Н. Старилова. 2-е изд. – М., 2010. – С. 198.

<sup>17</sup> Қаранг: Старилов Ю.Н. Курс общего административного права. В 3 т. Т.1. – М., 2002. – С. 195; Административное право России: Учебник / Под ред. Н.М. Кони́на и Ю.Н. Старилова. 2-е изд. – М., 2010. – С. 198; Крамник А.Н. Административное право Республики Беларусь. Ч. 1. – Минск: Тесей, 2008. – С. 207.

<sup>18</sup> Қаранг: Старилов Ю.Н. Курс общего административного права. – М., 2002. – С. 193.

<sup>19</sup> Крамник А.Н. Административное право Республики Беларусь. Часть 1. – Минск: Тесей, 2008. – С. 73.

# ЁШЛАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ – МАМЛАКАТДА ТОЛЕРАНТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ МУҲИМ ОМИЛ

Doi: 10.54952/DHR.2022.11.39.013



**Сайёра САИДОВА,**  
“Республика ёш олимлар кенгаши” нодавлат  
нотижорат ташкилоти раиси, фалсафа фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация.** Мақолада бугунги шиддат билан ўзгариб, янгиланиб бораётган дунёда ўзаро меҳр-оқибат, ишонч ва ҳамжиҳатликка асосланган толерантлик фазилатининг ўрни ва аҳамияти беқиёс экани ёритилган. Жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги муҳим экани асослантирилган. Толерантлик – бу ҳар бир муайян шахсни, унинг фикри ҳамда нуқтаи назарини, ҳар қандай бошқа маданият, дунёқараш ва эътиқодни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилишга ҳозирликни англатувчи мураккаб феномен ҳисобланади. Шунингдек, у турли миллат ва эътиқодга мансуб инсонларнинг ўзаро аҳилликда яшашга интилишини ҳам англатади.

**Калит сўзлар:** толерантлик, кўп миллатлилик, диний мурасасизлик, ижтимоий тараққиёт, маданият, фуқаролик жамияти.

**Abstract.** The article highlights the invaluable role and importance of the virtue of tolerance based on mutual kindness, trust and solidarity in today's rapidly changing and renewed world. It is argued that the socio-political activity of young people is important in ensuring interethnic harmony and religious tolerance in society. Tolerance is a complex phenomenon that means the readiness to accept each and every individual, his thoughts and views, any other culture, worldview and belief as it is. It also means that people of different nationalities and faiths strive to live in harmony with one another.

**Key words:** tolerance, multi-ethnic, religious intolerance, social development, culture, civil society.

**Аннотация.** В статье подчеркивается неопределимая роль толерантности, основанной на взаимной доброте, доверии и солидарности в современном мире. Подчеркивается, что общественно-политическая активность молодежи имеет важное значение в обеспечении межнационального согласия и религиозной толерантности в обществе.

**Ключевые слова:** толерантность, полиэтническая, религиозная нетерпимость, общественное развитие, культура, гражданское общество.

Давлат ва жамият ривожига турли омиллар билан бир қаторда, сиёсий маданият фактори ҳам муҳим роль ўйнайди. Сиёсий маданият – бу умумий маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланиб, ўзида тарихий тажриба, ижтимоий-сиёсий воқеаларни ёдда сақлашни, шунингдек сиёсий хатти-ҳаракатларга бевосита таъсир кўрсатадиган сиёсий

қадриятлар, ёндашув ва кўникмаларни камраб олади. Сиёсий маданият дунёнинг сиёсий тизимларини қиёсий таҳлил қилишга имкон берадиган амалий сиёсатшуносликнинг асосий феноменларидан биридир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарувини модернизациялаш жараёнларида



ёшлар сиёсий маданияти ва толерантлигини оширишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Мамлакатимизнинг тарихий истиқболи асосан ёшлар қатламининг қандай ижтимоий-сиёсий кадриятлар ва меъёрлар, ғоялар ва анъаналарни ўзига сингдириши билан боғлиқ ҳолда кечади. Мамлакатда фуқаролик жамияти ривожланишига, энг аввало, ёшларнинг сиёсий фаоллиги ва фаол фуқаролик позицияси орқали баҳо берилиши мумкин<sup>1</sup>.

Жамиятда ҳукмронлик қиладиган ёки муайян ижтимоий гуруҳ аъзолари орасида кенг тарқалган сиёсий онгнинг элементлари сиёсий маданиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Уларга, биринчи навбатда, жамият сиёсий ҳаётининг турли жабҳалари: сиёсий тизим, унинг алоҳида институтлари, ижтимоий-сиёсий муносабатлар ва бошқа институционал ҳамда норматив асослар киради. Барқарор сиёсий ғоялар ижтимоий-сиёсий маданиятнинг бир қисми бўлган **толерантлик маданияти**ни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Сиёсий маданият ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, сиёсий онгнинг даражаси, сиёсий мафқуранинг моҳияти, сиёсий руҳиятнинг сифат мазмуни ҳамда сиёсий хулқ-атворнинг мураккаб таркибига кирувчи толерантлик феноменини тегран равишда таҳлил қилиш керак бўлади. Чунки улар ўртасидаги диалектик бирлик сиёсий маданият амалиётининг муштарак қонунияти мазмунини ташкил этади.

Шунингдек, сиёсий маданият ижтимоий-иқтисодий тенгсизлик вужудга келиб, синфий жамият ташкил топгандан кейин шакллана бошлайди ва амал қилади. Лекин у тўла тан олинмаган ҳолда, объектив зарурият сифатида амал қилар эди. Чунки ҳар бир инсон ва бутун инсониятнинг умумий маданиятини иқтисодиётдан, сиёсий жараёнлардан, ижтимоий муносабатлардан, маънавий-ахлоқий кадриятлардан унинг туб моҳиятини ажратиб англаб бўлмайди.

Сиёсий маданият тушунчасининг ўзи анча кейин пайдо бўлди. Уни илмий муомалага XVIII асрда немис файласуфи И.Гердер олиб кирган. Замонавий сиёсатшуносликда эса “сиёсий маданият” тушунчасини дастлаб америкалик назарийчи олим Х.Фаер 1956 йилда нашр этилган “Европа-

нинг буюк давлатлари бошқарув тизими” номли китобида тилга олган. Кейинчалик Г.Алмонд ва С.Верба беш мамлакат – АҚШ, Буюк Британия, Германия, Мексика ва Италиядаги сиёсий жараёнларни таҳлил қилиб, “Фуқаролик маданияти” (1963 й.) номли китоб ёзадилар.

Сиёсий ҳиссиёт, кўникмалар, билимлар, қарашларнинг мазмуни, характери, системаси ва даражаси ҳам сиёсий маданият элементлари ҳисобланади.

Сиёсий маданиятнинг тузилиши ахлоқий баҳолар билан чекланмайди. Мазкур қоидалар мажмуаси фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарув органларига бўладиган сайловларда бевоқиф иштирокини таъминловчи ҳукумат ва сиёсий партия дастурий ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилишда; турли давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятида иштирок этишда; бошқа шаклдаги ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ҳамда сиёсий партияларга аъзо бўлиш каби кўплаб омиллар билан аниқланади.

Сиёсий маданият турли авлодларнинг ўз сиёсий кадриятлар ва идеалларини узоқ вақт давомида излаши, уларни амалда синаш ва татбиқ қилиш учун синчковлик билан танлаши натижасида пайдо бўлади<sup>2</sup>.

Толерантлик эса фақатгина назарий тушунча бўлмай, энг аввало, маълум маданият ва цивилизациянинг муҳим элементи ҳам ҳисобланади. Агарда маданият категориясида биз у ёки бу жамиятнинг тарихан шаклланган кадриятлари, анъана ва нормаларининг йиғиндисини тушунадиган бўлсак, унинг фундаментал асосини толерантлик ташкил этади. Замонавий ижтимоий-сиёсий фанларда мазкур феноменларнинг йиғиндисидан ташкил топган бир қанча илмий қарашлар мавжуд. Шулардан бири **космоцентрик** (ёки умуминсоний) **маданият**дир. Космоцентрик маданият, бошқача қилиб айтганда, умуминсоний маданият ўзида миллатлараро, динлараро ва ирқлараро бағрикенглик анъаналарини уйғунлаштиради. Замонавий Европалик олимлар А.Швейцер, Э.Фромм, Ю.Лотман ва бошқаларнинг асарларида маданият ва толерантлик “битта қушнинг икки қаноти” сифатида эътироф этилган.

<sup>1</sup> Шарифходжаев М. Формирование открытого гражданского общества в Узбекистане. – Т.: “Узбекистан”, 2002.

<sup>2</sup> Қаранг: Шерниязова Г.У. Проблемы взаимоотношения демократии и политической культуры в Республике Узбекистан: Автореф. дисс... канд. политических наук. – Т.: АГОС, 2001.

Яна бир маданий йўналиш – бу **социоцентрик маданият** ҳисобланади. Ушбу ижтимоий-маданий йўналишнинг ўзига хослиги шундаки, унга кўра борлиқнинг марказида шахс ва унинг социумда тутган ўрни туради. Мазкур ижтимоий муносабатларда индивидни “мен” ва “у” каби гуруҳларга ажратиш жараёни кечади. Бунда толерантлик омилининг шаклланиши ва ривожланиши шахсда индивидуал эгоизмнинг олдини олишга кўмак беради. Толерантлик, энг аввало, социал интегратор вазифасини бажаради<sup>3</sup>.

Толерантлик маданияти турли халқларнинг тарихий тажрибаси ва маданий хусусиятларидан келиб чиқиб турлича талқин этилади. Инглиз тилида толерантлик *“шахс ва воқеликни қаршиликсиз (эътирозсиз) қабул қилишга тайёрлик”* маъносини англатса, француз тилида *“ўзга инсонни озодлиги, унинг позицияси, ҳаракати, сиёсий ва диний қарашларини хурмат қилиш”* мазмунини билдиради. Хитой маданиятида толерант бўлиш – бу *“ўзгаларга нисбатан мурувватли ва сахий бўлиш”* ни; араб тилида эса бу сўз *“кечиримlilik, шафқат, мойиллик, марҳаматlilik, хайрихоҳлик ва чидамlilik”* кабиларни қамраб олган тушунчани; форс тилида толерантлик *“сабр-тоқат, бардош ва мурасага келиш”* маъноларини англатади<sup>4</sup>. Бу таърифлар ўша халқларнинг маданий ва ментал хусусиятларидан келиб чиққан бўлиб, шаклан турли хил бўлса-да, умумий жиҳатларга эга.

Назариётчи олимлар толерантликнинг мазмун-моҳиятини очиб беришда асосан маданий ва маънавий омилларга суянишса, амалиётда у турлича шаклда идрок этилади. Масалан, давлат органлари толерантликни, энг аввало, диний ва миллий муносабатларни тартибга солувчи мулоқот воситаси сифатида; фуқаролик жамияти институтлари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш шаклида; иқтисодиёт тузилмалари эса бизнеснинг гуманизацияси ва тараққиёт йўлидаги ижтимоий шериклик принциплари асосида қабул қилинади.

Толерантлик ёшлар дунёқараши, маданияти ва кадриятлари шаклланишида муҳим роль ўйнайди. У, энг аввало, ўзга шахсга нисбатан хур-

мат-эҳтиром туйғуларини шакллантириши билан шахсда ўз-ўзини ҳурмат қилиш принципларини ҳам ривожлантиради. Шунингдек, толерантлик шахслараро ижтимоий муносабатларнинг турли жабҳалари: ахлокий-маданий, маънавий-руҳий, сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда намоён бўлади. Улар ягона бир ғоявий бирликда – мустаҳкам ҳамкорлик, муносабатлардаги уйғунлик ва бағрикенгликда бирлашади.

Толерантлик фуқаролик жамиятининг когнитив асосларидан бири ҳисобланади. Тараққий этган ҳуқуқий маданият ва толерантликнинг шаклланиши – Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ҳамда демократик давлатчиликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартидир. Демак, ёшлар сиёсий маданиятининг конструктив ривожланишини ҳам тегишли ҳуқуқий маданиятсиз, сифат жиҳатдан янги ҳуқуқий онгсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Бу муаммолар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номи асарида ўзига хос тарзда таҳлил этилган. “Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда конун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади”<sup>5</sup>, дея таъкидланган асарда. Бу ўринда демократик институтларнинг мамлакатимизда юзага келиши қонуниятларини кўриб чиқиш асосида шундай омил ётадики, унга кўра демократиянинг самарали ривожланиши учун демократик институтларнинг юзага келиши ва оёққа туришидаги умумжаҳон тажрибасини ҳам, муайян халқда шаклланган миллий-маданий анъаналарни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Жамиятда ислоҳотларни амалга ошириш даврида сиёсий ва ҳуқуқий фаолликнинг характери ҳамда йўналганлиги алоҳида долзарблик касб этади. Ислоҳотлар даврида, уларни амалга оширишнинг муҳим босқичида аҳолининг сиёсий фаоллиги, сиёсий манфаатлари ва ҳис-туйғулари ким томонидан ва қаерга йўналтирилаётгани хал

<sup>3</sup> Жигунова Г. Толерантность как ценность гражданского общества. – “Власть”, 2010, №1. – С. 61.

<sup>4</sup> Солдатова Г.У., Шайгерова Л.А., Шарова О.Д. Жизнь в мире с собой и другими. Тренинг толерантности для подростков // <http://www.tolerance.ru/Git-v-mire.php?PrPage=Master>

<sup>5</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. – 173-б.

килувчи аҳамиятга эга бўлади. Бу ўринда, бизнинг фикримизга кўра, анъанавий маданиятнинг халқ томонидан ўзлаштирилиши ҳам муҳимдир. Анъанавий миллий қадриятлар руҳида тарбияланган ёшлар ижтимоий муаммоларга вазминлик билан ёндашади, ўзгаларга нисбатан бағрикенг муносабатда бўлиш ҳамда бузғунчи ғоялар домига тушиб қолишдан ҳимояланган бўлади.

Фуқаролар, жумладан ёшлар фаоллигининг ошиши жамиятда кўнгилчилар (волонтерлар) ҳаракати ривожига туртки беради. Бугунги кунда дунё бўйича кўнгилчилар фаолияти турли соҳаларни қамраб олиб, давлатнинг ижтимоий сиёсатида катта роль ўйнамоқда. Жумладан, кўнгилчилар:

- кам таъминланганлар, ёлғиз кексалар, оғир беморлар, ота-онасиз ва васийликсиз қолган болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш;

- гиёҳвандлик, алкоголизм ва ОИТС инфекциясига қарши курашиш ҳамда уларнинг олдини олиш;

- инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, инсон манфаатларини илгари суриш;

- моддий ва маънавий тарихий қадриятларни сақлаш, қайта тиклаш ва келажак авлодга тўлиқлигича етказиб бериш;

- ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларни (илмий, маданий-маърифий, спорт-кўнгилчор ва б.) ташкиллаштириш ва уларга фуқароларни кенгроқ жалб қилиш;

- атроф-муҳит ва экологияни асраш;

- турли низолар ва ижтимоий ихтилофлар жабрдийдаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда реабилитация қилишда фаол иштирок этиб келишмоқда<sup>6</sup>.

Ўзбекистонда волонтерлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Волонтерлик фаолияти тўғрисида”ги<sup>7</sup>, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги<sup>8</sup> қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ёшлар сиёсий маданиятнинг тарбиявий функцияси айнан шахс ва жамият манфаатларининг ўзаро ҳурмати, толерантликка асосла-

ниб қурилиши лозим. Бундай ёндашув жамиятда ёшлар ҳуқуқий мақомининг барча томонларини қамраб олиши керак. Ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар қатламининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини тадрижий равишда ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Сиёсатшунос С.Жўраев Ўзбекистонда ёшларга қаратилган давлат сиёсатининг тузилишини кўриб чиқар экан, ёшларнинг жамиятдаги ижтимоий-ҳуқуқий мақомини шакллантиришнинг қуйидаги жиҳатларини ажратиб кўрсатади:

**биринчидан**, жамиятнинг ижтимоий тузилишида ёшларга конституцияда қайд этилган алоҳида ўрин ажратилиши;

**иккинчидан**, бандлик, меҳнат ва хўжалик фаолиятида, таълим олиш, касбда такомиллашиш, малака ошириш, меҳнат фаолиятида юксалиш, маданий хизмат кўрсатишда берилган имтиёзлар ва енгилликлар тизими;

**учинчидан**, ёшлар соғлиги ва ҳаётини, моддий фаровонлиги ва турмуш кечириш муҳитини, маданий ва маънавий ўсишидаги манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳимоя қилиш механизмлари ҳамда воситалари тизими;

**тўртинчидан**, бепул тиббий, маданий, соғлиқни сақлаш, спорт ва бошқа инфратузилмалар билан таъминлаш учун давлат кафолатлари тизими;

**бешинчидан**, ёшларни қонунга зид ва аксил-конституционал сиёсий, миллатчилик, сепаратист, экстремистик ва бошқа оқимлар ҳамда ташкилотларнинг таъсиридан, бюрократизм, амалдорларнинг буйруқбозлигидан муҳофазалаш воситалари ва чоралари тизими<sup>9</sup>.

Мамлакат ижтимоий-сиёсий тизимида толерантликни мустаҳкамлаш жараёнларида ёшларнинг ўрнини эътироф этиб шуни таъкидлаш лозимки, ёшлар ташкилотларининг мавқеи ва ролини ошириб боришда хориж тажрибасини ўрганган ҳолда миллий менталитетимизга мос ёшлар ташкилотларини рағбатлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

<sup>6</sup> Саидов С.Ш. Ижтимоий капитал – фуқаролик жамиятининг муҳим мезони. – Т., 2019. – 87-88-б.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Волонтерлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни // 02.12.2019 / <https://lex.uz/docs/4623999>.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуни // 15.02.1991 / <https://lex.uz/docs/111825>.

<sup>9</sup> Жўраев С.А. Особенности формирования государственной молодежной политики Республики Узбекистан в переходный период. Теория и практика. Автореф. дисс. д-ра политических наук. – Т., 1994. – С.17-18.

Турли соҳа тадқиқотчи олимлари ёшлар фаоллиги ва маданиятига таъриф беришда жамиятда у ёки бу шаклда толерантлик омилининг шаклланишига эътибор қаратишади. Масалан, З.Ходжагельдиева шахснинг, айниқса, ёшларнинг фуқаролик фаоллиги мезонлари таркибига бағрикенглик тамойилларини киритади<sup>10</sup>. Чунки демократик ва фуқаролик жамиятини шахс фаоллигисиз куриб бўлмаганидек, шахс фаоллигини толерантлик тамойилларига амал қилмасдан шакллантириб бўлмайди.

Шунингдек, талаба ёшларда мафкуравий имунитетни шакллантиришнинг педагогик асосларини илмий тадқиқ этган З.Қосимова фикрига кўра: “Миллий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида олий таълим муассасаларининг муҳим вазибаларидан бири – талабаларни юксак ғоявийлик ва миллий истиқлол ғоясига содиқлик, ёт мафкураларга мурасимлик руҳида тарбиялашдир”<sup>11</sup>. Мазкур жараёнда эса ёшларимизда толерантлик маданияти тамойилларини шакллантириш долзарб аҳамият касб этади.

Тадқиқотчи олима М.Абдужабборова эса “жамият тарихи ҳамда тараққиётининг ҳозирги даврида барча ижтимоий синфлар, табақалар, миллатлар ва элатлар, диний эътиқодлар вакиллари бирлаштирувчи, жамият маънавиятига қарши таҳдид солувчи мафкураларга нисбатан курашга жипслаштирувчи ғоялар тизими”ни<sup>12</sup> яратиш лозимлигини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, мазкур ғоявий ва мафкуравий концептлар толерантлик маданияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ўтмишни ўрганишга, ўз тарихий илдиларимизни оидинлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Уч минг йиллик тарихимиз шундан гувохлик бермоқдаки, олийжаноблик ва инсонпарварлик, миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликка интилиш халқимизнинг энг юксак фазилатларидан ҳисобланади. Бу борадаги анъаналар авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси

кўп миллатли давлат сифатида эътироф этилган ҳолда мамлакат аҳолисининг асосий қисми ислом динига эътиқод қилади. Ислом дини – бағрикенглик динидир. Бинобарин, Куръони каримдаги бир қанча оятлар, жумладан, “Динга мажбур қилиш йўқ. Батаҳқиқ, ҳақ ботилдан ажради» (Бақара сураси, 256)<sup>13</sup> ояти ислом динининг бағрикенглик моҳиятини ифода этиб, динни мажбурлаб сингдиришга йўл қўймаслик тамойилини мустаҳкамлаб қўйган.

Диний ва миллий бағрикенглик маданияти нафақат юртимизда, балки жаҳон миқёсида ҳам тан олинган. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995 йил 16 ноябрда бўлиб ўтган XXVIII сессиясида “Бағрикенглик бўлмаса, тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди” шиори остида “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”<sup>14</sup> қабул қилиниб, ушбу декларация қабул қилинган кун 16 ноябрь – Халқаро бағрикенглик куни сифатида нишонлаб келинади.

Шуни унутмаслик керакки, қаерда миллатлараро тотувлик ғоясининг аҳамияти англаб етилмаса, жамият ҳаётида турли зиддиятлар, муаммолар ва таҳдидлар вужудга келади, улар тинчлик ва осойишталикка хавф солади. Бугунги кунда жаҳоннинг айрим минтақаларида содир бўлаётган миллий, диний ва бошқа турдаги низолар фикримизни тасдиқлайди.

Юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва дин вакиллари учун тенг имкониятлар яратиш ҳамда диний бағрикенгликни таъминлашнинг қонуний асослари миллий қонунчилигимизда мустаҳкамланган. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ўз нутқ ва маърузаларида тинчликни таъминлаш, миллатлар ва динлараро тотувлик муҳитини қўллаб-қувватлаш, дин ниқобидаги экстремизм ва терроризмга қарши аёвсиз курашиш масалаларига давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири сифатида урғу бериб келмоқда. Шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида бешинчи усту-

<sup>10</sup> Ходжагельдиева З.М. Формирование гражданской активности студентов / “Проблемы современной науки образования”, 2016.

<sup>11</sup> Қосимова З.Ҳ. Олий таълимда бўлажак кадрларни тайёрлашда инновацион педагогик технологияларни қўллаш / “Фан технологиялари”, 2017 й., №5.

<sup>12</sup> Қаранг: Абдужабборова М.Л. Сравнительный анализ по мониторингу роста и развития детей школьного возраста // “Интернаука”: электрон. научн. журн., 2018, № 43(77) // <http://internauka.org/journal/science/internauka/77>.

<sup>13</sup> Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 1-жуз. – Т.: “Hilol-Nashr”, 2019. – 253-б.

<sup>14</sup> Қаранг: Declaration of principles on tolerance: adopted by the General Conference of UNESCO at its twenty-eighth session, Paris, 16 November 1995 // <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000151830>.

вор йўналиш доирасида хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгиланди ҳамда тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида қайд этилган энг муҳим 100 мақсаддан бири сифатида ҳам белгиланди. Бу эса юртимизда миллатлараро ва диний бағрикенгликка қаратилаётган юксак эътибордан далолат беради.

Мамлакатимизнинг эътиқод эркинлиги ва миллатлараро тотувлик борасидаги халқаро ташаббуслари ҳам диққатга сазовор. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида<sup>15</sup> ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа эканлигига урғу берилиб, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси ҳамда “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли резолюциясини қабул қилиш ташаббуслари илгари сурилди. Шу асосда 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “**Маърифат ва диний бағрикенглик**” номли махсус резолюция қабул қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларда бағрикенглик фазилатини шакллантириш ва мунтазам равишда мустаҳкамлаб бориш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга.

**Биринчидан**, ижтимоий-маданий фаоллик ҳам, толерантлик ҳам инсон ташқи алоқаларининг, ижтимоий муносабатларининг инъикосидир. Ай-

нан ташқи муҳит кишининг ижтимоий муносабатлари, ижтимоий-маданий фаолияти ва толерантлиги учун умумий макон вазифасини ўтайди.

**Иккинчидан**, ижтимоий-маданий фаоллик ҳам, толерантлик ҳам инсондаги маънавий, ахлоқий, ижодий кучларга таянади. Ушбу кучлар моҳиятан инсонни янги кадриятлар, маданий-маънавий бойликлар яратишга, мавжуд кадриятлар ва анъаналарни ўзлаштиришга ундайди. Демак, ижтимоий-маданий фаоллик негизида ҳам, толерантлик негизида ҳам инсоннинг маънавий, ахлоқий кадриятларни ўзлаштириш, янги маданий-маънавий бойликлар яратиш, ижод қилиш ис-таги ва интилишлари ётади.

**Учинчидан**, толерантлик нофаоллик, бефарқлик, “сен менга тегма, мен сенга тегмайман” деган қоидага амал қилиш эмас, балки у жамият ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларга фаол муносабатда бўлиш, “цивилизациялар тўқнашуви”га қарши туриш, деструктив ҳолларнинг ёйилишига йўл қўймаслик, хуллас, инсондаги яратувчанлик ҳамда маданий тараққиётга ёрдам берувчи фазилатларни қўллаб-қувватлашдир.

**Тўртинчидан**, ижтимоий-маданий фаолият бошқа маданиятларга, ёндашишларга ижобий муносабатда бўлганда ўзини яратувчанлик хусусиятини ифода этади. Демак, толерантлик – ижтимоий-маданий фаолликнинг намоён бўлиш шартидир. Айни шу каби бағрикенглик ҳам ижтимоий-маданий фаоллик орқали позитив воқеликка айланади. Улар ўртасидаги ушбу диалектик боғлиқлик ижтимоий-маданий фаоллик ва толерантлик масалаларини умумий тадқиқ этиш имконини беради.

<sup>15</sup> Қаранг: Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади // <https://president.uz/uz/lists/view/1063>.

# ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТАРТИБОТ ВА ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ

Doi: 10.54952/DHR.2022.90.74.014



**Абдукарим ШОДИЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Академияси жиноят-ижроия ҳуқуқи  
кафедраси бошлиғи, полковник

**Аннотация.** Мақолада жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тартибот ва тарбиянинг ўрни, аҳамияти, тизимда амалга оширилган ислохотлар ҳамда маҳкумлар билан тарбиявий-профилактик ишларни ташкил этишга оид фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

**Калит сўзлар:** тартибот, тартиботни таъминлаш, тарбиявий-профилактик ишлар, жазони ижро этиш муассасаси, жазони ўташ тартиби.

**Abstract.** This article highlights a number of proposals and opinions on the organization of educational and preventive work with convicts, on the reforms carried out in the system of execution of punishment, the role and significance of the regime.

**Key words:** regime, maintenance of the regime, educational and preventive work, institutions for the execution of sentences, the procedure for serving sentences.

**Аннотация.** В данной статье освещен ряд вопросов по организации воспитательно-профилактические работы с осуждёнными, вносится ряд предложений по совершенствованию деятельности учреждений по исполнению наказаний.

**Ключевые слова:** режим, обеспечение режима, воспитательно-профилактическая работа, учреждения по исполнению наказаний, порядок отбывания наказания.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислох қилишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта турмушини таъминлаш, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат органлари фаолиятининг очиклигини ҳамда уларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада кучайтириш бўйича тизимли ишлар бажарилди.

Олиб борилаётган ислохотлар ички ишлар органлари тизимини ҳам қамраб олиб, жазони ижро

этиш муассаса ва органлари фаолияти тубдан такомиллаштирилди.

Мамлакатимизда жиноят учун жазо тайинлаш, уни ижро этиш сиёсати ҳам инсонпарварлик тамойиллари асосида ўзгарди. Жиноят қонунчилигига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари киритилди ва бу турдаги жазоларни ижро этувчи Пробация хизмати ташкил этилди. Маҳкумларнинг ҳуқуқлари кўлами кенгайтирилиб, уларни сақлаш ва озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг яшаш шароитлари халқаро стандартлар талаблари асосида янада яхшиланди, жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида жамоатчилик иштироки ва назорати, шунингдек инсонпарварлик комиссиялари фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўл-

жалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида<sup>1</sup>ги фармони<sup>1</sup> мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, шаъни ва қонуний манфаатларини таъминлашни янги босқичга олиб чиқди. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида маҳкумларнинг меҳнат қилиш, ижтимоий таъминот олиш ва халқаро эътироф этилган бошқа ҳуқуқларини таъминлаш, улар озод этилганларидан сўнг ижтимоий мослашувлари ва жамиятга реинтеграциясига кўмаклашишнинг самарали механизмларини жорий этиш, ушбу йўналишда давлат ва жамият институтларининг биргаликдаги фаолиятини йўлга қўйиш, бу борада мавжуд қонунчиликни изчил такомиллаштириб бориш, жазо тайинлаш ва уни ижро этиш тизимига инсонпарварлик тамойилини кенг татбиқ этиш, қийноқларнинг олдини олиш бўйича превентив механизмларни такомиллаштириш, жазони ижро этиш тизимига самарали амалий механизмларни, шунингдек замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан электрон ҳужжат алмашинувини йўлга қўйиш, фаолияти халқ манфаатлари, жумладан маҳкумлар кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилшга йўналтирилган жазони ижро этиш тизимининг янги қиёфасини шакллантиришга қаратилган муҳим вазифалар белгиланди.

Жиноят содир этган шахс жамиятдан бутунлай чиқариб ташланмайди. Фақат маълум бир вақт мобайнида жамиятдан ажратилиб, қайта тарбиялаб, яна жамиятга тўлақонли шахс сифатида қайтарилади.

Жиноий жазони ижро этиш тизимининг асосий вазифаси жиноят содир этган шахснинг руҳий коррекциясини тўғри шакллантириб, унинг ҳуқуқий онг ва маданиятини, фуқаролик масъулиятини ошириш, шахсни қонунларни, жамиятда ўрнатилган урф-одатларни ҳурмат қиладиган ва уларга риоя этадиган қилиб жамиятга қайтаришдан иборат. Жазони ижро этиш муассасаларида етарли даражада тартибот ва тарбиявий ишларни таъминламай туриб, тизим олдида қўйилган вазифаларни тўлақонли бажариб бўлмайди.

Тартибот бу – жиноят-ижроия қонунчилигига ва унинг асосида қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган озодликдан

маҳрум қилиш жазосини ижро этиш ва ўташ тартибидир.

Тартиботни таъминлашда маҳкумлар устидан олиб бориладиган назорат фаолияти муҳим огоҳлантирувчи функцияни бажаради. Шу асосида мониторинг таҳлиллари олиб борилади, ташкилий-амалий ва руҳий-тарбиявий тадбирларни белгилаш учун маълумотлар базаси яратилади. Назорат усуллари шартли равишда икки гуруҳга бўлинади.

**Биринчи гуруҳ – жазони ижро этиш муассасаларида йўл қўйилган ҳуқуқбузарликларни, уларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни аниқлашга қаратилган назорат усуллари.** Бу усуллар:

- маҳкумлар устидан яшаш ва иш жойларида мунтазам назорат ўрнатиш;
- сутка давомида рўйхат бўйича маҳкумларни текшириб бориш;
- тақиқланган нарса-буюмларни аниқлаш мақсадида жазони ижро этиш муассасасининг яшаш ва ишлаш ҳудудларида, алоҳида бино ва хоналарда тинтув олиб бориш, маҳкумларни шахсий тинтувдан ўтказиш;
- маҳкумларга келган жўнатма, йўқлов ва бандеролларни кўздан кечириш;
- маҳкумларнинг учрашувлари ва телефон орқали сўзлашувларини назорат қилиш;
- муассасанинг яшаш, ишлаб чиқариш ва бошқа объектларини кўриқлаш ва назорат қилиш;
- тартибот талаблари ўрнатилган ҳудудларда ва муассаса атрофида патруллик олиб бориш;
- тақиқланган нарса ва буюмлар маҳкумлар кўлига тушишининг олдини олиш мақсадида тартибот талаблари ўрнатилган жойларда автотранспорт воситалари ва фуқароларни текшириш;
- муассаса ходимлари ва маҳкумларнинг хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

**Иккинчи гуруҳ – жазони ўташ тартибини таъминлаш билан боғлиқ назорат усуллари.** Бу усуллар:

- маҳкумларнинг муассаса ички тартиб-қоидаларига амал қилишлари ва ўз мажбуриятларини бажаришларини, ўз ҳуқуқларидан фойдаланишларини таъминлаш;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони // 28.01.2022 / <https://lex.uz/docs/5841063>.

- маҳкумлар белгиланган кийимни кийишлари, кўкрак нишонлар ва фарқловчи белгиларни тақиб юришларини назорат қилиш, йўл қўйилаётган интизом ва тартиббузарликларни аниқлаш;

- ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган дастгоҳлар, хомашё ва материаллар, электроэнергиядан бошқа мақсадларда фойдаланишларнинг олдини олиш;

- интизомий жазоларни ўташ тартибини таъминлашдан иборат.

Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятининг яна бир асосий йўналиши – маҳкумларга тарбиявий таъсир кўрсатишдир. Маҳкумларга тарбиявий таъсир кўрсатиш чораларининг самардорлигини ошириш мақсадида уларни мунтазам ўқитиш, билимини ошириш, дунёқарашини шакллантириб бориш, уларнинг фикрлашлари инсонпарварлашувига ёрдам берадиган муҳит яратиш, маҳкумларни ижтимоий-руҳий, услубий ва реабилитация дастурларига, ҳар хил тўғарақлардаги машғулотларга кенг жалб этиш, шунингдек суҳбат ва тренинглар ўтказиш орқали уларда қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш туйғусини уйғотиш лозим.

Маҳкумлар билан тарбиявий-профилактик ишларни олиб боришда уларнинг шахсини, руҳий ҳолатини, содир этган жиноятини ҳисобга олган ҳолда, индивидуал тартибда чора-тадбирлар белгилаш ва амалга ошириш, ҳар ойда ўтказилган тарбиявий тадбирлар таъсирчанлигини баҳолаб бориш ва натижалари бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Жазони ижро этиш муассасаларида тарбиявий-профилактик фаолиятни тўлақонли ташкил этиш учун:

**биринчидан**, маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда вужудга келган муаммоларни барвақт аниқлаб, уларни бар-тараф этиш чораларини белгилаш;

**иккинчидан**, ҳар бир туркум кесимида криминоген вазиятнинг кунлик мониторингини олиб бориш, таҳлил қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус ва виқтимологик профилактикасига йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

**учинчидан**, тузалиш йўлига кирмаган, айниқса, ашаддий тартиббузарлар, жиноят олами одатларини тарғиб этувчи ҳар хил гуруҳлар ташкил қилишга мойил, шунингдек экстремистик ва террорчилик ташкилотларига аъзо бўлган маҳкумлар билан манзилли тезкор-профилактик ва тарбиявий чора-тадбирларни олиб бориш;

**тўртинчидан**, маҳкумларда терроризм, экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя иммунитетини шакллантириш мақсадида бу каби ғайриинсоний қилмишлар мудҳиш оқибатларни келтириб чиқариши ҳақидаги видеороликлар ва кинофильмларни намойиш этиш, диний идора вакиллари билан ҳамкорлик ўрнатиш;

**бешинчидан**, жазони ижро этиш муассасаларининг маҳкумларни тарбиялаш, қайта тарбиялаш фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, жазони ижро этиш тизимининг серқирра фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш учун қабул қилинган қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятини самарали тарғиб қилиш, маҳкумлар онгига етказиш, шунингдек жазони ижро этиш муассасаларида уларга оғишмай амал қилинишига эришиш шартдир.





# ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Doi: 10.54952/DHR.2022.41.69.015



**Шухрат АЛИЕВ,**  
Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси  
бошлиғи, полковник, юридик фанлар  
бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация.** Мақолада жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда ваколатли давлат идоралари фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг фаол ижтимоий ҳамкорлигига таяниши ёритилган. Ушбу ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари ва муҳим йўналишлари илғор хорижий тажрибалар асосида атрофлича таҳлил қилиниб, уни ташкил этишнинг ижтимоий зарурати асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноят сабаблари, фуқаролик жамияти, ижтимоий фаоллик, девиант ҳуқ-атвор.

**Abstract.** The article highlights the fact that the competent government agencies in the prevention and fight against crime rely on the active social cooperation of civil society institutions and citizens. The legal basis and important directions of this cooperation have been thoroughly analyzed on the basis of advanced foreign experience, and the social necessity of its organization has been substantiated.

**Key words:** combating crime, crime prevention, causes of crime, civil society, social activity, deviant behavior.

**Аннотация.** В статье подчеркивается тот факт, что компетентные государственные органы в области предупреждения преступности и борьбы с ней полагаются на активное социальное сотрудничество институтов гражданского общества и граждан. На основе передового зарубежного опыта тщательно проанализированы правовая основа и важные направления этого сотрудничества.

**Ключевые слова:** борьба с преступностью, профилактика правонарушений, причины преступлений, гражданское общество, социальная активность, девиантное поведение.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизми ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон кадри учун” деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юклаган.

Маълумки, жамоат хавфсизлиги – бу жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланиши-

га хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди<sup>1</sup>. Ўз навбатида, жамоат хавфсизлигини таъминлаш барча давлат органлари ва ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, халқаро ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ўзаро самарали ҳамкорлиги асосида кечадиган жараён ҳисобланади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини жамоатчилик иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг назарда тутган ҳолда, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш, уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш, ҳудудлардаги жиноятчилик ҳолатидан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда “жиноят ўчоқлари”ни бартараф этиш мақсадида мамлакатимизда тизимли ислохотлар олиб борилмоқда. Махсус ваколатли давлат органлари, шу жумладан ички ишлар органлари томонидан жамоат хавфсизлиги ва фуқаролар осойишталигини таъминлаш борасидаги ишларни “маҳаллабай” ва “фуқаробай” ташкил этишга қаратилган “Хавфсиз ҳовли” тизимини йўлга қўйиш орқали маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, жамият тараққиётининг айна босқичида кечаётган жараёнлар жиноятлар профилактикасига комплекс ижтимоий муаммо сифатида ёндашиш ва унга ижтимоий тартибга солишнинг муҳим соҳаси сифатида қарашни тақозо этади. Айниқса, “Хавфсиз ҳовли” тизими доирасида ишларни “маҳаллабай” ва “фуқаробай” тамойиллари асосида ташкил этишда фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан жамоатчилик ташкилотларига таяниш зарур.

Зеро, жиноятчилик – жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг бир қисми, таъбир жоиз бўлса, бир тури ҳисоблангани учун унинг келиб чиқиш сабабларини ва албатта олдини олишга доир ечимларни ҳам жамиятнинг ўзидан излаш лозим.

Ижтимоий фанлардан маълумки, кишилик жамияти тарихан ўзгарувчан ҳодиса ҳисобланади. Бинобарин, охириги юз йилликлар давомида инсоният мисли кўрилмаган даражадаги тезкор тараққиёт ва ривожланиш босқичини бошидан кечирмоқда. Фан-техника тараққиёти нағижасида, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти, турмуш даражаси, меҳнат унумдорлиги ортиб бормоқда. Жамиятнинг айрим қатламларида қашшоқлик, саводсизлик ва ишсизлик даражасининг пасайиши, кутилганидек ҳуқуқбузарликлар ҳажмининг кескин камайишига олиб келмади. Аксинча, тараққиёт ютуқлари жиноятларнинг тури ортишига ҳам сабаб бўлди. Хусусан, глобал интернет тармоғи ривожланиб боргани сари унинг кенг имкониятлари одамлар учун нафақат беқиёс қулайликлар яратмоқда, балки хавф ўчоқларидан бирига айланиб бормоқда. Сўнгги пайтларда веб-сайтларни бузиб кириш, вирусли дастурлар тарқатиш каби ҳолатлар кўпаймоқда. Бу, айниқса, пандемия даврида жиддий муаммолардан бирига айланди. Жиний гуруҳлар ўз ғаразли мақсадларини амалга оширишда интернет глобал тармоғи ва замонавий компьютер техникаси воситаларидан кенг фойдаланиши оқибатида юртимизда содир этилган жиноятлар статистикасида кибержиноятларнинг улуши тобора ортиб бормоқда. Масалан, Бухоро вилояти ҳудудида бу каби жиноятлар 2019 йилда 11 тани, 2020 йилда эса 23 тани (шундан 7 таси фирибгарлик – жами фирибгарлик жиноятининг 0,8 фоизи, 16 таси ўғрилик – жами ўғрилик жиноятининг 3,5 фоизи) ташкил қилган. 2021 йилнинг дастлабки 9 ойида эса 73 ҳолатда (шундан 57 таси фирибгарлик – жами фирибгарлик жиноятининг 7,01 фоизи, 16 таси ўғрилик – жами ўғрилик жиноятининг 3,06 фоизи) банк пластик карталаридаги пул маблағлари замонавий технологиялар имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўғрилик ва фирибгарлик йўли билан ўзлаштирилган. Бундан келиб чиқадиги, потенциал ҳуқуқбузар – бу ўз муаммоларини, хусусан, моддий бойликларга бўлган эҳтиёжини бошқалар ҳисобига ҳал этишга уринадиган одамгина эмас, балки илм-фан ютуқларидан ўзининг жиний мақсадларида моҳирлик билан фойдалана оладиган ижтимоий хавфли шахс ҳамдир.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // 29.11.2021 / <https://lex.uz/docs/5749291>.

Афсуски, жиноят қонунчилигини такомиллаштириб бориш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда энг янги усул ва воситалардан фойдаланиш жаҳон миқёсида жиноятчилик даражасини камайтиришда қутилганидек самара бермаяпти. Деярли барча давлатларнинг жиноят қонунчилигида такроран содир этилган ва рецидив жиноятлар ҳақидаги қоидалар мавжуд. Бироқ, рецидив турдаги жиноятларга тўла барҳам берилмаётганидан шуни англаш мумкинки, тайинланган жазо чораси ҳар доим ҳам маҳкумни ахлоқан қайта тарбиялашга эришишда ёрдам бермаяпти.

Мазкур омиллар бутун дунёда жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини тубдан қайта кўриб чиқиш заруратини вужудга келтирмоқда. Яъни, эндиликда жиноятчиликка қарши курашишда фақатгина содир этилган жиноятларни очиш, ҳуқуқбузарларни топиш, қонуний жазо тайинлаш ва уни ижро этиш билан чекланиш мумкин эмас. Ҳатто содир этилиши режалаштирилаётган ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш фактига ҳам қониқиш билан қараш жоиз эмас, бизнингча. Чунки, бу – жиноятни келтириб чиқарувчи, унга сабаб бўлувчи омиллар ўз вақтида бартараф этилмаганлигининг оқибати ҳисобланади. Ушбу қузатувлар эса, жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятининг кичик элементи сифатида қараладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикасига нисбатан эътиборни янада кучайтирган ҳолда, унга жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатидаги энг муҳим ҳамда самарали ҳисобланадиган кенг қамровли фаолият йўналиши сифатида ёндашишга ундайди.

Айнан шу заруратдан келиб чиқиб, мамлакатимизда “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун<sup>2</sup> қабул қилинди ҳамда у мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқди. Ушбу қонун ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарадиган сабаблар ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берадиган шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини амалга оширишга қаратилган умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикани ташкил этиш ҳамда татбиқ этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиб берди.

Яна бир эътиборли жиҳати, қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан аънавий тарзда шуғулланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

органлар билан бирга меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, таълим, соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан бошқариш органлари ва улар тизимидаги муассасалар ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасалар сифатида эътироф этилди. Чунки, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, таълим-тарбия жараёнини ҳамда таълим олувчиларнинг бўш вақтларини мақсадли ташкил қилиш ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўладиган шарт-шароитларни бартараф этишда муҳим омил ҳисобланса, соғлиқни сақлаш муассасалари содир этилган ёки содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар фактининг ўз вақтида аниқланишида катта аҳамият касб этади.

Жумладан, қонуннинг 17-моддасида таълимни давлат томонидан бошқарув органлари ва таълим муассасалари ички ишлар органларига ҳуқуқбузарликлар фактлари, одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид соладиган оила-турмуш соҳасидаги низолар ва ҳуқуқбузарликлар, таълим олувчи шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атвори ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақида хабар қилиши шартлиги мустақамланган.

Бундан ташқари, қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳам иштирок этишлари назарда тутилган. Улар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи ваколатли органлар ва муассасаларга зарур ёрдам кўрсатиш йўли билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Бу борада, АҚШ, Буюк Британия, Германия каби давлатлар амалиёти шуни кўрсатадики, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фақат кенг қамровли фаолият йўналиши сифатида ташкил этилган тақдирдагина яхши самара бериши мумкин. Бу эса, мазкур жараёнда барча даражадаги давлат ва нодавлат тузилмалар ҳамда фуқароларнинг кенг қўламдаги иштирокини талаб этади. Айни пайтда ушбу заруратни тушуниб етган ҳолда мазкур давлатлар аҳолиси ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда онгли равишда иштирок этиш истагини билдирадилар.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни // 14.05.2014 / “Халқ сўзи”, 2014 й., 94 (6024)-сон; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда.

Жумладан, АҚШда “Синдирилган ойналар” дастури мавжуд. Унинг асосчилари Филип Зимбардо, Жорж Келлинг ва Жеймс Вилсон ўз ғоялари мазмунини қуйидагича ифодалядилар: “Агар бинонинг битта ойнаси синган бўлса ва уни ҳеч ким таъмирламаса, қисқа вақт ичида бинонинг барча ойналари ҳам синдирилади, бинонинг ўзи тўлиқ харобага, бу жой эса жиноятчилар маконига айланади”<sup>3</sup>.

Кенгроқ қилиб айтганда, ушбу концепция муаллифлари кўчалардаги тартиб ва озодаликнинг мавжуд эмаслиги девиант хулқ-атвор намоён бўлишига олиб келишини таъкидлядилар. Яъни ташки тартибсизликлар (ойналар, электр чироқларининг синганлиги, қаровсиз ташлаб кетилган автомобиллар, биноларнинг ташқариси ва йўлларнинг узок вақт таъмирланмаганлиги, чиқиндиларнинг кўчанинг исталган жойига ташлаб кетилганлиги) ўша ҳудудда жамоатчилик назоратининг йўқлиги, ахлоқсизлик ва ҳуқуқбузарлик учун таъсир чоралари қўлланилмаслиги ҳамда давлат органлари ва ўзини ўзи бошқариш тузилмалари мазкур ҳолатга бепарво муносабатда эканини англатади. Натижада, одамларнинг онг остида, “Ушбу ҳудуд назорат остидан ташқари, бу ерда давлат ҳоқимияти ва жамоат таъсирининг кучи йўқ”, деган фикр шаклланади. Агар битта ойна синган ва бу ҳеч кимни безовта қилмаётган бўлса, демак, иккинчи, учинчи ва бошқа ойналарни ҳам кимдир синдириши мумкин. Шу тариқа, одамнинг ичидаги яширин девиант хулқ-атвор унинг хатти-ҳаракатларига кўчади.

Мазкур назарияга асосланган ҳолда, АҚШдаги “Синдирилган ойналар” дастурида аҳоли яшаш манзилларида тозалик ва тартибга риоя қилишини таъминлаш, автомашиналар, бино ва иншоотлар қаровсиз қолишига, кўчаларда чиқиндилар тўпланишига йўл қўймаслик чоралари белгиланган. Бунда дастлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари доимий равишда аҳоли пунктларидаги ҳолатни ўрганиб борадилар, аста-секинлик билан аҳолининг ўзи ушбу дастурнинг ҳам ижро-чиси, ҳам назоратчисига айланади. Дастурнинг ўзи эса аҳолининг кундалик турмуш тарзига сингиб боради.

Жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда махсус дастурлар билан бир қаторда,

бир қарашда оддий кўринган бошқа ташкилий чора-тадбирлар ҳам юқори самара бериши мумкин. Масалан, XX асрда Европанинг қатор давлатларида йўловчилар томонидан ҳаво кемаларига ку-рол-яроғ ва бошқа хавфли буюмлар олиб кирилмаслиги қаттиқ назорат қилиниши натижасида ҳаво кемаларини олиб қочиш билан боғлиқ жиноятлар сони кескин камайди. Шунингдек, футбол мусобақаларида ҳар икки жамоа мухлисларининг алоҳида секторларда ўтиришлари ва турли эшиклар орқали кириб-чиқишларини йўлга қўйиш орқали эҳтиросга берилган мухлислар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар сони сезиларли даражада камайишига эришилди.

Шунингдек, фуқароларнинг жамиятда юз бераётган ҳар бир жараёнга нисбатан фаол муносабат билдириши, хусусан, кўшни хонадонлардаги нотинчлик, кўчада шубҳали шахслар пайдо бўлгани ёки содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга дарҳол хабар бериши, уй-жой ва автомобилларни қаровсиз қолдирмаслиги, жуда кўп миқдордаги нақд пул ёки қимматбаҳо буюмларни банк ва ломбардларда сақлашга одатланиши ҳам потенциал жабрланувчилар сонининг камайишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш нафақат давлат органларининг, балки шу жамиятнинг аъзоси ҳисобланган ҳар бир инсоннинг вазифасидир.

Ўзбек халқи азал-азалдан “Бир болага етти маҳалла ота-она”, “Касалликни даволагандан кўра унинг олдини олган афзал” каби нақлларга амал қилиб яшайди. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш, ён-атрофдаги одамларга нисбатан меҳр-оқибатли бўлиш, озгина бўлса-да номақбул иш қилишдан уялиш ҳисси оилада фарзанд тарбиясининг асосини ташкил қилиб келади. Аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бундай инсонпарвар қадриятларни сақлаб қолиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз саналади.

Шундай экан, жамият олдидаги масъулиятни ҳис қилиб яшаш, атрофдаги ҳодисаларга бепарво бўлмаслик, тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш барчамизнинг кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши зарур.

<sup>3</sup> Қаранг: Ruhl C. The broken windows theory. Simply Psychology. // <https://www.simplypsychology.org/broken-windows-theory.html>.

# СУВ ВА СУВДАН ФЙДАЛАНИШ СОҲАСИДА ПРОКУРАТУРА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Doi: 10.54952/DHR.2022.61.25.016



**Шавкатжон РАХИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Бош  
прокуратураси академияси  
мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Мақолада сув ва сувдан фойдаланиш соҳасида прокуратура фаолиятини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган. Бу борада ҳуқуқий адабиётларда илгари сурилган фикр-мулоҳазалар, миллий ва хорижий давлатлар қонунчилиги ўрганилган. Шу асосида илмий-назарий хулосалар ва таклифлар билдирилган.

**Калит сўзлар:** прокурор, прокурор назорати, сувдан фойдаланиш, миллий қонунчилик, прокуратура фаолияти.

**Abstract.** The article analyzes the issues of improving the work of the prosecutor's office in the field of water and water use. In this regard, the views expressed in the legal literature, the legislation of national and foreign countries are studied. On this basis, scientific and theoretical conclusions and recommendations are made.

**Key words:** prosecutor, prosecutorial supervision, water use, national legislation, prosecutorial activity.

**Аннотация.** В статье анализируются вопросы совершенствования деятельности прокуратуры в сфере водоснабжения и водопользования. На основании юридической литературы и законодательства Узбекистана и зарубежных стран формулируются научно обоснованные выводы и рекомендации.

**Ключевые слова:** прокурор, прокурорский надзор, водопользование, национальное законодательство, прокурорская деятельность.

Сув ва сувдан фойдаланиш соҳасида прокуратура фаолияти йўналишларини такомиллаштириш мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида муҳим аҳамиятга эга. Зеро, сувдан фойдаланишдаги қонунбузарлик ҳолатлари ва исрофгарчиликлар сабабли мамлакатимизда жаҳонда белгиланган ўртача қийматлардан бир неча баробар кўп миқдорда сув сарфланади. Му-

тахассисларнинг фикрича, юртимизда бир гектар ерга ишлов бериш учун 12-14 минг куб метр сув сарфланади. Исроилда эса гектарига атиги 5 минг куб метр сув ишлатилгани ҳолда, ҳар бир гектардан олинадиган пахта ҳосили ўртача 50 центнерга етади. Бизда эса ўртача ҳосилдорлик атиги 22 центнер атрофида қоляпти<sup>1</sup>.

Маълумки, сув ва сувдан фойдаланиш тўғри-

<sup>1</sup> Такабоев Қ.Ў. Сув тақчиллиги муаммолари ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида // "Science and Education" Scientific Journal April 2021 / Volume 2 Issue 4.

сидаги қонунчиликка риоя этилишини таъминловчи давлат органлари тизимида прокуратура алоҳида ўрин тутди. Бироқ юридик адабиётларда сув ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланиш, уларни бошқариш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари ва прокуратуранинг ваколатларини аниқлаштириш ҳамда ажратиш борасида фикр-мулоҳазалар илгари сурилади. Айниқса, бу соҳада амалдаги қонунчиликни назорат қилиш ваколатига эга бўлган давлат органларининг прокуратура органлари томонидан алмаштирилиши прокуратура органлари ўз функцияларини бажаришлари билан боғлиқ фаолият самарадорлигининг пасайишига олиб келиши ҳақидаги фикрлар шулар жумласидандир<sup>2</sup>.

Бироқ адабиётларда ушбу соҳада қонунларга риоя этилишини назорат қилувчи давлат органларининг ўзлари ҳар доим ҳам қонунларга амал қилмасликлари таъкидланади<sup>3</sup>. Бу эса ушбу органларнинг фаолияти қонун доирасида ташкил этилишига алоҳида эътибор берилишини, ҳар бир қонунбузарлик муқаррар равишда жавобгарликка сабаб бўлишини таъминлаш ҳозирги кунда долзарб эканлигини кўрсатади.

Таҳлиллар шундан далолат берадики, сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш мақсадида прокурорлар (биринчи навбатда, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид қонунлар ижросини назорат қилишга масъул прокурорлар) назорат қилувчи органлар билан ўзаро тажриба алмашиши, ўзаро ҳамкорлик масалаларига жиддий эътибор қаратиши керак. Назорат қилинадиган ҳудудда қонунга риоя этилиши ҳолати тўғрисида ўзаро маълумот алмашиш тизими самарали ишлаши лозим. Шу мақсадда доимий равишда ушбу органларнинг сувга доир муносабатларни тартибга солиш борасидаги муаммоларини ҳал этиш борасидаги саъй-ҳара-

катларини бирлаштириш мақсадида турли семинарлар, давра суҳбатлари, илмий-амалий ва ўқув машғулотлари ҳамда бошқа тадбирларни мунтазам ташкил этиб бориш лозим. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши кўриб чиқилаётган соҳада қонун устуворлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, мазкур йўналишда прокурор назоратини амалга оширишнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан прокуратура ходимларининг назарий тайёргарлиги ва малакасининг сифати, мақсадга мувофиқ тарзда услубий таъминланганлиги ва прокурор текширувларининг тезкорлиги таъминланишига боғлиқ.

Юридик адабиётларда ҳам прокуратура органларининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятига кадрлар малакасини оширишнинг амалдаги тизимини такомиллаштириш, прокурор ва тергов органларининг экологик маданиятини ошириш катта ёрдам бериши ҳақида фикр-мулоҳазалар илгари сурилади<sup>4</sup>. Шу билан бирга сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини ўрганиш муҳим эканлиги таъкидланади<sup>5</sup>.

Шунингдек, ҳуқуқий адабиётларда экология қонунчилигининг ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлиги кўп жиҳатдан прокурорларнинг жойлардаги қонунчилик ва амалиётнинг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ушбу соҳадаги прокуратура фаолиятини илмий асосда тўғри ташкил эта олишига боғлиқлиги алоҳида қайд этилган<sup>6</sup>.

Бинобарин, ҳуқуқшунос олим Е.А.Куницина табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг бажарилиши устидан прокурор назоратини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири – прокурор назоратининг илмий-услубий базасини такомиллаштириш эканлиги тўғрисидаги фикрларни илгари суради<sup>7</sup>.

Дарҳақиқат, сувдан фойдаланиш соҳасида прокуратура фаолиятини такомиллаштиришда

<sup>2</sup> Қаранг: Полномочия прокурора в производстве по делам об административных правонарушениях в Российской Федерации: теория и практика: Моногр. / А.В. Мелехин и др.; рук. авт. коллектива А.В. Мелехин; НИИ Акад. Ген. прокуратуры Рос. Федерации. – М., 2014. – С. 171.

<sup>3</sup> Воробьев С.Д. Надзор за исполнением природоохранного законодательства // “Законность”, 2015, № 5.

<sup>4</sup> Винокуров А.Ю. Прокурорский надзор за исполнением экологического законодательства: Автореф. дис. канд. юрид. наук. – М., 2000.

<sup>5</sup> Такабоев Қ.Ў. Сув тақчиллиги муаммолари ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида // “Science and Education” Scientific Journal, April 2021 / Volume 2 Issue 4.

<sup>6</sup> Винокуров А.Ю. Указ. соч.

<sup>7</sup> Куницина Е.А. Правовые и организационные основы прокурорского надзора за исполнением лесного законодательства: Автореф. дис. канд. юрид. наук. – М., 2014.

қуйидаги йўналишларга асосий эътибор берилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди:

**биринчидан**, ҳудудларда қонун устуворлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асоси сифатида сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчиликни, шунингдек прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солишга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;

**иккинчидан**, ушбу соҳадаги прокуратура фаолиятини илмий асосда тўғри ташкил этиш мақсадида мазкур жараённинг илмий ва услубий жиҳатдан таъминланганлик даражасини ошириш, замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан, фан ютуқларидан фойдаланиш, соҳада прокурор назоратини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни фаоллаштириш;

**учинчидан**, прокуратура органлари таъминотини ҳамда унинг ходимларини моддий рағбатлантиришни ходимлар нормал фаолият кўрсатиши ва ишлашини таъминлайдиган даражага етказиш;

**тўртинчидан**, атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилишга оид қонунлар ижросини назорат қилишга масъул прокурорлар билан бошқа назорат қилувчи органлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга масъул давлат органларининг фаолияти учун зарурий шарт-шароитларни яратиш, шунингдек жамоат назорати ва жамоатчилик билан ҳамкорлик масалаларига эътиборни кучайтириш;

**бешинчидан**, сув ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланиш, уларни бошқариш ва муҳофаза қилиш соҳасида тегишли давлат органлари ва прокуратуранинг ваколатларини аниқлаштириш ва ажратиш;

**олтинчидан**, прокуратура ходимларининг соҳа бўйича назарий тайёргарлигини таъминлаш, прокуратура ва тергов органлари ходимларининг экологик маданиятини ошириш мақсадида малака ошириш тизимини такомиллаштириш.

Сув ва сувдан фойдаланиш соҳасида прокуратура фаолияти йўналишларини ривожлантиришда ушбу соҳадаги қонунларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунида қайд этилган

Бош прокуратура тизимидаги табиатни муҳофаза қилишга ихтисослашган прокуратураларнинг фаолиятига доир нормаларни мустаҳкамлаш шулар жумласидандир.

Маълумки, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 10-моддасига кўра, прокуратура органларининг тизими қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси;
- вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари;
- туманлар ва шаҳарлар прокуратуралари;
- вилоят прокуратураларига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси;
- туман прокуратураларига тенглаштирилган, ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси, шунингдек, уларнинг жойлардаги бўлинмалари фаолият кўрсатади<sup>8</sup>.

Мазкур қонунда ихтисослаштирилган прокуратуралар фаолияти, уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ нормалар мавжуд эмас. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ташкилий-штат тузилмасида аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантиришга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси, Табиий қўлларда балиқчиликни ривожлантириш ва сув ресурсларидан фойдаланишга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси, айрим вилоят прокуратураларида аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантиришга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими, табиий қўлларда балиқчиликни ривожлантириш ва сув ресурсларидан фойдаланишга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўйича вилоят прокурорининг ёрдамчилари лавозимлари, Тошкент табиатни муҳофаза қилиш, Орол табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси ташкил этилган. Ушбу прокуратура тузилмаларининг ҳамда юқорида қайд этилган лавозимлардаги ходимларнинг фаолияти ўзига хос жиҳатларга эғалигини инобатга олсак, уларнинг

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни // 29.08.2001 / <https://lex.uz/docs/106197>.

фаолияти ва мақомига доир нормаларни қонунчиликда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юридик адабиётларда ҳам прокуратура фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунда ихтисослаштирилган прокуратура органлари фаолияти алоҳида ҳуқуқий тартибга солиниши кераклиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар илгари сурилади<sup>9</sup>.

Шундай экан, фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунига **“Ихтисослаштирилган прокуратура органлари фаолияти тўғрисида” номли алоҳида боб киритилиши зарур**. Бу орқали ҳудудий ва ихтисослаштирилган прокуратуралар ўртасидаги ваколатларни фарқлаш имкони юзага келади. Натижада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига ихтисослаштирилган прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлиги янада ошади.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратиш ҳам фойдадан холи эмас. Масалан, Испанияда Бош прокуратура тизимида Бош прокурорнинг атроф-муҳит ва ерни режалаштириш бўйича ўринбосари лавозими таъсис этилган<sup>10</sup>. Шунингдек, Россия Федерациясининг “Прокуратура тўғрисида”ги федерал қонунининг 54-моддасида ихтисослаштирилган прокуратуралар тушунчаси келтирилган. Унда ихтисослаштирилган прокуратуралар деганда ҳарбий прокуратуралар, транспорт прокуратуралари, табиатни муҳофаза қилиш прокуратуралари ва бошқалар назарда тутилган<sup>11</sup>.

Шу нуқтаи назардан, сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқиладиган Сув кодексига ҳам ушбу соҳадаги прокурор назорати предметини ва прокурор ваколатларини назарда тутувчи алоҳида норма киритилишини таклиф этамиз.

Мамлакатимизда амалда бўлган айрим кодексларда ва кодекс билан тартибга солинадиган муносабатларда қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан назорат олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга ошири-

лиши белгиланган. Хусусан, Меҳнат кодексининг 9-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан назорат олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилиши қайд этилган<sup>12</sup>. Шу каби Сув кодексига ҳам ушбу соҳадаги прокурор назорати предметини ва прокурор ваколатларини назарда тутувчи алоҳида норма киритилиши мақсадга мувофиқ.

Сув ва сувдан фойдаланиш соҳасида прокуратура фаолиятини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири, шубҳасиз, прокуратура фаолиятини илмий асосда тўғри ташкил этишдир. Бу борада илмий ва услубий манбаларни кўпайтириш, замонавий технологиялар, ахборот тизимлари ва фан ютуқларидан фойдаланиш, соҳада прокурор назоратини тамкомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни фаоллаштириш муҳим ўрин тутди.

Бугунги кунда прокуратура органлари жадал такомиллашиб бораётган, шунингдек мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ва бошқа ўзгаришларга ўз вақтида жавоб беришга тайёр бўлган тизим сифатида шаклланиб бормокда. Кўриладиган чоралар самараси ўларок, прокуратура органлари халқ сари юз тутди, уни ташвишга солаётган муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашадиган, “Инсон кадри учун” деган тамойилни рўёбга чиқаришга камарбаста бўладиган ишончли тузилма сифатида янги даврга қадам қўйди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ниғматилла Йўлдошев таъкидлаганидек, “Албатта, бунинг учун қисқа муддатда ўзига яраша мураккаб ва масъулиятли йўлни босиб ўтишга тўғри келди. Мазкур босқичда “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари”, деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон бўлади. Бундан буён бутун фаолиятимиз “инсон – жамият – давлат” деган янги тамойил асосида ташкил этилади. Ҳеч шубҳасиз, етгита устувор йўналишдан иборат бўлган Тараққиёт стратегияси жамиятнинг барча

<sup>9</sup> Кириченко С.Г. Прокурорский надзор за соблюдением природоохранного законодательства // Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2003. – 24 с.

<sup>10</sup> Noguera A.V. The spanish public prosecutor’s system: some keynotes and remarks // “Ўзбекистон прокуратураси: кеча, бугун ва эртага” мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами // масъул муҳаррирлар: , ю.ф.д. Е.В.Колленко, проф. М.М.Мамасиддиқов. – Т.: “Lesson press”, 2022. – 50-52-бетлар.

<sup>11</sup> Федеральный закон “О прокуратуре Российской Федерации” от 17.01.1992 N 2202-1 (последняя редакция) // [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_262/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_262/).

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // <https://lex.uz/acts/142859>.



аъзоларидан, хусусан, биринчи навбатда ўзини қонун посбони деб ҳисоблайдиган прокурорлардан том маънодаги янгилашни, ўзгаришни талаб қилади”.

Албатта прокуратура тизимини бу каби ўзгариш ва янгилашлар асосида тўғри ташкил этмасдан, илмий ва услубий жиҳатдан таъминланганлик даражасини оширмасдан, фаолиятда замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан, фан ютуқларидан самарали фойдаланмасдан ҳамда соҳада прокурор назоратини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни фаоллаштирмасдан туриб, муваффақиятли ривожлантириб бўлмайди. Прокуратура органларида ҳар қандай таркибий, ташкилий, функционал ва бошқа ўзгаришларни чуқур илмий асослаш зарурати мавжуд. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунига **“Прокуратура фаолиятида замонавий технологиялар, ахборот тизимлари ва фан ютуқларидан фойдаланиш”** масалаларини тартибга солувчи махсус модда киритишни тақозо этади.

Юридик адабиётларда ҳам бугунги кунда дунё ўзининг илмий ва услубий салоҳиятини бойитишга ёрдам берадиган юқори касбий таълим соҳасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштираётгани, таълим сифати нафақат ҳозирги пайтда, балки келажакда ҳам мамлакат иқтисодиётининг фаровонлигини белгилаши, шу сабабли у мамлакатнинг миллий бойлиги сифатида қаралиши ҳақидаги фикрлар илгари сурилади<sup>13</sup>.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ташкил этилди. Унинг асосий вазифалари ва йўналишлари сифатида прокуратура органлари фаолиятини илмий-методик жиҳатдан таъминлаш; фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш; қонун устуворлигини таъминлаш; қонунийликни мустаҳкамлаш; фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг

ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб муаммолари юзасидан тизимли асосда илмий-тадқиқот дастурлари ва лойиҳаларини, шу жумладан, миллий, хорижий ва халқаро грантларни жалб қилган ҳолда амалга ошириш; қонунчиликни такомиллаштириш ва ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш бўйича илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш белгиланди<sup>14</sup>.

Бу орқали прокуратура органлари ўз фаолиятида фан ютуқларидан, замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан фойдаланишларига замин яратилди.

Шу ўринда яна бир таклифни илгари сурмоқчимиз. Бизнингча, Ўзбекистон Республикасининг **“Прокуратура тўғрисида”ги қонунига прокуратура органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда техник воситалардан, шу жумладан аудио, фото ва видео қайд этиш воситаларидан ҳамда илм-фаннинг бошқа ютуқларидан фойдаланиши мумкинлиги** тўғрисидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, сув ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар, услубий қўлланмалар ва ишланмаларни тайёрлаш бўйича бажариладиган ишлар сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида махсус ваколатли органларнинг илмий ва услубий салоҳиятини жалб қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси томонидан режалаштирилса ҳамда амалга оширилса, Бош прокуратура эса, ўз навбатида, ушбу масалаларни мувофиқлаштириб борса, айни муддао бўлар эди.

Дарҳақиқат, табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида прокуратура органлари динамик такомиллашиб бораётган тизим сифатида илгор илмий тадқиқотларсиз муваффақиятли ривожлана олмайди.

Мамлакатимизда Бош прокуратура академияси ташкил этилганига кўп вақт бўлмаган бўлса-да, унда эътирофга арзирли натижаларга эришилди. Хусусан, академия ҳузурида фалсафа доктори

<sup>13</sup> Давыдова Л.Н. Педагогическое диагностирование как компонент управления качеством образования. Автореф. ... дис. д-ра. пед. наук. – Ярославль, 2006. – 40 с.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // 08.05.2018 / <https://lex.uz/docs/3727063>.

(PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини берувчи Илмий кенгаш ташкил этилди. Ҳозирда мазкур кенгашга 3 та ихтисослик бўйича диссертациялар ҳимоя қилишга рухсат берилган. Академияда олий таълимдан кейинги таълим бўйича бутунги кунда 12 нафар таянч докторант ва 93 нафар мустақил изланувчи илмий-тадқиқот фаолиятини олиб боришмоқда. 93 мустақил изланувчининг 72 нафари прокуратура идораларида турли лавозимларда меҳнат қилиб келаётган ходимлар ҳисобланади<sup>15</sup>.

Бироқ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бинобарин сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида прокурор назоратини такомиллаштириш масалаларига бағишланган илмий тадқиқотларнинг сони етарли эмас, назаримизда.

Диссертациялар, монографиялар, илмий ва ўқув-услубий кўлланмалар кўринишидаги илмий-амалий ишланмалар мунтазам янгилашиб ва тўлдирилиб борилиши талаб этилади. Аммо прокуратуранинг ҳуқуқий мақомига бағишланган фундаментал тадқиқотлар, илмий ишланмалар етарли эмас.

Фикримизча, ҳуқуқшунос кадрларни, жумладан прокуратура органларида фаолият олиб боришни мақсад қилган мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида юридик олий таълим муассасаларида “Прокуратура назорати” фанини Давлат таълим стандарти фанларининг мажбурий компонентига киритиш ва ушбу фанни ўрганиш учун аудитория дарслари сонини кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сув ва сувдан фойдаланиш соҳасида прокуратура фаолияти йўналишларини такомиллаштиришда прокуратура ходимларининг соҳа бўйича назарий тайёргарлигини юксалтириш, прокуратура ва тергов органларининг экологик маданиятини ошириш мақсадида малака ошириш тизимини ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Бу эса, ўз навбатида, прокуратура ходимдан ўқишга нисбатан муносабатини яхшилашни

ҳамда ўз касбий маҳоратини мунтазам ошириб боришни талаб этади.

Прокуратура ходимларининг фаолиятини уларга юклатилган хизмат мажбуриятлари доирасида баҳолашнинг асосий мезонлари сифатида ходимнинг ўқишга бўлган муносабатини яхшилаш ҳамда ўзининг касб маҳоратини мунтазам ошириб бориши назарда тутилмас экан, бу борада жиддий ўзгаришлар бўлишини кутиш фойдасиз. Зеро, ҳар қандай амалий фаолият натижалари кўп жиҳатдан касбий таълим ва касб маҳоратини мунтазам ошириб бориш даражасига боғлиқ. Шу ўринда мамлакатимизда атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган прокуратура органлари ходимлари бундан мустасно эмас. Юридик адабиётларда бу соҳага масъул прокурорлар учун юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлиш жуда муҳимлиги таъкидланади<sup>16</sup>.

Прокурорлар доимий равишда ўз устида ишлашлари, назарий билимларини кенгайтириб боришлари керак. Маълумки, олий таълим муассасасида олинган билимлар йиллар ўтган сари эскиради, қонунчиликдаги янгиликлар, тергов ва прокурорлик амалиётининг такомиллашиб бориши, ҳуқуқбузарлик усулларининг тобора мураккаблашиши, уюшган жиноятчилик ва коррупциянинг кучайиб бориши прокуратура ходимининг ўз касб маҳоратини мунтазам ошириб боришини талаб этади. Адабиётларда таъкидланганидек, “Агар билим ҳар куни кўпаймаса, унинг камайиши маълум ҳақиқатдир”<sup>17</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг “Прокурорлар фаолиятини баҳолаш” деб номланган 45-моддасига прокуратура ходимларининг фаолиятини уларга юклатилган хизмат мажбуриятлари доирасида баҳолашнинг асосий мезонларини назарда тутувчи нормаларни киритиш, ходимнинг ўқишга бўлган муносабати ҳамда касб маҳоратини ошириб боришини ҳам мезон сифатида белгилаш таклиф қилинади.

<sup>15</sup> Мамасиддиқов М.М. Юридик илмий кадрларни тайёрлаш ҳамда фанни ривожлантириш (Бош прокуратура академияси мисолида) // “Ҳуқуқ ва бурч”, 2021, № 10. – 9-б.

<sup>16</sup> Қаранг: Винокуров А.Ю. Проблемы совершенствования природоохранной деятельности Прокуратуры Российской Федерации // Автореф. дисс... д-ра юрид. наук. – Москва, 2006. – 34 с.

<sup>17</sup> Қаранг: Мухортов А.А. Мораль и нравственность в деятельности органов прокуратуры // Вестник Уфимского юридического института МВД России, 2014, № 4. – 65 с.

# ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСНИ ЖИНОЯТГА ЖАЛБ ЭТИШНИНГ ЖИНОЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Doi: 10.54952/DHR.2022.61.25.017



**Миратдийин НАЖИМОВ,**  
Қорақалпоқ давлат университети “Жиноий-  
ҳуқуқий ва фуқаролик-ҳуқуқий фанлар” кафедраси  
мудир, юридик фанлар номзоди, доцент

**Аннотация.** Ушбу мақолада вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилиш жинояти тушунчаси, ушбу турдаги жиноят учун жавобгарлик масалалари кўриб чиқилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилган.

**Калит сўзлар:** оила, ёшлар, жиноят ва жазо, жиноятга жалб этиш, жисмоний ёки руҳий тазйиқ.

**Abstract.** This article discusses the concept of juvenile delinquency, liability for this type of crime. In this regard, suggestions and comments were made to improve the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan.

**Key words:** family, youth, crime and punishment, criminal involvement, physical or mental pressure.

**Аннотация.** В статье рассматриваются понятие преступности несовершеннолетних, ответственность за данный вид преступлений, а также вносятся предложения по совершенствованию уголовного законодательства Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** семья, молодёжь, преступление и наказание, вовлечение в совершение преступлений, физическое или психическое давление.

Ҳар қандай жиноятни юридик таҳлил этганда жиноят объекти унинг зарурий таркибий қисми сифатида муҳим аҳамиятга эга. Жиноят ҳуқуқи назариясида айбдор шахснинг жиноий фаолияти қаратилган ва бунинг натижасида зарар етадиган ёки зарар этиш хавфи юзага келадиган ижтимоий муносабатлар жиноят объекти сифатида баҳоланади. Гарчи кўпчилик олимлар томонидан ижтимоий муносабатлар жиноят объектининг ягона мазмуни сифатида тан олинсада, сўнгги пайтларда жиноят объекти тушунчаси борасидаги назарияда

турли ёндашувларни учратиш мумкин. Жумладан, тадқиқотчи Н.Ў.Джураева вояга етмаган шахсни жиноятга жалб этишнинг умумий ва турдош объектини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосага келган, “Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш жиноятининг турдош объектини оила ва вояга етмаганларнинг манфаатлари, бевосита объектини эса шахснинг жисмонан ва маънавий баркамол ривожланишига доир ижтимоий муносабатлар ташкил этади”<sup>1</sup>. Ушбу берилган таърифда, фикримизча, жиноят объекти тушунча-

<sup>1</sup> Джураева Н.Ў. Вояга етмаганларни жиноят содир этишга жалб қилишнинг субъектив ва объектив белгилари: Россия Федерацияси мисолида // Суд-ҳуқуқ ислохотлари шароитида фуқаролик суд ишларини юретишнинг долзарб муаммолари: илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т., ТДҶОИ, 2009. – 101-б.

си тўла ёритилмаган. Чунки жиноят объекти жиноят қонуни билан қўриқланадиган манфаатлар эмас, балки жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар, десак нисбатан тўғри ёндашган бўламиз.

Жиноят объекти назарияси доирасида объект тушунасини гуруҳлаш муҳим аҳамият касб этади. Жиноят кодексининг ўзига хос тузилиши жинойий тажовуз объектларини таснифлашга имкон беради. Шунга қўра, жиноят объекти умумий, умумийнинг таркибий қисми бўлмиш махсус, махсуснинг таркибий қисми бўлмиш турдош ва бевосита объектларга бўлинади.

Умумий объект – алоҳида олинган ва барча жиноятлар қаратилган ижтимоий муносабатлардир<sup>2</sup>.

Махсус объект деганда, Жиноят кодексининг махсус қисмида назарда тутилган, жинойий тажовуз қаратилган бир турдаги ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Турдош объект деганда, Жиноят кодексининг муайян бобларида назарда тутилган жинойий тажовуз қаратилган бир турдаги ижтимоий муносабатлар, яъни жиноятларнинг хусусияти бўйича бир-бирига яқин бўлган объект тури тушунилади.

Жиноятнинг бевосита объекти дейилганда эса жиноят содир этилаётганда бевосита тажовуз қаратилган ижтимоий муносабат тушунилади.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб, вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилиш жиноятнинг махсус (Жиноят кодексининг V боби билан белгиланган) ва турдош (Жиноят кодексининг 127-моддаси билан белгиланган) объектини аниқлашни лозим топдик. Таҳлил этилаётган жиноятнинг махсус объектини вояга етмаганлар ва оиланинг хавфсизлигини таъминловчи, уларни жинойий тажовузлардан муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Ёш авлоднинг баркамол бўлиб вояга етиши жамиятнинг ва давлатнинг келажагини белгилаб беради. Ҳар бир оила маърифатли, манавий баркамол бўлса, юрт ва жамият ҳам маърифатли бўлади. Оилада носоғлом муҳитда вояга етган шахс оила учун, жамият учун қандай наф келтиришини кутиш мумкин? Аксинча, вояга етмаган шахснинг шаклланишига кўрсатилган салбий таъсир оила кўрғонининг дарз кетганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида ҳам оила ва вояга етмаган шахсларга қарши жиноятларнинг бир бобга бирлаштирилганлиги мазкур масалага алоҳида ёндашувни талаб этади. Фикримизча, вояга етмаган шахсларни жиноятга жалб этиш жиноятида оила манфаатлари қўшимча ёки факультатив объект ҳисобланади. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисми V боби “Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар” деб номланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг мазкур боби киритилган биринчи бўлими шахс ўсаётган ва ривожланаётган муайян бир ижтимоий институтларга қарши жиноятларни эмас, балки шахсга қарши жиноятларни ўз ичига олади. Шунга асосланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси махсус қисми V боби номини ўзгартириш ва уни “Вояга етмаганларнинг нормал ривожланишига қарши жиноятлар” деб номлаш таклиф этилади. Мазкур боб моддалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ундаги моддаларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) оилага қарши;
- 2) вояга етмаганларга қарши;
- 3) ахлоққа қарши жиноятлар.

Фикримизча, мазкур бобга икки мустақил гуруҳдаги (оилага ва ахлоққа қарши жиноятлар) моддалар бирлаштирилган бўлиб, улардан ҳар бири ўзининг махсус объектига эга. Ушбу объектларнинг ҳар бири мустақил бўлиб, бири иккинчисига тобе эмас. Бу объектларнинг бир хил муҳофазаси оила ҳамда вояга етмаганлар манфаатларини давлат ва жамият манфаатлари йўлида тенг ҳимоялаш зарурати билан изоҳланади.

Юқорида қайд этилган фикрларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси махсус қисмининг V боби таркибидан оилага ва ахлоққа қарши жиноятларни алоҳида бобга ажратиб олиш ва унинг таркибида вояга етмаганларга зарар етказувчи ёки зарар етказиш хавфини юзага келтирувчи моддаларни қолдириш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ҳолатда вояга етмаган шахсни жиноят содир қилишга ундашнинг махсус объекти – вояга етмаганларнинг нормал ривожланишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Ёшлар ҳар бир давлатнинг келажагини, салоҳиятини белгиловчи муҳим ижтимоий қатлам

<sup>2</sup> Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси: умумий қисм / 1-том. – Т.: “Илм-зиё”, 2010. – 141-б.

саналади. Зеро, ҳар бир жамиятнинг ҳолати, тақдири ва истиқболи унда яшаётган ёшларнинг салмоғи, маънавияти ва тафаккур даражаси билан белгиланиши шубҳасиз<sup>3</sup>.

Айни фикрларга қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, вояга етмаган шахснинг нормал ривожланиши, биринчидан, уларнинг ижтимоий нормал ривожланишини, яъни жамиятнинг мустиқил ва тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида тан олиншини, иккинчидан, қонунларга риоя қилиниши билан бир қаторда вояга етмаган шахснинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларидан фойдаланиши, зиммасидаги мажбуриятларни бажаришини тақозо этади. Демак, вояга етмаган шахснинг нормал тарбияланиши ва ривожланиши қонунларга риоя этишни, шунингдек, инсонни, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳурмат қилишни ва бошқа умуминсоний кадриятларни қамраб олади.

Юқоридагиларга асосан айта оламизки, вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга жалб қилиш жиноятнинг махсус объекти деганда, 18 ёшга тўлмаган шахснинг Конституция ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига, жамият ва шахс ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилиш руҳида нормал, жисмоний, руҳий, ижтимоий ва ахлоқий ривожланишини ҳамда вояга етмаган шахсни ижтимоий муносабатларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳеч қандай чекловларсиз амалга оширувчи мустиқил ва тўлақонли субъекти сифатида тан олиншини таъминловчи ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Айрим олимлар<sup>4</sup> вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилиш жиноятнинг бевосита объекти сифатида вояга етмаган шахснинг нормал ривожланишини таъминловчи ижтимоий муносабатларни эътироф этадилар. Уларнинг фикрига қўшилиб бўлмайди. Боиси бундай ёндашув вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга жалб қилишни унинг нормал ривожланишига тўсқинлик қилувчи бошқа жиноятлардан, масалан, вояга етмаган шахсни тиламчилик қилишга, спиртли ичимликлар ичишга, гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол

қилишга жалб қилиш жиноятларининг объектидан фарқлаш имконини бермайди. Зеро, мазмунан вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга, гиёҳвандлик ёки психотроп моддалар истеъмол қилишга ҳамда жиноятга жалб қилиш алоҳида-алоҳида жиноят таркибини ташкил этади. Шу боис бир қатор хорижий давлатлар қонунчилигида бу жиноятларнинг ҳар бири алоҳида норма билан тартибга солинган. Жумладан, Россия Федерацияси Жиноят кодексида вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш 150-модда билан тартибга солинган бўлиб, ушбу жиноят учун жавобгарлик:

- жиноятни содир этиш усули (алдов, ваъда, таҳдид ёки бошқа усулда);
- жиноятни содир этувчи субъект (ота-она, педагог ёки қонун билан вояга етмаган шахсни тарбиялаш мажбурияти юкланган бошқа шахс);
- зўрлик ишлатиб ёки уни қўллаш таҳдиди билан;
- вояга етмаган шахс жалб этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси (оғир ёки ўта оғир жиноятлар);
- вояга етмаган шахсни жиноий гуруҳга жалб этиш кабилардан келиб чиққан ҳолда оғирлашиб боради.

Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга ҳамда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилишга жалб этиш алоҳида моддалар (Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 151-152-моддалари) билан тартибга солинган бўлиб, бу жиноятлар учун ҳам юқоридаги каби оғирлаштирувчи ҳолатлар баён этилган.

Беларусь Республикаси Жиноят кодексида ҳам юқоридаги каби оғирлаштирувчи ҳолатлар кўрсатилган. Бироқ Россия Федерациясининг Жиноят кодексидан фарқли равишда, ушбу давлат жиноят қонунчилигида зўрлик ишлатиб ёки уни қўллаш таҳдиди билан вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш оғирлаштирувчи асос сифатида қайд этилмаган. Шу билан бир қаторда, Беларусь Республикаси Жиноят кодексида ҳам вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга

<sup>3</sup> Джурова Н.Ў. Баркамол авлод ва ёшлар илмий-ижодий фаолиятининг ҳуқуқий асослари // “Фан ва ёшлар”, 2011, №1. – 99-б.

<sup>4</sup> Қаранг: Туктарова И.Н. Уголовно-правовая охрана несовершеннолетних: (12.00.08 - уголовное право, криминология, уголовно-исполнительное право). Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2000.; Новоселов Г.П. Учение об объекте преступления: методологические аспекты. – М., 2001.

ҳамда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилишга жалб қилиш Россия Федерацияси Жиноят кодексида бўлгани каби алоҳида моддалар билан тартибга солинган.

Молдова Республикасининг Жиноят кодексида эса вояга етмаган шахсни жиноий фаолиятга жалб этиш ёки уларни ахлоққа зид хатти-ҳаракатларга оғдириш битта модда (Молдова Республикаси Жиноят кодексининг 208-моддаси) таркибига киритилган ва оғирлаштирувчи асос сифатида қўйидагилар келтирилган:

- ота-она, ўқитувчи ёки қонун билан вояга етмаган шахсни тарбиялаш мажбурияти юкланган бошқа шахс томонидан жиноятга жалб этиш;
- зўрлик ишлатиб ёки уни қўллаш таҳдиди билан жиноят қилишга ундаш;
- вояга етмаган шахсни оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этишга ёхуд жиноий гуруҳга жалб этиш.

Ю.Е.Пудовочкин қайд этганидек, вояга етмаган шахсни жиноят қилишга ундаш БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциясининг 17-моддаси билан кафолатланган болалар уларнинг соғлиғига, ахлоқий ва руҳий ривожланишига зарар етказувчи маълумотлардан ҳимоя қилини-

шига доир ҳуқуқни таъминловчи ижтимоий муносабатларга путур етказди. Зеро, вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этишнинг олдини олишда амалга ошириладиган чора-тадбирлар, биринчидан, шахснинг нормал ривожланишига тўсқинлик қилувчи омилларни бартараф этишга, иккинчидан, унинг жиноят содир этишининг олдини олишга қаратилган<sup>5</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этишнинг объекти хусусида сўз борганда, ушбу жиноят жабрланувчиси масаласи тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки, айнан жабрланувчи жиноят объектининг факультатив белгиси ҳисобланади. Ҳуқуқий адабиётларда: “Агар факультатив белги қонун чиқарувчи томонидан жиноят асосий таркибининг белгиси сифатида кўрсатилса, у жиноят таркибининг зарурий белгиси хусусиятига эга бўлади”,<sup>6</sup> дейилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127-моддаси 3-қисми диспозициясида айнан вояга етмаган шахсни жиноятга жалб этиш тўғрисида таъкидланган. Бундан келиб чиқадики, мақолада таҳлил этилган жиноят тузилишида вояга етмаган шахс – айни ҳолатда жабрланувчи ва у жиноят таркибининг зарурий белгиси ҳисобланади.



<sup>5</sup> Пудовочкин Ю.Е. Ответственность за преступления против несовершеннолетних по российскому уголовному праву. – СПб., 2002. – С.115.

<sup>6</sup> Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи: умумий қисм // олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т., “Янги аср авлоди”, 2005.

## ЛЕВ ТОЛСТОЙ ҲИКМАТНОМАСИ

*“Лев Толстой – ҳар бир ёзувчи учун академиядир”.*

**А.Н.Толстой\***

### **“УРУШ ВА ТИНЧЛИК” ФАЛСАФАСИ: САРАЛАНГАН ҲИКМАТ ДУРЛАРИ**

Doi: 10.54952/DHR.2022.61.25.018



**Акмал САИДОВ,**  
академик

Жаҳон адабиётининг улкан намояндаси, нодир истеъдод соҳиби Лев Николаевич Толстойнинг бебаҳо бадиий-ижодий меросига назар ташласак, уч мухташам адабий қаср – “Уруш ва тинчлик”, “Анна Каренина” ҳамда “Тирилиш” романлари алоҳида ажралиб турганига гувоҳ бўламиз. Улар орасида ҳам мазмунан, ҳам ҳажман энг улуғвори “Уруш ва тинчлик”<sup>1</sup> роман-эпопеяси.

Л.Н. Толстой ушбу асарни 1863 – 1869 йилларда ёзган. Асар ғояси эса адиб хаёлини бундан ҳам олдинроқ банд этган.

Л.Н. Толстой 1861 йилнинг март ойида машҳур рус ёзувчиси, публицисти ва файласуфи А.И. Герценга ёзган мактубида тўрт ой олдин “бош қаҳрамони декабрист бўлиши назарда тутилган роман”

ёзишга киришганини таъкидлаган<sup>2</sup>. Аммо ўз ижодига нисбатан ниҳоятда талабчан адиб ушбу романни ёзиш жараёнида сюжет ва ғояни янада кенгайтириш, буткул бошқа йўналишда асар ёзиш фикрига келган. Натижада декабристлар тўғрисидаги роман тугалланмаган, унинг ёзилган қисмидан эса ёзувчи “Уруш ва тинчлик” роман-эпопеясида фойдаланган.

Адибнинг турмуш ўртоғи Софья Андреевна 1863 йил 23 февралда опасига ёзган мактубида Л.Н. Толстой янги роман ёзишга киришганини қайд этган. Л.Н. Толстой синглиси Мария Николаевнага ўша йилнинг 8 март санасида ёзган хатида ҳам роман ёзаётганини айтиб ўтган. Бу маълумотлар Л.Н. Толстой “Уруш ва тинчлик”

\***Алексей Николаевич Толстой** (1883 – 1945) – рус ёзувчиси ва жамоат арбоби. “Муҳандис Гариннинг гиперболоиди” (1927), “Эмигрантлар” (1931), “Пётр I” (1934) каби романлари, “Мухаббат” (1916), “Парижда” (1921), “Граф Калиостро” (1921), “Ҳайратомуз тарих” (1944) каби қисса ва ҳикоялари, “Сув париси” (1910), “Олтин калит ёхуд Буратинонинг саргузаштлари” (1936), “Шаҳзода Иван ва кулранг бўри” (1940) каби эртақлари, айниқса, машҳур.

<sup>1</sup> Толстой Л.Н. Уруш ва тинчлик: I ва II китоблар // Толстой Л.Н. Танланган асарлар: 2-жилд / Таржимонлар Абдулла Қаҳҳор ва Кибриё Қаҳҳорова. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 784 б.; Толстой Л.Н. Уруш ва тинчлик: III ва IV китоблар // Толстой Л.Н. Танланган асарлар: 3-жилд / Таржимонлар Абдулла Қаҳҳор ва Кибриё Қаҳҳорова. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 852 б.; Толстой Л.Н. Уруш ва тинчлик: I ва II китоблар // таржимонлар Абдулла Қаҳҳор ва Кибриё Қаҳҳорова. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 792 б.; Толстой Л.Н. Уруш ва тинчлик: III ва IV китоблар // таржимонлар Абдулла Қаҳҳор ва Кибриё Қаҳҳорова. – Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 840 б.

<sup>2</sup> Қаранг: Шкловский В. Лев Толстой // Серия биографий “Жизнь замечательных людей”. – Москва: “Молодая гвардия”, 1963. – С.376.

роман-эпопеясини 1863 йилда ёза бошлаганини тасдиқлайди.

1865-1866 йилларда “Русский вестник” журналіда роман-эпопеянинг дастлабки қисмлари “1805 йил” номи билан нашр этилган. 1869 йилда Л.Н. Толстой ушбу улкан ижодий асарни ниҳоят яқунлаб, унга “Уруш ва тинчлик” дея ном берган.

Л.Н. Толстой ҳажман улкан, шаклан бетакрор ва мазмунан серқирра ушбу асарга муносиб ном топиш устида узоқ вақт ўйланган. Ижод жараёнида “Уч кемтик” (“Три поры”), “1805 йил” (“1805 год”), “Охири хайрли ишларнинг барчаси яхши” (“Все хорошо, что хорошо кончается”) деган номлардан фойдалангани манбаларда қайд этилган<sup>3</sup>. Алал-оқибат эса “Уруш ва тинчлик” деган якуний тўхтамга келган.

Асарнинг бундай номланиши борасида адабиётшунос олимлар 3 хил тахминни илгари сурадилар.

**Биринчидан**, Л.Н. Толстой франциялик сиёсатчи, иқтисодчи, публицист, файласуф ва социолог Пьер-Жозеф Прудоннинг 1861 йилда ёзилган ва рус тилидаги таржимаси Россияда 1864 йилда нашр этилган “Уруш ва тинчлик” (“La Guerre et la Paix”) фалсафий трактатидан таъсирланган бўлиши мумкин.

**Иккинчидан**, россиялик публицист, ёзувчи ва файласуф Александр Герценнинг 1855 – 1860 йиллардаги мақолалари жамланган “Беш йил давомида” (“За пять лет”) номли тўпламнинг “Уруш ва тинчлик” бўлимида сиёсий мавзудаги памфлетлар тақдим этилган. Л.Н. Толстой “Беш йил давомида” китоби билан таниш бўлгани ва ўз асарига ном топишда ушбу тўплам унга туртки бергани эҳтимолдан холи эмас.

**Учинчидан**, буюк рус шоири, носири ва драматурги Александр Сергеевич Пушкиннинг 1825 йилда ёзилган “Борис Годунов” драмасида шундай парча мавжуд:

“Ҳар нарсангни шу тарихга ёзиб бор, яъни:  
**Уруш, яраш**, юрт тутуми хусусларини,  
Авлиёлар каромати, мўъжизасини,  
Осмоний аломатлар ва нишонларни”<sup>4</sup>.



Лев Толстой.

М.Б. Тулинов олган фотосурат.  
Москва, 1862 йил

Аслияти:

“Описывай, не мудрствуя лукаво,  
Все то, чему свидетель в жизни будешь:  
**Войну и мир**, управу государей,  
Угодников святые чудеса,  
Пророчества и знаменья небесны”<sup>5</sup>.

Айрим адабиётшунослар Л.Н. Толстой ушбу мисралардан илҳомланиб, “Уруш ва тинчлик” номи танлаган, деган фаразни илгари суришади.


**Бизнингча**, Л.Н. Толстой Прудон асаридан таъсирлангани тўғрисидаги қараш ҳақиқатга анча яқин. Сабаби, Лев Толстой 1860-1861 йилларда Европа бўйлаб амалга оширган саёҳатида Прудон билан шахсан танишган. Демак, улғур рус адиби француз дўстининг ижодига бефарқ бўлмаган. Қолаверса, XIX асрда рус жамиятида француз тилининг мавқеи устувор бўлгани ва Лев Толстой асарларида француз тилидаги жумлалар кўп бор

<sup>3</sup> Қаранг: Зверев А., Туниманов В. Лев Толстой. – Москва: “Молодая гвардия”, 2007. – 784 с.

<sup>4</sup> Пушкин А.С. Борис Годунов // Таржимон Чўлпон / Пушкин А.С. Капитан қизи: асарлар тўплами. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 151-бет.

<sup>5</sup> Пушкин А.С. Борис Годунов // Пушкин А.С. Собр. соч.: Т. 4. – М.: Государственное издательство художественной литературы, 1960. – С. 221.





Лев Толстой. Уруш ва тинчлик: 4-жилд.  
– Москва: Т.Рись босмаҳонаси, 1868.

ишлатилгани ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди, назаримизда.

Кўриниб турибдики, даҳо адиб Лев Толстой тафаккурида тобланган ва қалбида илҳом суви билан суғорилган умуминсоний ва эзгу ғояларни ушбу асарда ифодалашга уринар экан, воқеалар ривожини, қаҳрамонлар тақдири ва хусусиятларини олдиндан қатъий белгиланган йўналишда олиб бормаган, асарни кўп марга таҳрир қилиб, ўзгаришлар киритган. Бу эса Л.Н. Толстой яшаган XIX асрда жаҳон адабиёти учун мутлақо янги ҳодиса ҳисобланган, ўзига хос жанр ва бетакрор услубдаги асар ёзилишига сабаб бўлган.

Шунинг учун ҳам Л.Н. Толстой 1865 йил 3 январда “Русский вестник” журнали ношири М.Н. Катковга йўллаган мактубида: **“Мазкур асар роман ҳам, қисса ҳам эмас, унда ечилиши билан тамом бўлиб қоладиган ва қизиқишни сўндирадиган биронта тугун ҳам йўқ. Буларни сизга**

ёзаётганимга сабаб шуки, мундарижада ҳам, бўлажак эълонларда ҳам менинг асаримни роман, деб атаманг. Бу мен учун жуда муҳим бўлганидан сиздан шунини илтимос қиляпман”<sup>6</sup> – дея таъкидлаган.

Адабиётшунослик нуқтаи назаридан Л.Н. Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” асари роман-эпопея жанрига мансуб.

Роман-эпопея – йирик тарихий воқеа-ҳодисаларни қамраб олган, уларни яхлит ҳолда батафсил акс эттирадиган роман туридир. Одатда, роман-эпопеяларда асосий ва иккиламчи қаҳрамонлар сони ниҳоятда кўп бўлади.

Л.Н. Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” асари роман-эпопея жанрининг барча талабларига тўла мос келади ва жаҳон адабиётида ушбу жанр ривожини янги босқичга олиб чиққан асар ҳисобланади.

“Уруш ва тинчлик” роман-эпопеясида Франция императори Наполеон Бонапартнинг 1805 – 1807 ҳамда 1812 – 1814 йиллардаги ҳарбий юришлари, шу жумладан Франция – Россия уруши воқеалари тарихи ёритилган. **Ўз асарида адиб 500 дан ортиқ бадий қаҳрамонлардан фойдаланган.** Уларнинг баъзилари тарихий шахслар, баъзилари прототиплар, баъзилари эса тўқима бадий образлардир.

Асарнинг асосий ва чинакам қаҳрамони – она Ватанини босқинчилардан мардонавор ғимоя қилган рус халқи. Роман-эпопеяда ижтимоий келиб чиқиши ва жамиятдаги мавқеи турфа хил бўлган кишилар рус заминига бостириб келган умумий душманга қарши бир ёқадан бош чиқариб, бир сафда туриб кураш олиб борганликлари юксак маҳорат билан тасвирланган. Шу билан бирга, ҳар бир қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари ва ботиний дунёси, ўй-фикрлари ва орзу-интилишлари таъсирчан услубда ифодаланган.

Уруш ва тинчлик даврини муқояса қилиш орқали урушнинг даҳшати ва тинчликнинг қадри акс эттирилган. Тарихий воқеалар асносида муҳаббат, садоқат, дўстлик, ватанпарварлик ва жасорат каби эзгу инсоний туйғулар уларнинг акси бўлган нафрат, хиёнат, душманлик, сотқинлик ва қўрқоқлик каби разил иллатлар билан таққосланган. Инсон умри ғаниматлиги, унинг ҳар онини яхшилик

<sup>6</sup> Толстой Л.Н. Асосий қаҳрамонларим – ҳақиқат // Таржимон Ортиқбой Абдуллаев // Толстой Л.Н. Асосий қаҳрамонларим – ҳақиқат: қиссалар, мактублар, хотиралар / Тўплаб, нашрга тайёрловчи Саиджало Саидмуродов. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 188-бет.

ва бунёдкорликка сарфлаш зарурлиги ибратли фалсафий-бадий мулоҳазалар орқали баён этилган.


1868 – 1869 йилларда “Уруш ва тинчлик” роман-эпопеяси биринчи марта алоҳида китоб шаклида нашрдан чиққан. Л.Н. Толстой асарни қайта таҳрирдан ўтказиб, 1869 йилда иккинчи марта чоп эттирган. Шундан кейин ҳам адиб ҳажман улкан ушбу ижод маҳсулини қайта ишлаш ва таҳрир қилишда давом этган. Шу тариқа 1873 йилда роман-эпопеянинг учинчи нашри дунё юзини кўрган.

“Уруш ва тинчлик” роман-эпопеяси нашр этилгач, адабий жамоатчиликнинг юксак эътирофи сазовор бўлган. Н.Страхов, В.Соколов, С.Бочаров, П.Анненков каби машҳур рус адабиётшунос олимлари асар ҳақида ёзган тақризларида унга юқори баҳо беришган. Масалан, адабий танқидчи Сергей Бочаров куйидаги фикрларни қайд этган: “Китоблар ўқувчи хотирасида қандай муҳрланиб қолиши билан характерланади. “Уруш ва тинчлик” ёрқин эпизодлар, алоҳида манзаралар билан ёдда қолади, уларнинг ҳар бири катта маънога эга”<sup>7</sup>. Машҳур рус шоири ва ёзувчиси И.С. Тургенев эса 1880 йилда “XIX аср” номли француз газетаси муҳарририга ёзган мактубида “Уруш ва тинчлик” роман-эпопеясини “буюк ёзувчининг буюк асари” дея таърифлаган<sup>8</sup>.

Шунингдек, таниқли ўзбек адабиётшуноси Наим Каримовнинг ушбу асар ҳақида билдирган фикрлари ҳам аҳамиятли: “Рус ва жаҳон адабиёти хазинасидан мустаҳкам ўрин олган “Уруш ва тинчлик” эпопеяси Толстойнинг 60-йилларида ижодий камолотга эришганидан шаҳодат беради. Ёзувчи “Уруш ва тинчлик” романи билан ўз даврида рўй берган ва ўзи шахсан гувоҳ бўлган воқеаларга фаол муносабат билдирган”<sup>9</sup>.

Асар дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналаридан бири сифатида бугунги кунда ҳам севиб мутолаа қилинади. У асосида сериал ва кинофилмлар суратга олинган, опера ва спектакллар саҳналаштирилган.

Тўрт жилддан иборат “Уруш ва тинчлик” роман-эпопеясининг биринчи жилдини 1947 йилда атоқли ўзбек адиби ва таржимони Абдулла



Лев Толстой. Уруш ва тинчлик.  
– Тошкент: “Ўзбекистон”, 2019.

Қаҳҳор ўзбек тилига таржима қилган. Унинг иккинчи ва учинчи жилдини Абдулла Қаҳҳор ҳамда унинг турмуш ўртоғи, таниқли таржимон Кибриё Қаҳҳорова ҳамкорликда ўзбек тилига ўгиришган. Роман-эпопеянинг сўнгги тўртинчи жилдини эса Кибриё Қаҳҳорова она тилимизга таржима қилган.

Ўзбек тилида бир неча бор нашр этилган “Уруш ва тинчлик” роман-эпопеяси халқимизнинг энг сеvimли асарларидан бири ҳисобланади.

Қадрли мутолаа ихлосмандлари, жаҳон адабиётининг дурдона асарларидан бири – “Уруш ва тинчлик” роман-эпопеясидан саралаб олинган ҳикматли фикрларни эътиборингизга ҳавола эта-миз. Ушбу ҳаётий-фалсафий мушоҳадалар маънавий оламингизни бойитиб, Сизни умумбашарият адиби Лев Толстой ижодига яқинлаштиради деган умиддамиз.

<sup>7</sup> Қаранг: Бочаров С. Роман Л.Толстого “Война и мир” // <http://tolstoy-lit.ru/tolstoy/kritika-o-tolstom/bocharov-vojna-i-mir/glava-1.htm>.

<sup>8</sup> Қаранг: Тургенев И.С. Полн. собр. соч. и писем: В 28 т. Соч. Т. 15. – М., 1968. – С. 187-188.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси: 8-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2004. – 489-бет.

## ЛЕВ ТОЛСТОЙ ҲИКМАТНОМАСИ

\* \* \*

*Руҳан азоб чекаётган кишида саломатлик қаяқда дейсиз?*

\* \* \*

*Дунёда бахт деган нарса баъзан жуда адолатсизлик билан тақсим қилинар экан.*

\* \* \*

*Агар ҳамма фақат ўз эътиқоди асосида урушадиган бўлса, дунёда уруш деган нарса бўлмас эди.*

\* \* \*

*Хотинга боғланиб қолдингми, демак, кишига тушдинг – бутун эркинни йўқотасан. Дилингдаги бутун умид, белингдаги бутун қувват – ҳаммаси ўзингга ортиқча юк бўлади: пушаймондан азоб чекканинг чеккан.*

\* \* \*

*Немис бурганинг ҳам ёғини олади.*

\* \* \*

*Ёвгон ошиму безалва бошим.*

\* \* \*

*Қирқ йил қиргин бўлса ҳам ажали етган ўлади.*

\* \* \*

*Инсонда бўладиган нуқсонларнинг икки манбаи бор: бири – бекорчилик, бири – хурофот.*

\* \* \*

*Инсонда икки фазилат бор: бири – фаолият, бири – ақл.*

\* \* \*

*Математика – буюк иш.*

\* \* \*

*Ҳаракатда баракат деган гап бор.*

\* \* \*

*Машаққат тортсанг, муродга етасан.*

\* \* \*

*Ҳамма вақт кулфат лаззатдан кучлироқ бўлади.*

\* \* \*

*Бойларнинг жаннатга киришидан кўра туянинг игна тешигидан ўтиши осонроқ.*

\* \* \*

*Агар мендан биров “Дунёда энг катта орзунг нима?” деб сўраса, мен “Қашишоқларнинг қашишоғи бўлиш”, деб жавоб берардим.*

\* \* \*

*Фақат аҳмоқ одамлар-у фосиқ одамлар саломат бўлмайди.*

\* \* \*

*Ҳар кимнинг бир камчилиги бўлади.*

\* \* \*

*Бирон ёққа кетаётганида ёки ҳаётида бирон ўзгариш бўлган вақтда ўз қилмишларини ўйлаб кўриш қобилиятига эга бўлган кишилар одатан жиддий фикр ва мулоҳазалар қилади.*

\* \* \*

*Стерн айтганидек, “Биз одамларни уларнинг бизга қилган яхшиликларидан кўра ўзимизнинг уларга қилган яхшилигимиз учун кўпроқ яхши кўраимиз”.*

\* \* \*

*Ҳамма вақт иш чаппасига кетганида нима бўлишини назарга олиб иш тутуши керак.*

## ЛЕВ ТОЛСТОЙ ҲИКМАТНОМАСИ

\* \* \*

*Солдатга ўғрилиқ номус. Солдат деган ҳалол, олижаноб ва жасур бўлиши керак: ўз оғайнисининг нарсасини ўзирлаган бўлса, демак, номуси йўқ.*

\* \* \*

*Агар одам ўлганидан кейин нима бўлишини билса эди, ҳеч ким ўлимдан қўрқмас эди.*

\* \* \*

*Нима бўлишингни билмаганлигинг учун қўрқасан.*

\* \* \*

*Меҳр-муҳаббатнинг ҳеч кимга оғирлиги йўқ.*

\* \* \*

*Кийим одамни чиройли қилади.*

\* \* \*

*Ўйигитнинг ақли кўзида бўлади.*

\* \* \*

*Қўрққан одамнинг афт-ангорини кийим билан ўзгартириб бўлмас.*

\* \* \*

*Кўнгил яқин – йўл яқин.*

\* \* \*

*Эр танлаш қизнинг ўз ихтиёрида.*

\* \* \*

*Суворовнинг “Душманга ўзингни ҳужум қилгани кўйма, ўзинг ҳужум қил” деган қоидасини эсдан чиқариш керак эмас.*

\* \* \*

*Ботирлик ёшга қарамайди.*

\* \* \*

*Қани энди, одам бу дунёда кимдан ёрдам сўрашни-ю, у дунёда нима бўлишини билса!*

\* \* \*

*Ҳамма нарсанинг ҳеч нарсага арзимаслигидан ва англаб бўлмайдиган, лекин жуда муҳим аллақандай бир нарсанинг буюклигидан бошқа ҳеч, ҳеч тўғри гап йўқ!*

\* \* \*

*Модомики тирик экансан, яшай бер.*

\* \* \*

*Абадиятга нисбатан бир лаҳзагина умринг қолганда шунга шунчалик азоб-уқубат чекиб ўтиришига арзийдимми?*

\* \* \*

*Тўлғоқ тутаётган хотиннинг дард чекаётганлигидан ҳамма хабардор бўлса, туғиши қийин бўлади.*

\* \* \*

*Эзгуликни ҳеч ким яхши кўрмайди, эзгулик ҳамманинг кўзига чўп бўлиб тиқилади.*

\* \* \*

*Аҳмоқ одам таваккал деб ўйнайди. Ўйнаганда, албатта, ютаман деб ўйнаш керак.*

\* \* \*

*Муҳаббатда омади бўлган кишининг картада омади бўлмайди.*

\* \* \*

*Номардлик ҳар кимда ҳам бўлади.*

## ЛЕВ ТОЛСТОЙ ҲИКМАТНОМАСИ

\* \* \*

Ўлсанг, ҳаммаси тамом бўлади. Ўлсанг ё ҳаммасини биласан ёки қайтиб сўрамайсан.

\* \* \*

Ўлим ҳам жуда қўрқинчли.

\* \* \*

Ҳамма нарсани барбод қиладиган ва бугунми, эртами келадиган ажал абадиятга нисбатан кўз очиб юмгунча барибир келиб ёқангдан ушлайди.

\* \* \*

Ҳеч қандай ҳақиқат топилган эмас. Ҳеч қандай ҳақиқатнинг тагига етиб бўлмайди.

\* \* \*

Биз фақат билмаслигимизнигина биламиз. Мана шунинг ўзи инсон заковатининг энг олий нуқта-сидир.

\* \* \*

Ҳеч ким якка ўзи ҳақиқатга етиши олмайди.

\* \* \*

Худони ақл билан билиб бўлмайди, уни ҳаётда билади киши.

\* \* \*

Ҳикмати илоҳи ва ҳақиқат ичмоғимиз керак бўлган покиза сув демакдир.

\* \* \*

Ҳикмати илоҳи фақат ақлу идрокка, физика, тарих, кимё ва бошқа дунёвий илмлардан мураккаб бўлган билимга асосланган эмас. Ҳикмати илоҳи ягонадир. Ҳикмати илоҳи бир илмдан ҳамма нарсани, оламнинг яратилиши ва унда инсоннинг тутган ўрнини тушунтириб берадиган илмдан иборат. Бу илмни забт этиши учун одам ўзини, кўнглини пок қилиши керакдир. Шунинг учун бу илмни билишдан олдин эътиқод қилиши ва такомиллашиши лозим. Бу мақсадларга эришмоқ учун қалбимизга виждон отли нури илоҳий жойлаштирилгандир.

\* \* \*

Безор бўлсанг, бу ҳаётингни ўзгартир, ўзингни пок қил, пок бўлганинг сайин ҳикмати илоҳини тушунаверасан.

\* \* \*

Мададни фақат худодан сўраш керак.

\* \* \*

Ўлим эзгулик йўлида риёзат чеккан руҳни роҳат ва фароғатга элтиши учун бу дунёнинг касиратидан қутқарадиган дўст.

\* \* \*

Иеороглиф – ҳис қилиб бўлмайдиган ва тасвир қилинган нарсадаги сифатларга эга бўлган нарсанинг номидир.

\* \* \*

Кайфи сафони эҳтиросдан эмас, ўз қалбингиздан истанг. Кайф-сафо манбаи сиздан ташиқари эмас, ўзингизда.

\* \* \*

Тенгликни бузадиган бирон ҳаракатдан ўзингни сақла. Ким бўлмасин, одам боласига дарҳол ёрдам қил, гумроҳга йўл кўрсат, йиқилаётганини суяб қол, одам боласига ҳеч қачон душманлик қилма, газабланма. Хушфеъл ва хушмуомала бўл. Барчанинг кўнглида эзгулик оловини ёқ. Бахт-саодатни одам боласи билан баҳам кўр, шунда бу фароғатингга ҳеч қачон ҳасад путур етказмайди.

Душманингни кечир, ундан қасос олма, унга фақатгина яхшилик қил. Олий қонунни мана шундай ижро қилишинг билан сен қадимги, йўқотган шавкатинг изига тушган бўласан.

## ЛЕВ ТОЛСТОЙ ҲИКМАТНОМАСИ

\* \* \*

*Хизматда юқори мартабага эришиши учун ҳаракат, меҳнат, ботирлик, садоқат эмас, балки қилинган хизмат учун мукофот берадиганлар билан муомала қилишни билиши керак.*

\* \* \*

*Ҳеч нарса абадий бўлмайди.*

\* \* \*

*Қонагон итни ўлдирishi ҳатто савоб.*

\* \* \*

*Одам ўлдирishi яхши эмас, ноинсофлик бўлади.*

\* \* \*

*Инсоф ва ноинсофлик тўғрисида ўйлаш одамларнинг иши эмас. Одамлар ҳамма нарсадан ҳам кўра инсофни ноинсофликдан ажратиши тўғрисида бир умр адашган ва бундан кейин ҳам адашади.*

\* \* \*

*Бировга нисбатан қилинган ҳар бир ёвузлик ноинсофлик бўлади.*

\* \* \*

*Ўзимизга нисбатан қилинган ёвузлик нима эканлигини ҳаммамиз ҳам биламиз.*

\* \* \*

*Мен ўзим учун ёвузлик деб билган нарсани бировга қилмайман.*

\* \* \*

*Мен ҳаётда фақат икки нарсани чинакам бахтсизлик деб биламан: виждон азоби ва хасталик. Мана шу икки нарса бўлмаслигининг ўзи хушбахтликдир.*

\* \* \*

*Ёвузлик қилмаслик, пушаймон бўлмаслик учунгина яшаиш кифоя қилмайди.*

\* \* \*

*Ҳар ким ўз билганича яшайди.*

\* \* \*

*Шон-шараф нима ўзи? Бу ҳам бошқаларни севиши, ўшалар учун бирон яхшилик қилиши, уларнинг мақтовига сазовор бўлиши деган гап.*

\* \* \*

*Ҳаётда энг яхши бахт шу эзгулик лаззатидир.*

\* \* \*

*Бизнинг учун ақлий меҳнат қанчалик зарурат бўлса, унинг учун жисмоний меҳнат ҳам шунчалик зарурат ва ҳаётининг матлабидир.*

\* \* \*

*Киши ҳаётини мумкин қадар яхшироқ ўтказишига ҳаракат қилиши керак.*

\* \* \*

*Фақат бизнинг муқаддас биродарлигимизгина ҳаётда чин маънога эгадир; бошқа ҳамма нарса бир туши демакдир.*

\* \* \*

*Яшаиш керак, севиши керак ва шунга ишонishi керак.*

\* \* \*

*Томирлардан қонни чиқариб ташлаб, ўрнига сув қуйсанг, ўшанда уруш бўлмайди.*

\* \* \*

*Бировга яхшилик қилсам, кўп хурсанд бўламан, лекин адолатсизлик ўрнига адолат ўрнатиши буюк бир бахтдир.*

\* \* \*

*Қонун мендан кучлироқ.*

\* \* \*

Қонунни бажаришидан кўра, ёзиши осонроқ.

\* \* \*

Қонун ёзиши осон, лекин идора қилиши қийин.

\* \* \*

Шараф – ножўя иш қилмаслик ёки шу шарафни ифода қиладиган бирон таҳсин ва мукофотга сазовор бўлиши мусобақасига маълум бир манба демакдир.

\* \* \*

Кўнгилга келган ҳамма нарсани айтавериши ярамайди.

\* \* \*

Ҳалол одам қилган эзгуликлари бадалига шу дунёда абадий мукофотга эришсин.

\* \* \*

Ҳар қандай мажбурий ислоҳот мазамматга сазовордир, чунки одамлар шу кўйича қолаверса, ислоҳот ҳеч қандай яхшилик келтирмайди.

\* \* \*

Ўз туйғулари ҳукмида бўлган киши эзгуликда ҳиссий бир гўзаллик кўра билиши керак. Одам бола-сининг кўнглидан эҳтиросни чиқариб ташлаб бўлмайди; бу эҳтиросни фақат олижаноб мақсадларга томон йўналтириши керак, шунинг учун ҳам ҳар бир киши ўз эҳтироси нафсини эзгулик доирасида қондириши ва бизнинг тариқатимиз мана шунга воситалар топиб бериши лозим.

\* \* \*

Кундалик турмуш галаёнлари ичидагина биз қўйидаги уч асосий мақсадга эриша олишимиз мумкин: биринчиси – ўз-ўзини билиши, чунки инсон ўзини фақат муқояса йўли билангина билиши мумкин; иккинчиси – ўз-ўзини такомиллаштириши, бунга фақат кураш натижасида эришилади; учинчиси – асосий эзгуликка эришиши, бунга фақат ўлимга муҳаббат қўйиши билан муваффақ бўлиши мумкин.

\* \* \*

Ҳаётнинг фонийлиги унинг беҳудалигини кўрсата олади ва ўлимга азалий муҳаббат қўйишимизга ёки янги ҳаёт учун қайта тирилишимизга ёрдам бера олади.

\* \* \*

Э худойи карим, менга ўзинг кўрсатган йўлдан юришига, яъни: 1) қаҳр-газабнинг бир қисмини оғирлик ва пурбардорлик билан енгишига; 2) нафсни қаноат ва нафрат билан енгишига; 3) узлатни ихтиёр қилишига, лекин давлат хизматидан, оилага гамхўрлик қилишидан, дўстона муносабат ва иқтисодий машғулотлардан четланмасликка ёрдам бер.

\* \* \*

Тилим – душманим.

\* \* \*

Етти илм, етти эзгулик, етти қусур, муқаддас руҳнинг етти эҳсони.

\* \* \*

Китоби Муқаддаснинг бу сўзларини ўйлаб ётган эканман: “Абадий ҳаёт инсон учун нурдир, нур қоронғиликда нур сочади ва қоронғилик уни ниҳон қилолмайди”.

\* \* \*

Давлат идораси зулмга эмас, балки мустаҳкам асосга таяниши керак.

\* \* \*

Бахтли бўлиши учун бахтга ишонини керак.

\* \* \*

Тирик бўлгандан кейин яшамоқ, хушбахт бўлмоқ керак.

## ЛЕВ ТОЛСТОЙ ҲИКМАТНОМАСИ

\* \* \*

Ҳамиша ўзингдан юқорироқ одамлар билан оиначилик қилишинг мумкин ва шундай қилиш керак, чунки ўшандагина бу оиначиликнинг нашоаси бўлади.

\* \* \*

Ҳамма эркаклар фақат ўзларини ақлли деб ҳисоблашади-ю, лекин аслида эса балони ҳам билишмайди, гердайган, худбин бўлишади.

\* \* \*

Жамият учун яшамоқ лозим.

\* \* \*

Баъзан эркакларга эркакча гап ҳам керак бўлади.

\* \* \*

Хотин киши эркакка қанчалик камроқ ёқса, шунчалик содиқроқ бўлади.

\* \* \*

Эр-хотинлик – Худонинг иродаси.

\* \* \*

Инсониятнинг барча мураккаб қонунлари унинг назарида содда ва равшан бир қонундан иборат бўлиб, бу ҳам бўлса – севиш ва ўз жонини фидо этиш қонуни эди, бу қонунни инсоният учун муҳаббат билан азоб чеккан худонинг ўзи яратган.

\* \* \*

Ҳарбий хизматнинг кишини ўзига тортадиган асосий томони ҳам мана шу мажбурий ва ҳеч ким таъна қилолмайдиган бекорчилик бўлиб келган ва бўлажак ҳам.

\* \* \*

Бир кун келиб, ўласан-кетасан киши. Шундай бўлгандан кейин, ёмонлик қилиб нима қиласан?

\* \* \*

Гап куйда эмас, сўзда, куй ўз-ўзидан келверади нарса, сўзсиз куйнинг ўзи бўлмайди, куй фақат қўшиқнинг яхшироқ чиқиши учунгина хизмат қилади.

\* \* \*

Яшамоқ ва яшамоқ учун бирон иш билан шуғулланмоқ керак.

\* \* \*

Одамлар ҳам ҳаётда шу солдатларга ўхшарди: биров иззатталаблик, биров қартабозлик, биров қонун ёзиш, биров хотинбозлик, биров ўйинчоқ, биров сиёсат, биров ов, биров ичкилик, биров давлат ишлари билан шуғулланиб овунарди.

\* \* \*

Менинг Андрюшам у ерда Россия учун том-том қонунлар ёзди. Ҳозир ҳамма ёзадиган бўлиб кетган!

\* \* \*

Ўлим халоскор эрур, ўлим осойиштадир,  
Азобдан қутулмоқнинг йўқдир ўзга чораси.

\* \* \*

Хотинларнинг кайфияти ким хушомад қилишига боғлиқ.

\* \* \*

Бировни қоралаш, боиқаларнинг айбини унга тўнкаш жуда осон.



## ИСЛОҲОТЛАРИМИЗДАГИ ЭНГ АСОСИЙ ЮТУҚЛАРИМИЗДАН БИРИ


Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида: “Биз Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича катта ишларни амалга оширдик. Бу ислохотларимиздаги энг асосий ютуқларимиздан бири бўлди”, деб таъкидлаган эди.

Яқинда Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш Миллий комиссияси томонидан нашр этилган рисолада ана шу йўналишда 2021 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоби келтирилган.

Рисолада қайд этилганидек, одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, соҳага доир қонунчилик асосларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида 2021 йилда мамлакатимизда 16 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган.

Миллий комиссия томонидан давлат ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти самарали мувофиқлаштириб келинмоқда.

Одам савдоси жабрдийдаларини аниқлаш ҳамда мажбурий меҳнатга қарши курашиш учун уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам бериш мақсадида алоҳида веб-сайтлар ташкил этилган, Ички



ишлар ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликларининг, Касаба уюшмалари федерациясининг ишонч телефонлари узлуксиз ишлаши таъминланган. Пахта йиғими мавсумида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик устидан парламент назорати ўрнатилган. Давлат меҳнати инспекторларидан ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, олинган мурожаатлар юзасидан тезкор ўрганишлар олиб борилган ва тегишли чоралар кўрилган. Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация марказлари хизматлари ташкил этилган.

Рисолада ушбу соҳадаги халқаро ҳамкорлик доирасида амалга оширилган анжуман ва тадбирлар ҳам атрофлича ёритилган. Хусусан, мамлакатимизда одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича халқаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро миграция ташкилоти, БМТнинг Наркотик ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси, АҚШ Давлат департаменти вакиллари билан учрашувлар ва онлайн мулоқотлар ўтказилган.

Шунингдек, халқаро ҳамжамиятнинг мамлакатимизда мазкур йўналишларда амалга оширилаётган муҳим чора-тадбирларга нисбатан муносабати ва эътирофи ҳам рисола саҳифаларидан ўрин олган. Жумладан, Халқаро меҳнат ташкилоти экспертларининг фикрича, Ўзбекистоннинг болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни тўлиқ бартараф этиш бўйича тажрибасини халқаро ҳамжамиятга етказиш муҳим аҳамиятга эга.

## АҚШНИНГ ХАЛҚАРО ДИНИЙ ЭРКИНЛИК БЎЙИЧА КОМИССИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШУВ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов АҚШнинг Халқаро диний эркинлик бўйича комиссияси раиси Надин Маэнза бошчилигидаги делегация билан учрашди. Тадбир 2022 йил 5 апрель куни Тошкент шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказда бўлиб ўтди.

Унда АҚШ делегацияси аъзоларига мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида, айниқса, юртимиздаги ислохотлар дастурининг муҳим йўналиши сифатида диний эркинликларни таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда кейинги йилларда диний ташкилотларга доир миллий қонунчилик такомиллаштирилди. Бунда ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Венеция комиссияси ҳамда АҚШнинг Халқаро диний эркинлик бўйича комиссияси, Бригам Янг университети профессори Элизабет Кларкнинг тавсиялари, қолаверса, бутун дунёда содир бўлаётган ҳақиқий ҳолат ҳамда халқимизнинг қўп асрлик тарихий ва диний кадриятлари ҳисобга олинди.

Шунингдек, “жаҳолатга қарши – маърифат” тамойили асосида дин билан боғлиқ жиноятлари учун жазоланганлар орасида радикаллашувнинг олдини олиш бўйича Тараққиёт стратегияси доирасида юртимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар самараси ижтимоий муҳитга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бинобарин, жамиятда конфессиялараро мулоқот ва диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлашга йўналтирилган давлат сиёсати барқарорлик ва хавфсизликнинг муҳим омилidir.

Ўзбекистонда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ўзгаришларни АҚШ Давлат департаменти юқори баҳоламоқда. Хусусан, 2020 йилда АҚШ Давлат департаменти томонидан Ўзбекистон диний эркинлик соҳасидаги “махсус кузатувдаги давлатлар” рўйхатидан чиқарилди.

АҚШнинг Халқаро диний эркинлик бўйича комиссияси раиси Надин Маэнза самимий мулоқот учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистондаги ижобий ўзгаришлардан мамнунлигини таъкидлади ҳамда ўзаро амалий ҳамкорликка тайёрлигини маълум қилди.

Учрашувда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дэниел Розенблюм иштирок этди.

## ХАЛҚАРО КОНГРЕСС ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

2022 йил 11 апрелда Россия халқлар дўстлиги университетининг халқаро ҳуқуқ кафедраси томонидан ташкил этилган XVIII “Блишченко ўқувлари” халқаро конгрессининг ялпи мажлиси онлайн шаклда бўлиб ўтди. Унда ҳозирги давр халқаро ҳуқуқининг энг муҳим назарий ва амалий илмий масалалари кўриб чиқилди.

Россия халқлар дўстлиги университетининг халқаро ҳуқуқ кафедрасида узоқ йиллар самарали илмий-педагогик фаолият олиб борган буюк олим Игорь Павлович Блишченко хотирасига бағишланган ушбу анжуман 2002 йилдан бери ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилди. БМТ Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги 75/279-резолуциясига асосан “Блишченко ўқувлари” халқаро конгрессига расмий мақом берилган.

Жорий йилги халқаро конгрессда АҚШ, Хитой, Франция, Ҳиндистон, Бразилия, Исроил, Беларусь,

Озарбайжон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва бошқа қўплаб мамлакатлар вакиллари иштирок этди.

Анжуманни табрик сўзи билан Россия халқлар дўстлиги университети ректори О.А.Ястребов очиб берди. Шундан сўнг, иштирокчиларнинг маърузалари тинланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори академик А.Х.Саидовнинг нутқи йиғилганларда, айниқса, катта таассурот қолдирди.

Конгресс доирасида жорий йил мобайнида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ, космос ҳуқуқи, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бағишланган вебинарлар ўтказилиши режалаштирилган.

## ХАЛҚАРО АНЖУМАНДА АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ



Жорий йилнинг 7 июнь куни Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим: Ўзбекистон ва Туркия тажрибаси” мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли анжуман Туркиянинг Инсон ҳуқуқлари ва тенглик институти раиси бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида ташкил этилди.

Давра суҳбати аввалида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига доир таълим сифатини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Шундан сўнг, иштирокчиларнинг маърузалари тингланди. Маърузаларда Париж принциплари доирасида инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолияти, олий таълим тизимида инсон ҳуқуқларига оид фанларнинг ўқитилиши ва маз-

кур йўналишларда икки мамлакатда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида сўз юритилди.

Тадбир доирасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Туркиянинг Инсон ҳуқуқлари ва тенглик институти ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

– Бугунги учрашувда имзоланган ушбу ҳужжат қўшма тадбирлар ўтказишни кўзда тутди, – деди Туркия делегацияси раҳбари Мухаррем Қилич. – Биз жаҳон миқёсида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги идоралар фаолиятини ўрганиб борамиз. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолияти ҳам эътиборимиз марказида. Жамоа жуда жиддий масалалар бўйича иш олиб бораётганига, соҳага оид қатор қўлланма ва китоблар чоп этаётганига гувоҳ бўлдик.

Муҳокамаларга бой бўлган ушбу давра суҳбати иштирокчиларга инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни ривожлантириш бўйича икки мамлакатдаги илғор тажрибаларни ўрганиш имконини берди.

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА МАҚОМИ

